

O'ZBEKISTON ISSN 2181-502X

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№1. 2022

**2022 йил – инсон қадрини
улуғлаш ва фаол маҳалла йили**

*Халқимизни, барча қишлоқ ва
сув хўжалиги меҳнаткашларини,
фермер ва чорвадорларни
Янги – 2022 йил билан чин
қалбдан муборакбод этамиз.*

*Янги йил қут ва баракали
келсин.*

*Жамики эзгу-ниятлар
амалга ошишига
тилакдошмиз.*



Барча юрtdошларимизни,
сув хўжалиги тизимида
меҳнат қилаётган кўп
минг сонли ходимларни
Янги - 2022 йил билан
қизғин табриклаймиз.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг
жаҳондаги ўрни янада юксак
бўлишига тилакдошмиз.

АМУ-СУРХОНДАРЁ ИТХБ жамoаси



Янги йилингиз муборак бўлсин!



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни, Янги – 2022 йил билан самимий муборакбод этаман. Шу қувончли дамларда барчангизга тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахту саодат тилайман!

Бугун, Янги йил остонасида туриб, ўтаётган йилдан рози бўлсак, Яратганга ҳар қанча шукроналар айтсак, арзийди.

"Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" ҳаётимизда ёрқин из қолдирмоқда. Йил давомида сизлар билан бирга улкан ишларни амалга оширдик.

Пандемия ва глобал инқирозга қарамасдан, юртимизда юқори иқтисодий ўсиш таъминланди. Кўплаб корхоналар, кластер ва технопарклар, замонавий инфратузилма тармоқлари барпо этилди.

Янги-янги уй-жойлар, боғча ва мактаблар, олийгоҳ ва шифоналар, маданият ва спорт масканлари фойдаланишга топширилмоқда.

Тадбиркорлик ҳаракати, жумладан, хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлиги жадал ривожланмоқда.

Дехқон ва фермерларимиз фидокорона меҳнат қилиб, бу йил ҳам мўл ҳосил етиштирдилар.

Шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлиб, Янги Ўзбекистоннинг бетакрор қиёфаси шаклланимоқда.

Билимдон ва ғайратли ёшларимиз катта-катта ютуқлари билан халқимизни янада қувонтирмоқда. Мамлакатимизнинг халқаро нуфузи тобора юксалмоқда. Фурсатдан фойда-

ланиб, хорижий ҳамкорларимиз, чет давлатлар халқларини Янги йил билан табриклаб, уларнинг барчасига тинчлик ва раўнақ тилаймиз.

Азиз дўстлар!

Юртимизда кенг қўламли ислохотларимиз барқарор тус олди.

Уларни янада ривожлантириш мақсадида биз Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқдик.

Унинг асосида "Инсон қадрли учун", деган улуғвор ғояни амалга оширамыз.

Биз янги йилга ном беришда, кенг жамоатчиликнинг фикрларини ўргандик. Ана шу таклифлардан келиб чиқиб, мен Янги – 2022 йилни мамлакатимизда **"Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"** деб эълон қилишни таклиф этаман.

Инсон қадрини улуғлаш – юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир.

Бу борада жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутади.

Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади.

Маҳалла обод бўлса, мамлакат обод бўлади.

Шу боис, бундан буён ҳар бир маҳаллада самарали иш олиб бориш фаолиятимизнинг бош мезонига айланади.

Бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз.

2022 йилда иқтисодиётимиз тармоқлари ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш

ўринлари яратиш эътиборимиз марказида бўлади.

Аҳоли даромадларини кўпайтириш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини оширишга қаратилган муҳим ишларни давом эттирамыз.

Ижтимоий соҳалар, айниқса, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия ва илм-фанни ривожлантиришга барча ресурслар жалб этилади.

Муҳтарам уруш ва меҳнат фахрийларини, азиз аёлларимиз ҳамда ёшларимизни қўллаб-қувватлаш, қўмакка муҳтож инсонларга ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор берамыз.

Юртимизни янада обод қилиш, замонавий уй-жойлар, жумладан, барча ҳудудларимизда **"Янги Ўзбекистон массивлари"**ни қуриш асосий вазифаларимиздан бири бўлади.

Ишонтириб айтаманки, халқимизнинг ҳаёти янада фаровон ва мазмунли бўлиши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Барчангизни Янги – 2022 йил билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман!

Янги йилимиз қутлуғ ва баракали келсин!

Кексаларимизнинг умрини, ёшларимизнинг камолини берсин!

Дилбар аёлларимизга доимо бахту иқбол ёр бўлсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ УЧУН МУҲАНДИС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛАШТИРИШ АСОСИДА ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда чекланган сув за-
хираларидан самарали фойдаланиш,
қишлоқ хўжалиги ерлари биофондини
тиклаш, шўрланган ва эрозияга учра-
ган майдонларни қайта фойдаланишга
киритиш, экотизимлар биологик хилма-
хиллигини сақлаб қолиш, “яшил энерге-
тика” ва агротехнологиялар каби муҳим
йўналишларда таълим, илмий тадқиқот
ва ишланмалар трансферини самарали
йўлга қўйиш талаб этилмоқда.

Бундай долзарб глобал муаммо-
ларни ечиш учун инвестициялар ва
илмий тадқиқотларни кенгайтириш,
рақамли технологияларни кенг жорий
этиш орқали илмий салоҳиятни янги
босқичга кўтариш ҳамда ишланмалар-
ни амалиётда қўллашга қодир бўлган
муҳандисларни тайёрлаш масалалари
устувор аҳамият касб этади.

Республикада инновацион таълим
ва технологиялар трансферини қўллаб-
қувватлаш тизимини яратиш, таълим
ва ишлаб чиқаришни узвий боғлаш,
олий таълим муассасалари фаолият
йўналишларини тубдан такомиллаш-
тириш, уларнинг халқаро нуфузини
ошириш, самарали бошқарув тизимини
ташkil этиш, шунингдек, Ўзбекистон
Республикаси Президентининг 2019
йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон фармони
билан тасдиқланган Ўзбекистон Респу-
бликаси олий таълим тизимини 2030
йилгача ривожлантириш концепциясида
белгиланган вазифалар ижросини изчил
таъминлаш мақсадида:

1. Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти “Тошкент ир-
ригация ва қишлоқ хўжалигини меха-
низациялаш муҳандислари институти”
миллий тадқиқот университети (кейин-
ги ўринларда – Университет) деб қайта
номлансин.

2. Қуйидагилар Университетнинг
асосий фаолият йўналишлари этиб
белгилансин:

гидроэнергетика, ирригация тизим-
ларини бошқариш, сув хўжалиги объ-
ектлари қурилиши, кадастр ва геоин-

форматика, “яшил иқтисодиёт”, “яшил
энергетика”, экология ва атроф-муҳит
муҳофазаси, қишлоқ хўжалиги маши-
насозлиги, рақамли технологиялар
тармоқлари учун олий маълумотли
муҳандис кадрларни тайёрлаш;

суғориш тизимлари самарадорлигини
ошириш, тежамкор суғориш техноло-
гияларини яратиш, “рақамли қишлоқ
хўжалиги” ва геоахборот тизимлари асо-
сида ерларнинг мелиоратив ҳолатини
баҳолашни йўлга қўйиш ҳамда тупроқ
унумдорлигини оширишнинг такомил-
лашган усулларини ишлаб чиқиш;

замонавий ўқув ва илмий-лабо-
ратория базасини шакллантириш,
уни илғор технологик асбоб-ускуналар
билан жиҳозлаш ҳамда соҳани ривож-
лантиришга қаратилган илмий-иннова-
цион тадқиқотларни кенгайтириш ва
уларнинг трансфери бўйича самарали
тизимни шакллантириш;

экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий
тадқиқотлар натижадорлигини ошириш,
сув ресурсларини ҳисобга олиш ва
бошқариш тизимини такомиллашти-
риш, гидротехника иншоотларини
лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишни
рақамлаштириш борасида илмий
ечимларни ишлаб чиқиш;

илмий ва илмий-педагогик кадрлар
тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш бўйича узлуксиз
таълим тизимини яратиш;

етақчи хорижий олий таълим му-
ассасалари билан қўшма таълим
дастурлари ва илмий лойиҳаларни
жорий этиш, Университет профессор-
ўқитувчиларининг малакасини ошириш,
битирувчиларнинг республика ва хори-
жий олий таълим муассасаларида (илмий
марказларда) магистратура ва доктор-
антура дастурлари бўйича таҳсил
олишларини ташkil этиш;

ўқув жараёнини талабалар-
да мустақил таълим олиш, тизимли
таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва
амалий, жумладан, тадбиркорлик
қўникмаларини шакллантиришга

йўналтириш;

ўқув жараёнига халқаро таълим
стандартларини жорий этиш, таълим
ва тадқиқотни уйғунлаштириш орқали
иқтисодиёт тармоқлари учун энг илғор ин-
новацион технологияларни ишлаб чиқиш;
тасарруфидаги ихтисослаштирилган
таълим муассасалари фаолиятини
мувофиқлаштириш, уларнинг моддий-
техника базасини мустаҳкамлаш.

Белгилансинки, Университет гидро-
энергетика, ирригация, мелиорация,
қишлоқ хўжалигида инновацион техника
ва технологиялар, сув тежовчи суғориш
технологиялари, қайта тикланувчи энер-
гия манбалари, геодезия ва геоин-
форматика, экология ва атроф-муҳит
муҳофазаси йўналишларида кадрлар
тайёрловчи таянч олий таълим муасса-
саси ҳисобланади.

3. Университет фаолиятини
мувофиқлаштириш бўйича бошқарув
кенгаши (кейинги ўринларда – Бошқарув
кенгаши) ташkil этилсин ва унинг тар-
киби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бошқарув кенгашига (С.У.Умурзаков):
а) қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Университетнинг молиявий йил учун
мўлжалланган бизнес-режасини, узоқ
ва ўрта муддатли стратегик ривожлан-
тириш дастурини, даромад ва харажат-
лар параметрларини тасдиқлаш ҳамда
уларнинг ижросини муҳокама қилиш;

Фанлар академияси илмий муассаса-
лари ва тармоқ илмий-тадқиқот инсти-
тутлари билан ҳамкорликда илмий
мактабларни ривожлантириш;

қишлоқ ва сув хўжалиги технологияла-
ри йўналишида таълим, илмий тадқиқот
ва ишланмалар трансфери жараён-
ларини ривожлантириш ҳамда илмий
тадқиқот ва инновацион ишланмалар
бўйича буюртмачилар билан манфа-
атли ҳамкорликни ўрнатиш;

илмий маҳсулотларни тижоратлаш-
тириш, стартап ва акселератор фаолият-
ларини йўлга қўйиш;

таълим ва тадқиқот жараёнларига ин-
вестицияларни жалб этиш, етакчи хори-
жий олий таълим ва илмий-тадқиқот му-

ассасалари билан самарали алоқаларни ўрнатиш;

б) куйидаги ваколатлар берилсин:
иктисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда **янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш**, шунингдек, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул параметрларини белгилаш;

ўқув-илмий жараёнларга жалб этилган **хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини** бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилаш;

Университет ва унинг тасарруфидаги таълим ташкилотлари **тузилмаларини тасдиқлаш**;

Университетнинг ташкилий тузилмасига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган **янги лавозим ва таркибий бўлинмалар ҳамда қўшимча штат бирликларини** жорий этиш.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг Университетда Трансформация офисини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Трансформация офиси куйидагилар учун масъул этиб белгилансин:

Университетни **трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш** ҳамда **2025 йилга қадар** халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингда биринчи 1000 талик рўйхатга киритиш;

Университетни танитиш бўйича миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғи ва бошқа воситалар орқали **тарғибот тадбирларини ўтказиш ва реклама қилиш**;

Университетдаги турли ҳисобот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашда қоғоз шаклидан воз кечиш, бошқарув тизими ва ўқув жараёнлари, кутубхона ва ҳужжатлар айланмасини рақамлаштирувчи **“Рақамли Университет” платформасига** тўлиқ ўтишини таъминлаш.

Белгилансинки, Трансформация офиси раҳбари лавозими, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва миқдорлари бўйича Университет проректорига тенглаштирилади.

5. Университетга 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб куйидаги ваколатлар берилсин:

а) **академик мустақиллик соҳасида**:
ўқув режалари, ўқув дастурлари, малака талабларини касбий стандартлар асосида тасдиқлаш, таълим тилини ҳамда таълим йўналишлари ва мутахассисликлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим олиш шаклини

белгилаш;

илмий даражалар берувчи **илмий кенгашлар тузиш** ва уларнинг таркибини тасдиқлаш;

тегишли ихтисосликларда **илмий унвон ва илмий даражаларни бериш** ҳамда республикадаги бошқа олий таълим муассасалари томонидан берилган илмий унвон **ва илмий даражаларни** тан олиш, шунингдек, докторант ва мустақил изланувчиларга **илмий раҳбарлик қилиш тартибини тасдиқлаш**;

таълим йўналишлари ва мутахассисликлар учун **таълим давомийлиги муддатларини** белгилаш;

докторантурада тўлов-контракт асосида ўқиш қийматини белгилаш, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан грант ажратиш орқали **докторантурага танлов асосида квотага қўшимча равишда талабгорларни қабул қилиш**;

магистратура босқичида таълимнинг сиртқи, масофавий ва кечки шакллари жорий этиш, шунингдек, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича **қўш малакалар ҳамда касбий малакалар бериш тизимини жорий қилиш**;

ўзаро келишувлар асосида олий таълим муассасалари билан **ички академик мобилликни амалга ошириш**;

Университет ва унинг тасарруфидаги таълим муассасалари учун **ўз грифи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш**;

таълим сифатини **ички назорат қилиш механизмларини белгилаш ва жорий этиш**;

б) **ташкилий-бошқарувдаги мустақиллик соҳасида**:

фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илм-фан, унинг натижаларини жорий этиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган таркибий тузилмалар, **тижорат ва нотижорат ташкилотларни ташкил этиш**;

педагог ва бошқа **ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан озод этиш ва ички ротациясига оид тартибни белгилаш**;

хорижий давлат фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш ва **масофавий таълим олиш шаклида ўқитишни ташкил этиш**.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган ваколатлар Университет томонидан мустақил равишда қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Университетни 2022 йил 1 январдан бош-

лаб ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда, Университетга ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилган олий таълим муассасалари учун берилган барча ваколат ва ҳуқуқлар татбиқ этилади.

7. Куйидагилар:

2025 йилга қадар “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетини **трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш дастури** 2-иловага мувофиқ;

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг **халқаро нуфузини ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар** 3-иловага мувофиқ;

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети **мутахассислик кафедраларини** илмий-тадқиқот муассасалари, тармоқ корхоналари, ташкилотлари ва **муассасаларга бириктириш жадвали** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг куйидаги таклифлари маъқуллансин:

Университет ҳузурида юридик шахс мақомига эга **Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти**ни ташкил этиш;

Университетнинг Бухоро филиали негизда **Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти**ни ташкил этиш;

Университетнинг Қарши филиали негизда **Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти**ни ташкил этиш.

9. Белгилансинки:

Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институтининг жорий фаолияти, бино ва иншоотлардан фойдаланиш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш (илмий ходимлардан ташқари) бўйича харажатларини молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти ҳамда Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти Университет ҳузурида фаолият юритади;

Университетнинг Бухоро ва Қарши филиаллари талабалари таҳсил олаётган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишни мос равишда Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти ҳамда Қарши ирригация ва агротехнологиялар институтида давом эттиради;

Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти ҳамда Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти тааллуқлилиги бўйича Университетнинг Бухоро ва Қарши филиалларининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади ҳамда филиалларнинг мол-мулки ва бошқа асосий воситалари тегишли равишда янги ташкил этилаётган институтларга ўтказилади.

10. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти тузилмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

минтақада мавжуд сув ресурсларини инobatга олган ҳолда ҳудудлар кесимида **сувдан фойдаланиш бўйича ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган тадқиқотлар ўтказиш**;

геоахборот технологиялари асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш, **тупроқ унумдорлигини оширишнинг янги усулларини яратиш**;

сунъий интеллект ва “ақлли технологиялар” бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш, маҳаллий **тупроқ, экин ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турларига мослаштирилган агротехнологиялар яратиш**;

ўсимликлар ва уларнинг яшаш муҳитини, ўсимликлар таркибидаги озуқа моддаларининг оптимал даражасини, **тупроқнинг макро ва микро элементларини физик-кимёвий таҳлил усуллари асосида тадқиқ этиш**;

“яшил иқтисодиёт”, қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда **ресурсстежамкор технологиялар бўйича тадқиқотларни ривожлантириш ва ишланмаларни яратиш**;

электроника, мехатроника ва робототехника йўналишидаги амалий тадқиқотларни ривожлантириш, космик аппаратлар маълумотларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

физика йўналишлари бўйича фундаментал муаммоларни ўрганиш, экспериментал маълумотларни қайта ишлашнинг янги моделлари ва усулларини ишлаб чиқиш.

11. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй, “А” бинога жойлаштирилсин.

Белгилансинки, Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти биносини жорий таъмирлаш, унга туташ ҳудудни ободонлаштириш, хизмат хоналарини мебель, компьютер, ташкилий техника ва инвентарь билан жиҳозлаш Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси

маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Сув хўжалиги вазирлигини маъмурий бино билан таъминлаш чораларини кўрсин.

12. **Университет фаолиятини ривожлантириш жамғармаси** ташкил этилсин ва унинг молиявий манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ирригация ва мелиорация объектларини куриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини тузиладиган шартномалар асосида илмий-техник жиҳатдан таъминлаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг 5 фоизигача бўлган қисми;

иқтисодиёт тармоқларида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича ўзаро келишув асосида таълим, кадрлар тайёрлаш, тадқиқот ва технологиялар трансферини ривожлантириш компонентлари маблағлари;

хорижий инвесторлар билан инвестиция келишувларида назарда тутилган илмий тадқиқотлар, кадрлар тайёрлаш ва лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар;

кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, қишлоқ, сув хўжалиги ва бошқа йўналишларда жалб этиладиган донор ташкилотларнинг грант маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бошқарув кенгашига Жамғарма маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартибини белгилаш ваколати берилсин.

13. Бошқарув кенгаши (С.У.Умурзаков):
а) **икки ой муддатда**:

Бошқарув кенгаши фаолияти тўғрисидаги низоми тасдиқласин;

Трансформация офиси раҳбари лавозимига етакчи хорижий олий таълим муассасаларида раҳбарлик иш тажрибасига эга бўлган мутахассисни жалб этсин;

Университет кафедраларининг илмий фаолиятини соҳа ва тармоқлар муаммоларининг ечимига йўналтириш мақсадида замонавий таълим йўналишларини инobatга олган ҳолда, уларни қайтадан ташкил этсин;

Университетнинг ихтисослашган факультет ва кафедраларининг мос йўналишлари бўйича йирик хўжалик юртувчи субъектлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйсин;

Университет раҳбарияти, кафедралари ва таркибий бўлинмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини

ҳамда юқори натижадорликка эришганларни рағбатлантириб бориш тизимини жорий қилсин;

б) Университетни халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингига биринчи 1000 талик рўйхатига киритиш бўйича мақсадли параметрларга эришилиши устидан доимий назорат ўрнатсин;

в) ўқув жараёнига хорижий профессор-ўқитувчиларни танлов асосида жалб қилиш ҳамда Университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ошириш чораларини кўрсин;

г) 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб сув хўжалиги объектлари курилиши, гидроэнергетика, “ақлли” қишлоқ хўжалиги технологиялари ва геоинформатика каби йўналишлар бўйича хорижий давлатларнинг нуфузли олийгоҳлари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини ҳамда кенг қўламли фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ташкил этиш чорасини кўрсин;

д) 2023/2024 ўқув йилига қадар Университет ҳузурида янги синов лабораторияси ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги технопаркин ташкил этсин ва уларнинг самарали фаолият юритишини таъминласин.

14. Қуйидагилар:

2022-2023 йилларда Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти **илмий лабораториялари моддий-техника базасини яратиш дастури** 6-иловага мувофиқ;

2022-2024 йилларда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетида амалга ошириладиган курилиш ҳамда ўқув-лабораториялар **моддий-техника базасини модернизация қилиш дастури** 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

15. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У.Умурзаков белгилансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2021 йил 10 декабрь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК СОҲАСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ТАРМОҚДА КЛАСТЕР ВА КООПЕРАЦИЯ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Мева-сабзавотчилик соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, хизмат кўрсатиш ва сотиш (экспорт қилиш) жараёнларини ўзаро интеграция қилиш, кластерлар (кооперация) фаолиятини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт ҳажмини ошириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра **2022 йил 1 январдан бошлаб** Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали қуйидагиларга:

а) фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга – мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш учун ҳосил қийматининг **50 фоизигача** йиллик **14 фоиз** (шундан **2 фоизи** банк маржаси) ставкада **6 ойлик** имтиёзли давр билан **12 ой** муддатга кредитлар ажратилади;

б) мева-сабзавотларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга – етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишга талаб этиладиган айланма маблағларни тўлдириш учун йиллик **14 фоиз** (шундан **2 фоизи** банк маржаси) ставкада **12 ойлик** “револьвер” кредит ажратилади. Бунда, ушбу кредит ҳисобидан кластер ва кооперацияларнинг тижорат банкларидан олинган бошқа кредитларини сўндиришга йўл қўйилмайди.

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида кўзда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Жамғармага **2 триллион** сўм бюджет ссудаси ажратилади.

Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг асосланган ҳисоб-

китобларига асосан келгуси йиллар ҳосилини молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағларнинг Жамғармага ажратиш борилишини таъминласин.

3. Белгилансинки, **2022 йил 1 мартдан** бошлаб:

а) мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) ва фермер хўжаликларига – экспорт шартномаси мавжуд бўлиб, мева-сабзавот **ҳосилини хавф-хатардан суғурталаш хизматидан фойдаланганда тўланган** суғурта мукофотининг **50 фоизи**, бироқ суғурта пулининг **1 фоиздан** ортиқ бўлмаган қисми қоплаб берилади. Бунда, суғурта пули хавф-хатардан суғурта қилинаётган ҳосил қийматининг **70 фоизидан** кам бўлиши мумкин эмас;

б) мева-сабзавотчилик кластерларига (кооперацияларга) – хориждан малакали агроном, энтомолог, лаборатория мутахассисларини жалб қилиш харажатларининг **50 фоизи**, бироқ бир ойга **1 нафар** мутахассис учун **1 минг АҚШ доллари** эквивалентидан ошмаган қисми Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг туман бўлимлари орқали компенсация қилинади. Бунда, мева-сабзавотчилик кластерларига ўзига бириктирилган маҳсулот етиштирувчилар учун боғ ва токзорларни барпо этиш, сабзавот, картошка, полиз, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш бўйича семинар-тренинглар ўтказиш тавсия этилади;

в) мазкур бандда кўзда тутилган компенсация харажатлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртмаси асосида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилади.

4. Мазкур қарорнинг 1 ва 3-бандларида назарда тутилган преференция ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, уларни харид қилувчи ташки-

лот ҳамда тижорат банки ўртасида тузилган шартномаларга эга бўлган, шунингдек, ушбу шартномаларни Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказган тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилади.

Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д.Кудбиев) мазкур бандда назарда тутилган шартномаларни Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказиш учун **2022 йил 1 февралга қадар** техник имкониятларни яратсин.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Жаҳон банкнинг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида жалб этилган **65 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги маблағлари ҳисобидан кичик агрологистика марказларини барпо этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** хусусий секторни жалб қилган ҳолда кичик агрологистика марказларини барпо этиш тартибини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А.Вафаев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И.Норкулов), Энергетика вазирлиги (А.С.Султонов), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Ш.С.Ҳидоятлов), Транспорт вазирлиги (И.Р.Махкамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

икки ой муддатда мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперация-



лар), қайта ишлаш корхоналари ва агрологистика марказлари учун зарур бўлган ташқи муҳандислик (электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, автомобиль йўллари) тармоқларини таъмирлаш ва қуриш бўйича манзилли рўйхатни шакллантириб, белгиланган тартибда тасдиқласин;

ташқи муҳандислик тармоқларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш учун Осиё тараққиёт банкидан **100 миллион АҚШ долларигача** бўлган қарз маблағларини 2022 йил якунига қадар жалб қилиш чораларини кўрсин.

7. Қуйидагилар:

Мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этишнинг ҳамда кластерлар томонидан 2022 йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг ойлар бўйича тақсироти прогноз кўрсаткичлари **1-иловага** мувофиқ;

2022 йилда амалга ошириладиган совиткичли сиғимлар ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик):

Агентликка сабзавот, картошка, гул, полиз экинлари, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш, уларни сақлаш, қайта ишлаш билан шуғулланувчи, шунингдек, “даладан-растгача” таъмоили асосида қўшилган қиймат занжирини яратувчи мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) фаолиятига кўмаклашиш вазифаларини юклаш;

Агентликнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган, ходимлар умумий чекланган сони **4-6 нафар** штат бирлигидан иборат Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлимларини ҳамда ходимлар умумий чекланган сони **2-3 нафар** штат бирлигидан иборат туманлар (Қувасой шаҳар) мева-сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳа офисларини (кейинги ўринларда – **лоийҳа офислари**) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг ходимлар умумий чеклан-

ган сони **32 штат бирлигидан** иборат тузилмаси **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

9. Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари ҳамда лойиҳа офисларига:

иқтисодий жиҳатдан самарасиз ва кам ҳосил берадиган боғларни (узумзорларни) аниқлаш, уларнинг ўрнида интенсив боғлар (узумзорлар) барпо этиш ёки уларни ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этишга яроқли ер участкаларини танлаш ва очиқ танловга чиқаришга амалий жиҳатдан кўмаклашиш;

ажратилаётган кредитлар доирасида тижорат банклари билан биргаликда мева-сабзавотчилик йўналишидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш, уларни сақлаш, саралаш, қайта ишлаш ва экспортини ташкил этишга кўмаклашиш вазифалари юклатилсин.

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари ҳамда лойиҳа офисларининг штат бирликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига ташкил этилади;

10. Белгилансинки:

Агентлик марказий аппарати учун талаб этиладиган қўшимча штат бирликлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари ҳамда лойиҳа офисларининг штат бирликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига ташкил этилади;

Агентлик, унинг ҳудудий бўлимлари ва лойиҳа офисларининг ходимларига тегишинча Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати, ва ҳудудий бўлинмалари ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя шартлари татбиқ этилади.

Агентлик директорида Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларига шартнома асосида мутахассисларни жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази би-

лан биргаликда **икки ой муддатда** қишлоқ хўжалигида инновацион биомасулотларни синовдан ўтказиш хизматлари тизимини жорий этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **уч ой муддатда**:

мева-сабзавотчилик **туманларини қайта кўриб чиқиб**, ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқлим шароити ва ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда, мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперация) фаолиятини барқарор ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни;

ишлаб чиқарувчи – кластер – тайёрловчи корхона – қайта ишловчи ва экспортёрни узвий боғловчи тизимни жорий қилиш бўйича **чора-тадбирлар дастурини** ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Агентлик (Ҳ.М.Каримов), Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (Р.М.Бобоев) **уч ой муддатда**:

халқаро молия институтлари, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти тизимида **Республика боғбонлар мактаби** фаолиятини ривожлантирсин;

халқаро молия институтлари ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкчилик илмий-тадқиқот институти қошида **Сабзавот, картошка, полиз, дуккакли экинлар, гул ҳамда доривор ўсимликларни интенсив усулда етиштириш мактабини** ташкил этсин.

14. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) **икки ой муддатда** мева-сабзавот ҳосилини хавф-хатардан суғурталаш хизматидан фойдаланганда суғурта мукофоти учун тўловнинг ҳамда хориддан малакали агроном, энтомолог, лаборатория мутахасси-



сини жалб қилиш харажатларининг **50 фоизини** қоплаб бериш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б.Воитов)га:

уч ой муддатда республикада мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишга мўлжалланган логистика марказларини хорижий давлатлар тажрибаси асосида ташкил этиш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган **инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш манзилли дастурини** шакллантириш;

мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга йўналтиришда зарур рухсатнома, сертификатлар ва божхона ҳужжатларининг расмийлаштирилишига амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

17. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

18. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:
икки ҳафта муддатда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари, Агентлик ва унинг ҳудудий бўлимлари (лойиҳа офислари)нинг тегишлилиги бўйича штат жадвалларини тасдиқлаб (ўзгартириб), ўрнатилган тартибда молия органларида рўйхатга қўйилишини таъминласин;

икки ой муддатда қонунчилик

ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори Х.М.Каримов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ш.М.Ғаниев ва Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2021 йил 15 декабрь.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ТОМОРҚАДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ШУНИНГДЕК, АҲОЛИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Томорқа хўжаликларида маҳсулот етиштиришни кўпайтириш орқали аҳоли даромадини ошириш, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш тизимини яратиш, шунингдек, ҳар бир туманда томорқа ер эгалари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш мақсадида:

1. Томорқада маҳсулот етиштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан **100 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги қарз маблағлари** қуйидаги босқичларда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда – Жамғарма) миллий валютада 4 йиллик имтиёзли давр

билан 9 йил муддатга йиллик 2 фоиз ставкада йўналтирилсин:

1-босқичда – 50 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағлар 2022 йил 1 январга қадар;

2-босқичда – 50 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағлар 1-босқич маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги натижаларига кўра 2022 йил 1 июнга қадар.

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган маблағлар тижорат банкларига ресурс сифатида йўналтирилган ҳолда, томорқачилик лойиҳаларини кредитлаш учун оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларида белгиланган шартлар асосида:

а) томорқа ер эгаларига:
қоида тариқасида, **100 бош паранда, 5-10 бош курка, 20 бош қуён, 5-6 бош қўй ва эчки, 5 та асалари уяси, интенсив усулда**

балиқ боқишни йўлга қўйиш, шунингдек, ихчам иссиқхоналар, “дала дўконлари” қуриш, артезиан қудуқларини қазиш;

кичик интенсив боғдорчилик, лимончилик ва узумчилик;

полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик учун кредит ажратилади;

б) тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчисининг (кейинги ўринларда – ҳоким ёрдамчиси) тавсиясига кўра “Томорқа хизмати” МЧЖларга уруғлик ва кўчат, мотокультиватор ва минитрактор, инкубатор харид қилиш ҳамда айланма маблағ учун 300 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилади.

Бунда, “Томорқа хизмати” МЧЖларга бериладиган кредитлар



бўйича Жамғарма маблағлари гаров таъминоти сифатида қабул қилинади;

в) етакчи тадбиркорлик субъектларига аҳоли томорқаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кооперация асосида етиштириш ва етиштирилган маҳсулотларни харид қилиш учун айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар ажратилади.

3. Белгилансинки, Жамғарма томонидан 2026 йил 1 январга қадар: томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш мақсадида томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига **омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуришиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари харид қилиш харажатларининг 30 фоизи** миқдорида, бироқ **150 миллион** сўмдан ортиқ бўлмаган ҳажмда субсидия берилади;

сув таъминоти оғир томорқа ерлари ва фойдаланишдан чиққан майдонларни суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби амал қилади.

Бунда:

мазкур бандда белгиланаётган чора-тадбирлар учун 2022 йилда Жамғармага Давлат бюджетидан **50 миллиард** сўм ажратилади;

сув таъминоти оғир томорқа ерлари ва фойдаланишдан чиққан майдонларни суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун **2026 йил 1 январга қадар** ҳар йили Давлат бюджетидан Жамғармага маблағ йўналтирилади;

омборхоналарни жиҳозлаш, сотиб олинаётган қуришиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК томонидан хулоса берилади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил

этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуришиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари **харид қилиш харажатларининг бир қисмига** субсидия ажратиш тартибини тасдиқласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимларига ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда қуйидаги янги вазифалар юклатилсин:

томорқа хўжаликлари билан агросаноат кластерлари, тайёрлов, қайта ишлаш ва экспортёр корхоналарни жалб этган ҳолда **кооперация алоқаларини ташкил этишга** кўмаклашиш;

аҳоли хонадонларида, қоида тариқасида, **100 бош парранда, 5-10 бош курка, 20 бош қуён, 5-6 бош қўй ва эчки, 5 та асалари уяси** боқишни ташкил этиш;

маҳсулот етказиб берувчи ва хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар рўйхатини шакллантирган ҳолда, жойларда **“тарқатиш ва маҳсулотларни йиғиб олиш бўйича мобил хизматлар”** фаолиятини йўлга қўйиш;

“хонадонбай” ишлаш асосида ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароити ва ҳудуд аҳолисининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда томорқа хўжаликларини **“Бир маҳалла – бир маҳсулот”** тамойили асосида маҳсулот етиштиришга ихтисослаштириш;

ҳар бир маҳаллада кооперация асосида парранда, қуёнчилик, қўй-эчкичилик, асаларичилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланиш ис-тагини билдирган етакчи тадбиркорларни аниқлаш.

5. Қуйидагилар:

2022 йилда фаолияти кластер усулида ташкил этиладиган “Томорқа хизмати” МЧЖлар рўйхати **1-иловага** мувофиқ;

2022 йилда сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқаларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини ишга тушириш прогноз кўрсаткичлари **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузуридаги Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказ-

ларининг мавжуд штатлари доирасида **аҳоли хонадонларида томорқадан самарали фойдаланиш бўйича биттадан агроном штати ташкил этилсин.**

7. “Агробанк” АТБ шахсий томорқалардан самарали фойдаланишни тарғиб қилиш мақсадида 2022 йил 1 апрелга қадар жисмоний шахслар учун мўлжалланган, аҳоли томорқаларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини маркетплейс усулида сотишни йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича **онлайн маслаҳатлар кўрсатувчи махсус платформа**ни ишга туширсин.

Бунда, “Агробанк” АТБнинг платформага уланиш ва хизматлардан фойдаланишни **бепул қилиб** белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

8. Белгилансинки, ҳар бир туманда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор идораларнинг масъул ходимларидан иборат (иш ҳақи сақланган ҳолда) **хонадонларда паррандачиликни йўлга қўйиш бўйича** юридик шахс мақомига эга бўлмаган **доимий лойиҳа офиси** ташкил этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси (Б.Т.Норқобилов), “Паррандасаноат” уюшмаси (Б.И.Исаев), манфаатдор идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда хонадонларда паррандачиликни йўлга қўйиш бўйича лойиҳа офисларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

икки ой муддатда ҳудуд эҳтиёжидан келиб чиқиб, хонаки паррандалар наслчилиги корхоналарини ташкил этсин;

2022 йилда жойлардаги эҳтиёжни ўрганиб ва ҳудудларнинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, Хитой, Россия ва бошқа мамлакатлардан хонаки парранда тухумларини олиб келиш ҳамда аҳолига тарқатиш чораларини кўрсин.

9. Давлат солиқ кўмитаси (Ш.Д.Кудбиев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов)





хоким ёрдамчилари билан биргаликда мазкур қарор доирасида ажратилган кредит ресурслари ҳисобига доимий ва барқарор даромад манбаига эга бўлган фуқароларга қонунчиликда белгиланган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтишларига кўмаклашсин.

10. Ҳоким ёрдамчиларига туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, томорқа ер эгалари, “Томорқа хизмати” МЧЖ ва бошқа тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда қуйидаги вазифалар юклансин:

уйма-уй юриш орқали томорқа ер эгаларининг ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини, шу жумладан, ерни тайёрлаш, уруғ, кўчат ва дарахтлар экиш, иссиқхоналар қуриш, чорва ва паррандаларни кўпайтириш ҳолатини, ушбу қарор доирасида томорқа ер эгалари, “Томорқа хизмати” МЧЖ ва бошқа тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилишини, шунингдек, мазкур шахслар ўртасидаги шартнома муносабатларига риоя этилишини даврий мониторинг қилиб бориш;

томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, аҳоли томорқаларини хизматлар билан қамраб олиш даражасини ошириш, шунингдек, маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини янада кўпайтириш.

11. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А.А.Хаитов, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари билан биргаликда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланилиши бўйича ишларни манзилли ташкил этсин;

бир ой муддатда томорқа ер эгалари ва кооперацияларни маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги технологияларига ўргатиш, кооперация аъзоларининг ерларида агротехник тадбирлар мониторингини ўтказиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш бўйича қисқа муддатли амалий ўқув

машғулотларини ташкил этиш бўйича режа ишлаб чиқсин;

бир ой муддатда томорқа ерларида кичик интенсив боғдорчилик, лимончилик ва узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича **намунавий технологик хариталарни**, парранда, қуён, кўй ва эчки, асалари уялари, интенсив усулда балиқ боқиш, шунингдек, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш бўйича технологик **тавсияларни** ишлаб чиқсин ва ушбу йўналишларда интернет тармоғи орқали **онлайн маслаҳат** бериб борилишини йўлга қўйсин. Тижорат банклари кредитни расмийлаштириш жараёнида қарз олувчиларнинг ҳақиқий эҳтиёжини аниқлаш ва кредитни қайтариш муддатларини белгилашда технологик харита ва тавсияларни инobatга олсин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (Б.Т.Норқобилов), “Ўзбекчорванасл” агентлиги (Б.Т.Атамуратов), “Паррандасаноат” уюшмаси (Б.И.Исаев) билан биргаликда **бир ой муддатда** ҳар бир туманда ветеринария хизматларини кўрсатиш ва озуқа-ем тарқатиш, аҳолини ўқитиш марказларини ташкил этсин;

в) Бош прокуратура (Ш.Ж.Рахимов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Э.Бурханов), Ҳисоб палатаси (Б.Т.Турабов) мазкур қарор доирасида ажратилаётган маблағларнинг очиқлик ва ошкоралик тамойили асосида мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

12. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда “Ўзбекистон 24” ва “Маҳалла” телеканалларида **томорқа хўжаликларида очиқ ва ёпиқ усулда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш** борасида аҳолининг билим ва

кўникмаларини оширишга қаратилган телекўрсатувлар намоиш этилишини тизимли ташкил этсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳар бир ҳудудда очиқ ва ёпиқ усулда сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳамда уларнинг экспортини ривожлантириш мақсадида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида лойиҳалар сонини кўпайтириш учун маҳаллаларда тақдиротлар ва семинарлар ўтказилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А.А.Хаитов, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари С.М.Холхўжаев, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори Х.М.Каримов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ш.М.Ғаниев ва Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 16 декабрь.

НАТИЖАЛАР САЛМОҚЛИ, РЕЖАЛАР УЛКАН



Кишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш ва бошқа сув тежовчи технологияларни кенг қўллаш, бу борада ер эгалари ва сув истеъмолчиларини рағбатлантириш механизминини кенгайтириш, кишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларини бошқариш ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини янада оптималлаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
“Янги Ўзбекистон Стратегияси” китобидан

2021 йилнинг баҳорида ёгингарчиликнинг кам бўлгани, ёз чилласининг ўта иссиқ келиши, сув ресурслари ҳар йилгидан 25-30 фоизга танқис бўлишига қарамасдан сувчиларимизнинг машаққатли меҳнатлари эвазига истеъмолчиларга йил давомида 44 млрд.м³, суғориш мавсумида 32,6 млрд.м³ сув етказиб берилди.

Сув танқислигини юмшатиш мақсадида тик қудуқларга 100 донна насос ҳамда коллектор тармоқларига 1172 донна дизель насоси ўрнатилиб, ер остидан 395 млн. м³ ва зовурлардан 784 млн. м³ сув олинди. Бунинг натижасида сув таъминоти оғир бўлган 352 минг гектар майдонга керакли миқдорда сув етказиб берилди.

Йил давомида сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, ирригация-мелиорация ишлари, ерларни лазерли текислаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобидан 10 млрд. м³, шу жумладан, суғориш мавсумида 8 млрд. м³ сув иқтисод қилинди.

Прогнозларга кўра, глобал иқлим таъсирида минтақамизда сув ресурслари камайиб бораверади, аҳоли сонининг ортиши ва sanoatнинг ривожланиши ҳисобига сувга талаб йилдан-йилга ортади. Мана шундай шароитда сув танқислигини юмшатишнинг ягона ечими сувни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Шу боис, Ўзбекистон сув тақчиллигини камайтириш учун сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва сувни бошқаришда замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида Марказий Осиё давлатлари орасида ташаббускор бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2021 йилда сувни тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонини 5 баробарга кўпайтириш ва 430 минг гектарга етказиш, сувни тежаш ҳисобидан 90 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш вазифасини қўйган эди. Ушбу вазифалар ижроси тўлиқ таъминланди. 516,6 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар, жумладан, 198,9 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш, 11,2 минг гектар майдонда ёмғирлатиб, 5,9 минг гектар майдонда дискрет суғориш тизими жорий қилинди, 78,8 минг гектар кўчма эгилувчан қувур орқали ва 20,9 минг гектар эгатга плёнка тўшаш усулида суғорилди, 200,9 минг гектар экин майдони лазер ускунаси ёрдамида текисланди. Айнан сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳисобига мавсум давомида 2,4 млрд. м³ сув тежалишига эришилди.

185 та насос ва 237 та электродвигатель энергия тежамкор бўлган янгисига алмаштирилди, 2 522 та насос агрегати ва 1 198 та суғориш қудуғи таъмирланди. Шунингдек, энергиятежамкорликка катта эътибор қаратилиши туфайли 2021 йилда 7 млрд. 295 млн. кВт. соат электр энергияси сарфланди. Охирги уч йилликда (2018-2020 йиллар) ўртача электр энергияси сарфи 7 млрд. 525 млн. кВт. соатни ташкил этганини ҳисобга олсак, 2021 йилда 230 млн. кВт. соат электр энергияси тежалди.

Марказлаштирилган капитал маблағлар ҳисобидан амалга оширилган 171 та ирригация лойиҳаси доирасида 755,0 млрд. сўм маблағ йўналтирилиб, 340,9 км канал, 137,9 км лоток тармоғи, 16,5 км босимли қувур, 27 та гидротехника иншооти, умумий қуввати 16,5 м³/сек насос станциялар, 62 та суғориш қудуғи қурилди ва реконструкция қилинди. Бу ишлар самараси ўлароқ, 301 минг гектар майдоннинг сув таъминоти яхшиланди.

Шунингдек, 220 та мелиорация лойиҳаси доирасида 365,2 млрд.сўм маблағ йўналтирилиб, 17,0 минг км. га яқин коллектор-дренаж тармоғи ва

319 та тик дренаж қудуғи таъмирланди ва тикланди. Натижада 200,0 минг гектардан ортиқ майдоннинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланди, кучли ва ўрта шўрланган майдонлар 20,0 минг гектарга камайди, сизот сувлари сатҳи 2 метргача бўлган майдон 48,1 минг гектарга қисқарди, 16,1 минг гектар ернинг мелиоратив барқарорлиги таъминланди, 100 минг гектарга яқин ер майдони қайта фойдаланишга киритилди.

Сув хўжалигида янги йўналиш – давлат-хусусий шериклик ва аутсорсингнинг жорий этиш, алоҳида сув хўжалиги объектларини фермер, кластер ва бошқа ташкилотларга фойдаланиш учун бериш, тежалган маблағларни сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ҳамда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришга устувор аҳамият қаратилмоқда. 2021 йилда давлат-хусусий шериклики жорий этиш бўйича қиймати 1 216 млрд. сўм бўлган 100 та лойиҳа юзасидан битимлар имзоланди ва реестрга киритилди.

Ушбу лойиҳалар доирасида хусусий шериклар томонидан дастлабки 3 йилда 112,3 млрд. сўм миқдорда инвестиция киритилиши ва 152,9 млрд. сўм бюджет маблағи иқтисод қилинишига эришилади.

Соҳадаги устувор йўналишлардан яна бири – сув хўжалигини рақамлаштиришдир. 2021 йилда сув хўжалиги объектларига 5 567 та замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, жумладан, 3 099 та “Ақлли сув”, 426 та насос станциясига сув миқдорини ва 2 022 та мелиоратив кузатув қудуғига сизот сувлари кўрсаткичлари ва ерларнинг минераллашганлик даражасини онлайн назорат қилиш қурилмаси ўрнатилди ҳамда 20 та сув хўжалиги объекти автоматлаштирилди. Натижада 771,0 млн. м³ сув тежалишига эришилди.

Бу ишлар натижасида сув хўжалиги иншоотларида реал вақт режимида сувни назорат қилиш, унинг ҳисобини юритиш, вилотат ва туман чегарасида етказиб берилаётган сув ресурсларини онлайн кузатиб бориш ҳамда сувнинг

хисоб-китобини аниқ юритишга эришилди. Сувни бошқариш жараёнларида инсон омилини камайтириш, сувни техник йўқотишларнинг олдини олиш, сувдан белгиланган лимит асосида шаффоф ва адолатли фойдаланиш йўлга қўйилди.

1688 та насос станцияларга 2173 та автоматлаштирилган электр ўлчов асбоблари ўрнатилди ва республика бўйича ягона электрон ахборот тизимига интеграция қилинди ҳамда электр энергия сарфини “онлайн” назорат қилиш имконияти яратилди.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган оқилонга сиёсат натижасида сўнгги йилларда Қозоғистон, Тожикистон ва Туркменистон билан сув ҳўжалиги масалалари бўйича ишчи гуруҳлар тузилгани трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ кўплаб масалаларни самарали ҳал этиш имконини беряпти. Натижада кўшни давлатлар билан сувдан фойдаланиш соҳасидаги икки томонлама шартнома ва келишувлар янгиланмоқда.

Жумладан, 2021 йил 11 март куни 2021-2023 йиллар вегетация даврида қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларига сув етказиб беришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Қирғизистон Республикасининг Энергетика ва саноат вазирлиги ўртасида ўзаро электр энергиясини етказиб бериш бўйича баённома имзоланди.

2021 йил 14 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги, Қозоғистон Республикаси Экология, геология ва табиий ресурслар вазирлиги ҳамда 2021 йил июнь-август ойларида Тожикистон Энергетика ва сув ресурслари вазирлиги ўртасида “Баҳри тожик” сув омборини ишлатиш бўйича уч томонлама баённома имзоланди ва 2021 йил вегетация даврини муваффақиятли ўтказишга эришилди.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш узвийлиги доимий эътибордаги масала ҳисобланади.

Соҳадаги илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари томонидан жами 32 та мавзу бўйича 8,1 млрд.сўмлик илмий-тадқиқот лойиҳалари, шундан давлат илмий-техник дастурлари доирасида 9 та амалий ва инновацион фундаментал ҳамда 23 та илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари амалга оширилди. Сув ресурсларини бошқариш, сувни тежайдиган технологиялар, суғориш тармоқлари ва гидротехника иншоотлари-

ни таъмирлаш йўналишларида 35 тадан ортиқ тавсиянома ва йўриқномалар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди ҳамда ҳудудларда 10 дан ортиқ илмий-тадқиқот полигонлари ташкил этилди.

Олиб борилган илмий-амалий, фундаментал тадқиқотлар натижаларининг соҳада татбиқ қилиниши сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда истеъмолчилар орасидаги тақсимот даражасини 15-20 фоиз, насос станцияларининг иш самарадорлигини 15-20 фоиз оширишга ва электр энергияси сарфини 3-5 фоизгача иқтисод қилишга, қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигини 30 фоизгача оширишга, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг сув ва бошқа моддий-техник ресурсларни 20 фоизгача тежайишга имкон яратди.

Сув ҳўжалиги вазирлиги тасарруфидаги коллежларда сув тежовчи суғориш тизимларига хизмат кўрсатиш техниги касби бўйича янги йўналиш ташкил этилиб, 2021/2022 ўқув йилидан техник му-тахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.

2021 йилда “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун, муҳтарам Президентимизнинг соҳага доир 1 та фармон ва 8 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 17 та қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар билан Сув ҳўжалиги вазирлиги сув балансини шакллантириш бўйича ваколатли давлат органи этиб

ҳамда халқимиз учун ғамхўрлигининг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш учун 2022 йилда вазирлик олдида қатор муҳим ишлар турибди. 478 минг гектарда сувни тежайдиган технологиялар, жумладан, 230 минг гектарда томчилатиб, 28 минг гектарда ёмғирлатиб, 2 минг гектарда дискрет усулда суғориш технологияси жорий қилинади ҳамда 218 минг гектар майдон лазерли текисланади.

Ирригация-мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 1 194,6 млрд. сўм, мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш учун 383,5 млрд. сўм ўзлаштирилиб, 308 минг гектар ер майдонининг сув таъминоти ва 171 минг гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланади, 50 минг гектар ер майдони қайта фойдаланишга киритилади.

6610 та сув ҳўжалиги объектида замонавий рақамли технологиялар ўрнатилади ҳамда етказиб берилаётган сув ресурсларини онлайн кузатиб бориш, сувнинг ҳисоб-китобини аниқ ва шаффоф юритиш имкониятлари янада кенгайтирилади.

Умумий қиймати 931,5 млрд. сўмдан ортиқ бўлган 52 та йирик давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича битимлар имзоланади.



белгиланди, томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет усулда суғориш каби сувни тежайдиган суғориш технологиялари қўлланилганда тизимни сифатлигидан келиб чиқиб, тўланадиган субсидия миқдори гектарига 11 млн. сўмгача, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида базавий миқдори 12 млн. сўмгача оширилди, истеъмолчилар томонидан сув ўлчаш ускуналари мавжуд бўлганда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини 0,7 коэффициента қўллаш ва бошқа имтиёзлар жорий этилди. Бу ўз ўрнида, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг сув ҳўжалиги соҳасига кўрсатган эътибори

Йиллик электр энергияси сарфи 7 300 млн.кВт.соатдан 7 150 млн.кВт.соатга камайтирилади.

Сувчиларимиз бир ёқадан бош чиқариб, бир жону бир тан бўлиб, олдимизга қўйилган марраларга эришишларига ва ўзларига билдирилган юксак ишончни оқлашларига ишонаман.

Мамлакатимиздаги баоча сув ҳўжалиги ходимларини кириб келган янги йил билан муборакбод этаман. Янги йил янги ютуқлар, янги зафарлар олиб келсин.

Шавкат ХАМПАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Сув
ҳўжалиги вазир.

ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА

2021 йил ҳам тарихга айланди. Каттаю кичикнинг кўнглига сурур бағишлаб янги – 2022 йил кириб келди. Шу кунларда барча ўтган бир йилда эришган натижаларини сарҳисоб қилади, келгусида амалга оширажак ишларининг режасини тузиб олади.

Ўтган йили мамлакатимизда аграр соҳанинг барча тармоқлари меҳнаткашлари юқори натижаларга эришгани ва буни Президентимиз қишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган табригида миннатдорлик билан эътироф этганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Ҳақиқатан ҳам, қишлоқ хўжалиги йилдан-йилга раванқ топиб бормоқда. Бу жараёнда Юртбошимиз раҳбарлигида соҳада бозор муносабатларининг кенг жорий этилаётгани, қайта ишлаш ва экспорт инфратузилмасининг ривожланаётгани, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмлари ҳаётга жадал татбиқ этилаётгани эришилаётган юксак натижаларда муҳим омил бўлмоқда.

Шунингдек, аграр ислохотларни янада такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикасининг 6 та қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9 та Фармони ва 26 та қарори ҳамда 42 та Ҳукумат қарори қабул қилиндики, мазкур ҳужжатлар соҳа раванқини таъминлашда мустаҳкам ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилаётир.

Натижада, ҳосилдорлик кейинги йилларда биргина пахтачиликда 4-5 центнерга, ғаллачиликда эса 8-10 центнерга ошиб, маҳсулот етиштирувчи фермер хўжаликларининг даромадига даромад қўшиляпти.



Халқимизда “Ери бойнинг – эли бой” деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Бунинг замирида катта маъно бор. Ерга меҳр берсанг, юракдан ишлов бериб қарасанг, у сени ҳам тўйдирди, ҳам кийинтиради. Зеро, ернинг ҳар қаричи олтинга тенгдир.

Бугун мамлакатимизнинг табиий бойлиги бўлмиш ер ва сув ресурсларидан фойдаланишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, самарадорлигини кескин ошириш йўналишида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилаётир. Масалан, фақат ўтган – 2021 йилда республика бўйича жами 218 минг гектар ер фойдаланишга киритилди. Бу майдонларнинг 197,8 минг гектарига қишлоқ хўжалиги экинлари, ва янги мевали боғ ва узумзорлар жойлаштирилди. Ушбу рақамлар кўплаб иш ўринлари яратилганидан, келгусида соҳада маҳсулотлар ишлаб чиқариш ортишидан далолатдир.

Гап иш ўринлари яратиш хусусида кетар экан, бу борада қишлоқ аҳолиси, айниқса, ишсиз ёшларнинг бандлигини ва барқарор даромад олишини таъминлаш мақсадида, ўтган бир йилда 613 минг нафар ёшга 175 минг гектардан ортиқ ер майдонлари ажратилиб берилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Натижада, улар 760 мингга яқин кафолатли иш ўринларига эга бўлдилар.

Кейинги йиллар натижаларига назар ташласак, аграр соҳа ишлаб чиқаришига жадал суратларда кириб келган шаклан ва мазмунан мутлақо янги – кластер тизимининг ниҳоятда самарали эканлиги маълум бўлмоқда. Зеро, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, қўшилган қиймат занжирини яратиш, деҳқон ва фермерлар даромadini оширишда кластерлар муҳим рол ўйнамоқда. Шунинг учун 2021 йилда янгидан 25 та пахта-тўқимачилик, 80 та ғаллачилик, 13 та шолчилик, 2 та доривор ўсимликлар етиштирувчи кластерлар ташкил этилди.



Ўтган йили жами 122 та пахта-тўқимачилик, 157 та ғаллачилик, 146 та мева-сабзавотчилик, 29 та шолчилик, 9 та доривор ўсимликлар етиштирувчи кластерлар самарали фаолият юритиб, пахта ва ғалланинг 100 фоизи, мева-сабзавотнинг 40 фоизидан ортиғи улар томонидан етиштирилди. Келгусида бу йўналишдаги ишлар қамрови янада кенгайиб боради, албатта.



Кластерлар томонидан соҳага илм-фан, инновация ютуқлари ҳамда илғор технологияларни жорий этиш натижасида, ўтган йили 3,4 миллион тоннадан зиёд пахта, 7,8 миллион тоннага яқин дон етиштирилди. Ўртача ҳосилдорлик пахтада ҳар гектаридан 29,8 центнердан 32,7 центнерга ёки 110 фоизга, ғаллада 57,6 центнердан 64,1 центнерга ёки 111 фоизга ошди.

Халқимизни сифатли мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш давлатимиз раҳбариятининг доимий диққат марказида. Зеро, бутун дунёда кечаётган пандемия шароитида ишлаб чиқаришнинг издан чиқиши манамен деган давлатларни ҳам шошириб қўйган, қурғоқчилик, очарчилик, сув тошқинлари

РАҚАМЛАР СЎЗЛАЙДИ

2021 йилда ялпи ички маҳсулот 7 фоизга, саноат 9,5 фоизга, хизматлар 20 фоизга, қурилиш соҳаси 6 фоизга, қишлоқ хўжалиги 4 фоизга ўсди. Инфляция даражаси 10 фоиздан паст бўлди.

кўплаб халқлар бошига мусибат келти-
раётган бир пайтда, шукурки, бизнинг
дўкон ва бозорларимиз тўкин-сочин,
ҳатто, ўзимиздан ортиб, хорижга ҳам
маҳсулотлар жўнатмоқдамиз. Бунга бир
қатор тизимли ишларни амалга ошириш
ҳисобида эришилмоқда.

Масалан, фермер ва қишлоқ
хўжалиги корхоналари томонидан 64
минг гектар, яъни 2020 йилга нисбатан
2 баробар кўп мевали боғлар ва 50,8
минг гектар 2,5 баробар кўп узумзорлар
барпо этилиб, жами боғлар майдони
293 минг гектарга, токзорлар 133,7 минг
гектарга етказилди.

Аграр соҳа тармоқлари орасида
иссиқхона йўналиши кейинги йилларда
жадал ривож топиб бораётир. Биргина
2021 йилнинг ўзида қарийб 797 гек-
тар майдонда қиймати 2,3 триллион
сўмлик 398 та замонавий иссиқхона
ишга туширилди ва 10 мингдан ортиқ
иш ўрни яратилди. Республикамизда
иссиқхоналар майдони 5,5 минг гектарга
етказилди. Бундан ташқари, томорқа
хўжаликларида қурилаётган кичик
иссиқхоналар миқдори кескин ошиб
бормоқда. Улар ҳам йил-ўн икки ой
халқимиз дастурхонининг тўкинлигини
таъминлашга хизмат қилмоқда.

Амалга оширилган тизимли
ислохотлар натижасида ўтган йилда
21 миллион 650 минг тонна мева-сабза-
вотлар, жумладан, 11,5 миллион тонна
сабзавот, 3,2 миллион тонна картошка,
2,3 миллион тонна полиз экинлари, 2,9
миллион тонна мева, 1,8 миллион тонна
узум етиштирилди.

Мамлакатимизнинг экспорт
салоҳияти ҳам тобора ортиб бораётир.
Масалан, қишлоқ хўжалиги соҳасида
мева-сабзавот маҳсулотларининг экс-
порт географияси кенгайиб, Америка
Самоаси, ЖАР, Македония, Мальдив
ороллари, Марокаш, Непал, Словения,
Хорватия, Швеция, Ямайка мамлакат-
лари бозорларига янги йўналишлар
очилди. Умуман, бугунги кунгача рес-
публика бўйича 943 миллион доллар-
лик 1,4 миллион тонна мева-сабзавот
маҳсулотлари 69 та давлатга экспорт
қилинди.



Экспорт кўрсаткичларида ўтган йилга
нисбатан дуккакли маҳсулотларда 115
фоиз, узум маҳсулотларида 105 фоиз,
қурилган мева-сабзавотлар ҳамда
мойли маҳсулотларда 113 фоиз ўсиш
кузатилди.

Бу юксак натижалар замирида деҳқон
ва фермерларимизнинг омилкорлиги,
кўп йиллик бой билим ва тажрибалари,
илм-фан ютуқларини амалиётга кенг
жорий этаётгани, уларнинг самарали
меҳнат қилиши учун қонуний асос-
лар яратилгани, шунингдек, доимий
рағбатлантириб борилаётгани мужас-
сам.

Президентимиз “Қишлоқ хўжалигини
илмий асосда йўлга қўймас эканмиз,
соҳада ривожланиш бўлмайдиган,” дея
таъкидлаган эди. Шунга асосан бугун
ҳар бир тармоққа замонавий илм-фан
ютуқлари жорий қилинмоқда. Бу борада
“илм – таълим – ишлаб чиқариш”нинг
узвий интеграциясини таъминлаш, ил-
мий ечимларни амалиётга кенг жорий
этиш ва уларнинг натижадорлигини
ошириш мақсадида хорижий давлат-
лар, жумладан, АҚШ, Чили, Исроил,
Хитой, Туркия тажрибалари асосида
Қишлоқ хўжалигида билим ва иннова-
циялар Миллий маркази ҳамда Тош-
кент вилоятида агрохизматлар маркази
фаолияти йўлга қўйилди.

Улар томонидан “Ягона дарча” та-
мойили асосида 17 та йўналишда 100
дан ортиқ хизматлар, шунингдек, хусу-
сий сектор томонидан 18 та йўналишда
45 дан ортиқ хизматлар кўрсатиш
ташкил этилди. Бу саъй-ҳаракатлар
натижасида деҳқон ва фермерларга
хизмат кўрсатиш сифати ва кўлами
ортиши билан бирга, уларнинг билим ва
малакалари юксалиб бормоқда. Кечаги
оддий деҳқон бугун билимли, малакали
фермерга айланмоқда.

Умуман, мамлакатимиз қишлоқ
хўжалиги меҳнаткашлари 2021 йилни
юксак натижаларга эришган ҳолда
кузатдилар. Демокриманки, улар янги
йилни байрамона кайфият, кўтаринки
руҳ билан кутиб олишди ва жорий йилда
амалга оширилажак ишлари тадориғини
кўрмоқдалар.

Давлатимиз раҳбари томони-
дан белгилаб берилган вазифалар
ва йўналишлар асосида соҳани
барқарор ривожлантириш, озиқ-
овқат хавфсизлигини таъминлаш ва
камбағалликни қисқартириш бораси-
даги мақсадларимизга эришиш учун
2022-2026 йилларда амалга оширила-
диган кенг қамровли ишларимиз эса
қуйидагилардан иборат:

– ресурстежамкор инновацион техно-
логияларни қўллаш ҳисобида маҳсулот
етиштириш таннархини 30-35 фоизга
қисқартириш, пахтадан гектаридан
ўртача 40-45 центнер ва ғалладан 70-75
центнер ҳосил олишга эришиш;

– қишлоқ хўжалигини илмий асос-
да интенсив ривожлантириш орқали
деҳқон ва фермерлар даромадларини
камида 2 баробарга ошириш;

– экспортбоп маҳсулотлар етиш-
тириш ҳамда мева-сабзавотчиликни
ривожлантириш, интенсив боғлар май-
донини 3 баробарга, иссиқхоналарни
2 баробарга кўпайтириб, экспорт
салоҳиятини қўшимча 1 миллиард АҚШ
долларига ва агросаноат корхоналари-
ни хомашё билан таъминлаш ҳамда
ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробарга
ошириш режалаштирилган.



Мазкур устувор вазифаларни амалга
ошириш натижасида иқтисодиётимиз
янада ривожланади, аҳолимиз сифатли
озиқ-овқат маҳсулотлари билан
узлуксиз таъминланади, соҳа
меҳнаткашларининг моддий манфат-
дорлиги ва халқимиз фаровонлиги
янада ошади.

Хулоса қилиб айтганда, қаерда
эркин ишлаб, меҳнати натижасидан
баҳраманд бўлиш учун қулай муҳит
яратилса, ўша жойда тараққиёт, фар-
овонлик бўлади. Бугунги кунда юр-
тимиз деҳқону фермерлари шундай
шарт-шароитларга эга. Асосийси, улар
моддий ва маънавий жиҳатдан ҳам
қўллаб-қувватланиб, камтарона хизмат-
лари муносиб баҳоланмоқда, фахрли
унвонлар, юксак орден ва медалларга
лойиқ кўрилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, халқимизни,
қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини
Янги йил байрами билан муборакбод
этаман. Деҳқончилигимизга барака,
оилаларга тинчлик-тотувлик тилайман.
Ютуқларимизга ютуқлар қўшилаверсин.

Шухрат ТЕШАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ
хўжалиги вазирининг биринчи
ўринбосари.

ИСТИҚБОЛЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧИ

2021 йил мамлакатимиз тарихига иқтисодиёт, саноат, ишлаб чиқариш соҳаларидаги муҳим ўзгаришлар билан муҳрланадиган бўлди. Аҳоли фаровонлигини таъминлайдиган ушбу драйвер соҳаларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан йирик лойиҳалар, истиқболли режалар ишга туширилди.



Жамиятнинг турли жабҳаларига татбиқ этилаётган ислохотлар аслида инсон тақдирига дахлдорлик, одамларнинг ҳаёт тарзини яхшилашга бўлган ўзгача ёндашувлар билан аҳамиятли.

Ветеринария ва чорвачилик соҳасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб негизиди аҳолини сифатли ва арзон гўшт-сут маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашдек улур мақсадлар мужассам.

Бир мисол, давлатимиз раҳбарининг соҳага эътибори туфайли жорий йилнинг шу кунига қадар чорва молларининг наслини яхшилаш мақсадида 460 та хўжалик наслчилиги тоифасига ўтказилиб, умумий сони 1 727 тага етказилди ва улар томонидан аҳолига 20 минг бошга яқин насли қорамол етказиб берилди. Бугунги кунда 300 бошдан 500 бошгача қорамол мавжуд хўжаликлар сони 460 тани, 500 бошдан 1000 бошгача қорамол мавжуд хўжаликлар сони 256 тани, 1000 бошдан кўп бўлганлари 136 тани ташкил этмоқда.

Халқимизнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида ҳар бир туманда 300 - 500 бошдан иборат бўлган жами 608 та, шундан, 315 та бўрдоқчилик ва 293 та сутчилик йўналишидаги йирик чорвачилик ком-плекслари ташкил этилди.

Ушбу комплекслар томонидан 130 минг тонна тирик вазнда гўшт ва 900 минг тонна сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Кейинги икки йилда чорвачилик соҳаси давлатимиз раҳбари томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида қорамолларнинг 91,8 фоизи аҳоли хонадонлари ва 8,2 фоизи (2019 йилда 4,5 фоиз) фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Жойларда наслчилиги ишларини ривожлантириш ва сунъий уруғлантириш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида маҳаллий бюджетдан республика бўйича жами 33 млрд. 267 млн. сўм малбағлар ажратилиб, бунинг ҳисобидан сунъий уруғлантириш шохобчалари зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Эътиборлиси, 2016-2018 йилларда осеменаторларни моддий базасини мустаҳкамлаш учун умуман давлат бюджетидан маблағлар ажратиб берилмаган.

Мазкур маблағлар ҳисобидан сунъий уруғлантириш шохобчалари 3 донга 4,2 тонналик суюқ азотни ташвиш учун криоген идиши, 3 донга суюқ азотни етказиб беришга мўлжалланган махсус автомашина, 1 100 донга дьюар идиши, 900 донга техник мутахассислар сумкаси, 1 270 донга велосипед, 91 донга "Damas Van" махсус автомашинаси билан таъминланди.

Мамлакатимизга чет давлатлардан гўшт йўналишидаги тез етилувчан қорамолларнинг Абердин-ангус, Шароле, Герефорд ва Лимузин ҳамда сут йўналишидаги Джерсей, Швиц ва Монбильярд каби янги зотлари олиб келинди.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятларида бундай зотлардан 100 минг бошдан ортиғи парваришланмоқда.

Шунингдек, майда шохли молларнинг зотини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида қўйнинг Меринос, Романов, Эдилбой, Дорпер зотлари ҳамда эчкининг Ангор ва Занен зотлари чет давлатлардан келтирилиб, уларнинг бош сонини янада кўпайтириш чоралари қўрилмоқда.

Қайд этиш керакки, йил якуни бўйича олинган прогнозларимиз гўшт ишлаб чиқариш тирик вазнда 2,6 млн. тоннани, сут ишлаб чиқариш 11,6 млн. тоннани ва тухум ишлаб чиқариш 8,1 млрд. донани ташкил этганлигини кўрсатмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 29 январдаги "Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" ги 4576-сон қарорига биноан чорвачилик тармоғини (чет давлатлардан келтирилган насли қорамол, қўй-эчки, жўжалар учун) давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида жами 434 та чорвачилик субъектларига давлат бюджетидан 60,8 млрд. сўм субсидия

маблағлари ажратилди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 3 мартдаги "Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги 5017-сон қарори билан чорвачилик маҳсулотларини етиштириб сотган 623 та субъектларга 50,3 млрд сўм субсидия маблағлари ажратилди.

Шунингдек, чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш учун умумий қиймати 7,2 трлн. сўмлик 1 828 та лойиҳа амалга оширилиб, 21 минг нафар янги иш ўринлари яратилди.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун 132,8 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий кредит линиялари, 110,8 млн. АҚШ доллари хорижий инвестициялар, 2,3 трлн. сўм банк кредитлари ҳамда 2,3 трлн. сўм ташаббускорларнинг ўз маблағлари йўналтирилди.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани алоҳида таъкидлашни истардимки, бугун биз ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги ислохотларнинг дастлабки босқичида турибмиз. Яъни, олдинда амалга оширадиган ишларимиз бисёр. Айни пайтда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси мутахассислари юртимизни дунёнинг чорвачилик соҳаси ривожланган давлатлар сафига олиб чиқиш борасидаги истиқболли режалар хусусида изланишлар олиб бормоқда.

Яқин келажакда ана шундай истиқболли режаларимизни амалиётга татбиқ эта бошласак, давлатимиз раҳбари бошлаб берган, халқимиз кутаётган кенг қўламли ислохотларга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Муҳтарам чорвадорлар! Сўзимнинг якунида барчангизни кириб келган янги – 2022 йил билан кутлайман. Сизларга ҳаммиша ютуқлар йўлдош бўлсин!

Баҳром НОРҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси.



*Барча юртдошларимизни,
касбдошларимизни Янги – 2022
йил билан қизгин табриклаймиз.
Янги йил ҳақиқати эзгу
ниятларимиз амалга ошадиган
йил бўлишини тилаймиз.*

**Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги
Кадастр агентлиги жамоаси**

2022



**Ўзбекистонимизга тўқинлик,
қут-барока олиб келаётган
2022 йил билан
мамлакатимиз аграр
соҳа меҳнаткашларини,
ирригаторларни,
барча юртдошларимизни
самимий табриклаймиз.
Янги йилда ҳар кунингиз
омадларга, ютуқларга бой бўлсин!**

**Чапқирғоқ Амударё ИТХБ
жамоаси**

СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ МИЛЛИЙ ЛОЙИХАСИ II БОСҚИЧИ — АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР

Сув – энг улуғ неъмат. Эртанги кунимиз, фаровон ҳаётимиз бевосита сувга, обихаётнинг мўл-кўллигига боғлиқ. Йиллик фойдаланиладиган сув ресурсларининг 80 фоизи қўшни республикалар ҳудудида шаклланидиган, суви камайиб, аҳоли сони муттасил ўсиб, саноати барқарор ривожланиб ва кенгайиб бораётган Ўзбекистон учун, айниқса, бу ўта муҳим ва стратегик аҳамият касб этади.



Баҳорда ёғингарчилик кам бўлган, ёзнинг чилласи ниҳоятда иссиқ келган, сув ресурслари ҳар йилгидан 25-30 фоизга танқис бўлган 2021 йилдаги қийинчиликлар мамлакат ҳукуматининг сув ресурсларини бошқариш масаласи билан доимий шуғулланиши ҳамда сув ресурсларининг йилдан-йилга камайиб бориш эҳтимолига ва фавқулодда қурғоқчиликка тайёр туриши зарурлигини кўрсатди.

Швейцария ҳукумати бу борада Ўзбекистон билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Хусусан, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги 1998 йилдан буён Ўзбекистон ва минтақада сув хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Агентлик томонидан ҳозирга қадар сув ресурсларини бошқариш бўйича 5 та минтақавий, 3 та миллий лойиҳа ҳаётга татбиқ этилган. Мисол сифатида келтирадиган бўлсак, 2016-2019 йилларда амалга оширилган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси” қўйилган самарани берди. Сув ресурсларини шаффоф ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига асосланган ҳолда бошқариш бўйича амалий натижаларга эришилди.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси номидан Сув хўжалиги вазирлиги ва Швейцария ҳукумати номидан Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги ўртасида 2020-2023 йилларда “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси”нинг II босқичини амалга ошириш тўғрисида битим имзоланди. Кейинги босқичда лойиҳа олдига Ўзбекистонда сув ресурсларини интеграциялашган бошқариш орқали қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишга кўмаклашиш

мақсад қилиб қўйилди. Шу билан бирга, лойиҳа ахборот ва коммуникация технологияларини Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, туман ирригация бўлимлари, Сув истеъмолчилари уюшмалари ҳамда фермерларнинг кундалик фаолиятига жорий этиш орқали уларга керакли билимларни олиш, маълумот йиғиш ва реал вақт режимида ахборот алмашиш учун қулай шароитлар яратишга асосланган.



2021 йилда Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳасининг II босқичи доирасида қатор амалий натижаларга эришилди. Ўтган йилнинг 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5005-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқишда дунёнинг энг илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда техник кўмак кўрсатилди. Республика бўйича 156 та туман ирригация бўлимларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун молиявий маблағ ажратилди.

Сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги 9 та касб-хунар коллежларида сув

тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича янги ўқув модуллари ишлаб чиқилди.

Сув хўжалиги соҳасига рақамлаштириш, автоматика, сув ҳисоб-китобини онлайн юритиш ва бошқа ахборот-коммуникацион технологияларни жорий қилиш, махсус дастурий таъминотлар ишлаб чиқишда кўмаклашилди.

Сув тежамкорлиги масалаларига жамоатчилик эътиборини қаратиш мақсадида яратилган “ТОМЧИ” мобил иловасининг имкониятлари кенгайтирилди. Ижтимоий тармоқда очилган “ТОМЧИ” саҳифаси орқали минглаб фермерлар ва томорқа ер эгаларига сув тежовчи технологияларни жорий этишда ёрдамлашилди, уларнинг муаммоларига мутахассисларни ва сув хўжалиги ходимларини жалб этган ҳолда ечим топилди.

Лойиҳа доирасида барча ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва туман ирригация бўлимларининг сув тежовчи технологиялари бўйича мутахассислари учун ўқув семинарлари ташкил этилди. Ушбу семинарларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан жами 320 нафар мутахассис иштирок этди.

80 мингга яқин фермер хўжалиги раҳбарлари ва ходимларининг малакасини ошириш, уларнинг сув ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги янгиликлар, сувни тежайдиган ва бошқа илғор технологиялар, инновацион ечимлар, амалиётда учрайдиган муаммоларни бартараф этишда маҳаллий ва хорижий ёндашувларни ўзлаштириши учун “Билимлар замини” курси йўлга қўйилди.

Лойиҳа доирасида фермерлар ва сув хўжалиги ташкилотларининг сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишига эришиш бўйича чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

Шухрат СУЮНОВ.

ҚИШ – МЕХАНИЗАТОР УЧУН ИШ

Қиш кириши билан барча далачилик ишлари нихоясига етади, сеялка, култиватор, пахта териш машинаси, ғалла комбайни, қўйингки, транспорт тракторлари ва тиркамаларидан ташқари ҳамма техника воситалари ишдан бўшаган бўлади. Аммо бу ғап механизаторлар ва муҳандис-техник ходимларга тегишли эмас. Қиш мавсуми улар учун қизғин иш мавсуми.

Кластерлар ва фермер хўжаликларининг трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарини тумандаги таъмирлаш устахоналари ва сервис корхоналарига олиб келиш, уларни ювиб-тозалаш, қисмларга ажратиш, дефектовкалаш ва носозларини таъмирга топшириш айна кунларда бажарилиши лозим бўлган юмушлардир.

Машиналарни ювиб тозалаш. Устахонага келтирилган ҳар қандай трактор ёки қишлоқ хўжалик машинасини оддий ва мураккаблигига қарамасдан даставвал мой, чанг ва зангдан қирғич, симли чўтка ёрдамида яхшилаб тозаланadi. Шундан сўнг машина бетонланган ёки асфальтланган, яъни қаттиқ юзали майдончада тўрт тарафидан юқори босимли сув сепиб ювилади. Ювиш қурилмаси бўлмаган тақдирда уни водопровод сувида ҳам ювса бўлади.

Тракторнинг двигатели, картер, ёнилғи, мой ва гидравлика насослари, редукторлар, узатмалар қутиси, гидрокўтаргич каби суюқлик солинадиган узеллари керосин ёки махсус эритмаларнинг бири билан ювилади. Эритмалар таркиби: 1 литр сувга 100-150 грамм кальцийнаплаштирилган сода; 1 литр сувга хлорид кислотанинг 5 фоизли эритмасидан 100 грамм; 1 литр сувга 75-80 грамм каустика сода ва 25 грамм керосин.

Тракторни таъмирлашга топширишдан олдин унинг электр жиҳозлари, ёнилғи насоси ва форсункалари, вентилятор тасмалари ечиб олинади ва омборга топширилади. Узатмалар қутиси, кетинги кўприк ва охириги узатмаларнинг картерларидаги мой тўкиб юборилади, ўрнига тоза дизел ёнилғиси қўйилади ва 5-10 дақиқа мобайнида трактор барча узатмаларда ҳайдалади. Ифлосланган ёнилғи тўкиб ташланади. Двигател картерини ювиш учун ундаги мой ўрнига дизел ёнилғиси солинади ва двигател 3-5 дақиқа салт ишлатиб қўйилади, кейин ифлос аралашма тўкиб ташланади.

Машинани қисмларга ажратиш. Ташқи сирти ювилган машина цехда агрегатлар ва узелларга, улар эса деталларга ажратилади. Қисмларга ажратиш пайтида фақат калит ва отвёрткалар ишлатилади, лом, болға ва зубилодан куч билан фойдаланиш ман қилинади.

Занглаган, куйган ёки резъбаси деформацияланган бирикмаларни бўшатишда торец калитлар ишлатилади. Куч ишлатиш тўғри келадиган кўзгалмас бирикмалар олдин мойланади, юмшагандан кейин пресслар ёрдамида қисмларга ажратилади.

Втулкалар ва валларни жойидан чиқаришда уларни шикастламаслик мақсадида отбойник ва тишли чиқаргичлар қўлланилади.

Баъзи узелларни тўла қисмларга ажратишнинг ҳожати йўқ. Масалан, плуг корпусида лемехларни, ёнилғи насосида плунжер жуфтларини алмаштириш кифоя. Қисмларга ажратилган узеллар ва деталлар рақамланади, алоҳида жойда тартиб билан вақтинча сақловга қўйилади.

Узел ва деталлардаги нуқсонларни аниқлаш (дефектовка). Бу тadbирни ўтказишдан асосий мақсад, таъмирлашни талаб қилмайдиган (соз), таъмирталаб (носоз) ва бутунлай яроқсиз (брак) детал ва узелларни аниқлашдир.

Дефектовкада носоиз деталларнинг қуйидаги техник ҳолатлари ҳисобга олиниши зарур:

- биринчи ҳолат – деталларнинг яроқсизлиги назоратловчи механикнинг кўзига яққол ташланиб туради. Масалан, батамом ейилган ёки синган лемехлар, култиватор ёки ўт ўргич пичоқлари, ғалла ва пахта сеялкаларининг сошниклари, шпинделлар ва комбайн сегментлари янгиларига алмаштирилади ёки қайта тиклашга берилади ёхуд ҳисобдан чиқарилади;

- иккинчи ҳолат – қисм ва агрегатларнинг яроқсизлиги билиниб турса-да, уни қайси детал келтириб чиқаргани номаълумлиги-

ча қолади. Масалан, двигателнинг тақиллаб ишлаши (поршен ҳалқалари ёки вкладишлар носоз), илашиш муфтасининг шатаксираши (дисклар ейилган ёки пужиналар синган), редуктор корпусининг қизигани (подшипниклар синган ёки валлардан бири эгилган), ёнилғининг белгиланган меъёрдан кўп сарфланиши (форсункалар ёки насос бузилган);

- учинчи ҳолат – деталлар батамом яроқсиз эмас, яъни улар қолдиқ ресурсга эга. Аммо муҳандислар олдида бу ресурс муайян агротехник мавсумни (масалан, шудгор ёки ўримни) бажаришга етадими ёки уни оширишнинг технологик чораларини кўриш керакми, деган муаммо пайдо бўлади.

Охириги икки ҳолатда носоз машина ва агрегатларни техник диагностикалаш талаб этилади.

Дефектовка натижалари билан керакли эҳтиёт қисмлар ва таъмирлаш материалларининг турлари ва миқдорлари аниқланади, кластерлар, туман "Агросервис МТП" устахоналари ёки махсус корхоналарда тикланиши зарур бўлган носоз узел ва деталлар рўйхати тузилади. Уларнинг бир қисми цехда ясалади ёки сотиб олинади.

Машинани диагностикалаш. Бунда қисмларнинг созлиги ва ишга яроқлилик даражаси текширилади; қисм ва узелларнинг техник ҳолатлари баҳоланади; мукамал ёки жорий таъмирлаш зарур бўлган объектлар аниқланади.

Диагностика жараёнида машинанинг техник ҳолатини баҳоловчи параметрлар (қисмларнинг тебранишлар ва шовқин даражаси, мой босими ва бошқ.) текширилади. Масалан, бир вақтда двигатель тебранишининг ортиши ва мой босимининг камайиши тирсакли вал подшипниклари ейилганини кўрсатади. Тажрибали механизатор ва механиклар қисмларга «соз» ёки «носоз», «яроқли» ёки «яроқсиз» баҳо беришда диагностик аломатлардан кўп фойдаланади. Чунончи, двигателдан қора тутун чиқаётган бўлса, форсункалар ва ёнилғи насоси текширилади. Илашиш муфтасининг шатаксираши, узатмалар қутиси, орқа кўприк ва подшипниклар корпусларининг қизиши, айланаётган деталлардан чиқаётган бегона шовқинларга қараб улардаги носозликлар аниқланади.

Дефектовкалаш ишлари кўчма КИ-13905М, КИ-13925 ва стационар КИ-13940, КИ-13950 русумли диагностика қурилмалари воситасида адо этилади. Ҳар бир МТП да бундай қурилмаларнинг бўлиши шарт. Чунки «AXOS-340», «APION-630С», «Магnum-7240», BT-150, T-402 ҳайдов ва ТТЗ-60.10, ТТЗ-80.10 транспорт тракторлари, «Доминатор-130», «Кейс-2166» ғалла комбайнлари ҳамда МХ-1,8 ва «Кейс-2022» пахта териш машиналари каби мураккаб машиналар ва уларнинг таркибий қисмлари техник ҳолатини текшириш, носозликларни кидириш, деталларнинг қолдиқ ресурсларини баҳолаш ва таъмир (мукамал-ресурсли ёки жорий-эксплуатацион) турини аниқлаш тadbирларини фақатгина диагностика усули ёрдамида бажариш мумкин. Машиналар тўғри диагностикаланганда соз қисмларни асоссиз равишда носозга чиқариш, аксинча, носозларни соз деб топиш, ресурси бор деталларни янгиларига беҳуда алмаштириш, энг муҳими, эҳтиёт қисмларни кўплаб сотиб олиш ва ортиқча маблағ сарфлашга чек қўйилади.

Шундай қилиб, машиналар ўз вақтида таъмирга пухта тайёрганса, устахоналарга махсус далолатномалар асосида топширилса, таъмирлаш ишларида талабдаги сифат ва кафолат таъминланади.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д. (ҚХМИТИ).

**ШАРОФ РАШИДОВ ТУМАНИДАГИ МЧЖ
ШАКЛИДАГИ “ЖИЗЗАХ ИНДУСТРИАЛ
ТЎҚИМА” АГРОКЛАСТЕРИ жамоаси**

**бутун юртимиз аҳлини
ЯНГИ 2022 йил
билан табриклайди.**



**Янги йилингиз
муборак бўлсин!**





ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Кейинги йиллар давомида республикамизнинг барча соҳаларида кузатилгани каби Сув хўжалиги соҳасида ҳам талайгина диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Фарғона вилоятининг талайгина чўл ҳудудларида зах сув сатҳининг юқорилиги деҳқонларни қийин ҳолга солиб келаётган эди. Экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сувнинг ўз вақтида йўқотишларсиз етиб боришини таъминлаш мақсадида Сув хўжалиги вазирлигига қарашли корхона ва ташкилотларнинг саъй-ҳаракати туфайли залворли муваффақиятларга эришилмоқда.

— Жамиятимизда 75 нафар ишчи ва ходимлар меҳнат қилишади, — дейди Данғарамахсуссупудрат МЧЖ раҳбари Илхомжон Мамажонов. Айни кунларда ғалвирни сувдан кўтарадиган палладамиз. Сабаби 2021 йил учун 8 та объектда 21 млрд 425 млн 21 минг 135 сўм қийматдаги иш бажариш юкини ўз зиммализга олганмиз. Жорий 2022 йил 1 январ ҳолатига кўра ушбу вазифани тўлиқ бажаришга эришдик. Шундан Данғара туманидаги Шўраккўл хўжаликларида зах сувини қочириш коллекторида тизимли таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бордик. Бунинг учун 3 млрд 975 млн сўм маблағ ўзлаштирилди. Натижада 170,3 км масофада таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилиб, зах сув сатҳи юқори бўлган 2100 гектар экин майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эришдик. Ушбу олиб борган ишларимиз 2022 йил хосили учун муносиб ҳисса бўлиб қўшилишига аминман. Қўқон шаҳридан оқиб ўтувчи Оқтепасой каналини реконструкция қилиш ишлари 2021-2022 йиллар учун

мўлжалланган. Жорий йил 6 млрд. 349 млн сўм маблағ ўзлаштирилиб, 2,5 км масофада иш олиб борилди. Канал реконструкция қилиниши билан бирга унинг ён атрофлари ободонлаштирилиб, шаҳар кўрகига кўрк қўшиб борапти.

— Албатта, ушбу кенг кўламли ишларни амалга оширишимизда жамиятимизда узоқ йиллардан буён фаолият олиб бораётган устоз экскаваторчилар Файзулла Хусанов, Мақсаджон Рўзमतов, Хурсанали Хайдаровларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда. Улар ўзларига бириктирилган техникалари билан ўз режаларини ўз вақтида сифатли бажариш билан бирга ёш экскаваторчиларга ҳам устозлик қилиб, касб сир-синаотларини чин дилдан ўргатиб келишмоқда — дейди Жамият ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Бекзоджон Бобожонов. Ходимлар ўз иш шароитларидан рози бўлсаларгина ишда ривожланиш ва интилиш бўлади. Шунинг учун айни кунларда ишлаётган 17 та экскаватор, 3 та бульдозер ва 2 та ёқилғи етказиб берувчи трактор ҳайдовчиларимиз учун 17 та яшаш учун барча шароитга эга бўлган уй-вагонлар ажратганмиз. Уларнинг озиқ-овқати ва қишда иситиш тизими билан мунтазам иш олиб борамиз.

Уюшқоқлик ва бирдамлик бор жойда самара бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Жамият аъзолари номидан юртимиз аҳлига янги йилда соғлик — саломатлик, янги омадлар ва зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Каримжон ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: жамият аъзолари.

РАҚАМЛАР СЎЗЛАЙДИ

2021 йилнинг баҳорида ёғингарчиликнинг кам бўлгани, ёз чилласининг ўта иссиқ келиши, сув ресурслари ҳар йилгидан 25-30 фоизга танқис бўлишига қарамайдан сувчиларимизнинг машаққатли меҳнатлари эвазига истеъмолчиларга йил давомида 44 млрд.м³, сўғориш мавсумида 32,6 млрд.м³ сув етказиб берилди.

ЧИМКЎРҒОН – ИСЛОҲОТЛАР БЎЙ КЎРСАТМОҚДА



Маълумотларга кўра, мамлакатимизда қарийб 90 фоиз сув қишлоқ хўжалиги учун сарфланади. Бундан кўринадик, юртимизда сувдан унумли фойдаланиш ва қўшимча сув захираларини яратиш сув танқислигининг олдини олишда муҳим ўрин тутати. Бу борада гидротехник объектлар, жумладан, сув омборлари ва сел сув омборларининг ишончли, хавфсиз ва самарали ишлаши зарур аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда юқори кўрсаткичга эга бўлган Қашқадарё вилоятида ҳам сув омборларидан фойдаланиш бошқармасининг намунавий тузилмаси тасдиқланган эди. Шу аснода бугунги кунда бошқарма тасаруфида Деҳқонобод, Лангар, Қизилсув, Қорабоғ, Шўробсой, Қалқама сел сув омборлари ва Пачкамар, Қамаши, Чимкўрғон, Янгиқўрғон, Нўғайли каби сув омборлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Шулардан бири Чимкўрғон сув омбори бўлиб, мазкур иншоотнинг сув сиғдириш ҳажми 500 млн. метр/кубни ташкил этади. 1963 йилдан буён фойдаланишда бўлган мазкур гидроиншоот орқали Қамаши, Ғузор, Қарши ва Косон туманларидаги 38 минг гектар қишлоқ хўжалик экинлари, шу қаторда, минглаб аҳоли хонадонлари суғорилишида фойдаланиб келинмоқда.

– Чимкўрғон сув омборимиз тури бўйича ўзанли бўлиб, лойиҳавий сув йиғиш қобилияти 500 млн. метр/куб, фойдали ҳажми эса 450 млн. метр/кубни ташкил этади. Сувнинг чуқурлиги ўртача 15 метр, сув олиш манбаси Қашқадарё дарёси, тўғон узунлиги 10 минг 500 метр, баландлиги 33 метрдан иборат. Ҳозирда тўғонда ўрнатилган пьезометрлар

сони 128 та, сув чиқариш иншооти затворлари сони 9 дона, сув ўтказиш қобилияти секундига 350 метр куб, гидростанциялар сони 3 та ва назорат йўллари 5,5 км, фавкулдда сув ташлама иншооти сув чиқариш иншооти билан биргаликда жойлашган. 2021 йилда сув омборининг ишончли ишлашини таъминлаш мақсадида 198 млн. 900 минг сўмлик жорий таъмирлаш ишлари бажарилди, – дейди Чимкўрғон сув омбори бошлиғи Зайниддин Исмоилов. – Бу каби чора-тадбирлар натижасида бир неча йиллар давомида фойдаланишда бўлган сув омборлари фойдали сиғимлари лойқа-чўқиндилар эвазига кескин равишда қисқариб боришининг олди олиниб, бу ўз баробарида ҳудудда сув танқислиги муаммоси пайдо бўлишининг олдини олади.

Шу каби ишлар баробарида соҳага фаол инновациялар жорий этиш мақсадида сув омбори ҳавзасига сув сатҳини кузатувчи “ақлли сув” тизими ўрнатилган бўлиб, бу орқали сув омбордаги сув ҳажми ҳисобининг кунлик маълумотларини онлайн кузатиш ва шу аснода сув тақсимотини аниқ бошқариш имкони яратилди.

Албатта, бу каби лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида, ҳудудларда сув танқислигининг олди олиниб, таъминот янада яхшиланади ва фермер хўжаликлари ҳамда аҳоли томорқасининг қишлоқ хўжалиги экинларидан олинган ҳосилдорлиги ошишига шароит яратилади.

Шухрат НОРМУРОВОД,
ўз мухбиримиз.

Суратда: (чапдан) Чимкўрғон сув омбори мутахассиси Ж.Саломов, бошлиқ З.Исмоилов, бош муҳандис Д.Кучаровлар иш жараёнида.

РАҚАМЛАР СЎЗЛАЙДИ

2021 йилда сув хўжалиги объектиларига 5 567 та замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, жумладан, 3 099 та “Ақлли сув”, 426 та насос станциясига сув миқдорини ва 2 022 та мелиоратив кузатув қудуғига сизот сувлари кўрсаткичлари ва ерларнинг минераллашганлик даражасини онлайн назорат қилиш қурилмаси ўрнатилди ҳамда 20 та сув хўжалиги объекти автоматлаштирилди. Натижада 771,0 млн. м³ сув тежалишига эришилди.

БУГУНГИ АМАЛ – —КЕЛГУСИ ҲОСИЛГА ТАМАЛ—



Сурагда: "Қайроқли" агрофирмаси аъзолари.

Сурагда: "Қарсиёмон" фермер хўжалиги раиси О. Идрисов.

Маълумки, дон — халқимиз ризқ-рўзи, фаровонлик омили саналади. Ўзбек дастурхонининг бош безаги нон ҳисобланади. Шу боис, айни кунларда жойларда дон етиштириш, ғалла майдонларини озиклантириш, бу борадаги агротехник тадбирларни кечиктирмай олиб боришга катта эътибор қаратилган.

2022 йил ҳосили учун Навоий вилоятида 38 минг гектар майдонга кузги бошоқли дон экилган бўлиб, шундан 8 минг 565 гектари очиқ майдонларга экилган бўлса, 29 минг 474 гектари ғўза қатори ораларига экилган. Вилоятнинг Қизилтепа туманида ғалла экиш тадбирлари дастлаб ғалла майдонларини экишга тайёрлашдан бошланди. Ғалла парваришини барча агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда олиб бораётган тумanning илғор ҳудудларидан "Ванғози" ҳудудиди ҳам эндиликда униб чиққан бошоқли дон экинларини пешма-пеш суғориш ишлари ташкил этилмоқда.

— Ҳудудимизда аввалги йиллар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, униб чиққан ғаллани пешма-пеш суғориш учун суғориш штаби ва отрядлар фаолият олиб бормоқда. Туман ирригация бўлимимиз томонидан ҳудудларда ташкил этилган отрядлар билан сув танқислигини юмшатиш, сувнинг исроф бўлишига йўл қўймаслик, тунги суғориш ишлари ташкил этилмоқда,

ғалламиз авжи яхши, — дейди "Қарсиёмон баракали" фермер хўжалиги раиси Обид Идрисов.

— Албатта, нон ўзбек дастурхонининг кўрки бўлгани ҳолда унинг хомашёси ҳисобланган дон етиштириш миришкорларимизнинг ҳар йилги саботли вазифаси бўлиб келмоқда. 2021 йилда Ургут тумани ғаллакорлари ҳам 3 минг 040 гектар экин майдонида 8 минг 565 тонналик шартномавий режани вилоятда биринчилардан бўлиб, бажарган эди. Туман миришкорлари эндиликда 2022 йил ҳосили учун экилган ғаллани парваришлаб, тегишли агротехник тадбирларни олиб боришмоқда.

— Айни кунларда ҳудудимиздаги мавжуд 89 нафар фермерлар билан биргаликда асосий эътиборимизни экилган ғаллани тўлиқ ундириб олишга, баравж ўстириб олишга қаратганмиз, — дейди "Қайроқли" агрофирмаси раиси Фурқат Бойматов. — 2022 йил ҳосили учун ҳудудимиздаги 360 гектар экин майдонига ғалла экиб, ундириб олган бўлсак, шунингдек, фермер хўжаликларимиз дала майдонларининг 15 гектарига тўқсонбости экинларини экдик. Бизда деҳқон-фермерларимиз етиштирилган маҳсулотни сотиш учун харидор қидиришларига ҳожат йўқ. Чунки уларнинг маҳсулотига туманимизнинг ўзида фаолият юритаётган экспортёр корхоналар ва "Томорқа хизмати" МЧЖлар, қолаверса, кўплаб савдо мажмуалари ҳам тўқсонбости экинлари ҳосилига харидор бўлмоқда.

Албатта, дастурхонларимиз тўкинлиги нон деган азиз неъматнинг мўл бўлишида ўз ҳиссасини қўшаётган миришкор бободехқонларимизнинг омишкорлик билан қилаётган бугунги меҳнатлари эрта ўз самарасини беради ва ёруғ юз билан юқори ҳосилдорликка эришади деб умид қилиб қоламиз.

Ўз мухбиримиз.

РАҚАМЛАР СЎЗЛАЙДИ

2021 йилда республикамиз бўйича 20 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот, 7,4 миллион тоннага яқин дон, 3,4 миллион тоннадан зиёд пахта хом ашёси, 23 минг тонна пилла, 2,6 миллион тонна гўшт, 11 миллион тоннадан ортиқ сўт маҳсулотлари, 8,3 миллиард дона тўхум, 400 минг тонна балиқ етиштирилгани йил бўйи туну кун қилинган машаққатли меҳнатнинг мўносиб самарасидир.

ҲАЁТИМ МАЗМУНИ — КЕНГ ДАЛАЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси — қишлоқхўжалигининг турли жабҳаларида фаолият кўрсатаётган, ўзининг шижо-атли меҳнат аҳли билан кенг танилган диёр. Бу ўлканинг улуғворлиги шундаки, одамлари самимий, қатъиятли ва қийинчиликлардан чўчимайдиган, бардошли. Хўжайли туманига ташрифимиз декабрь ойи ўрталарида бўлиб, далаларда кузги ишлар давом этаётган палла эди.

“Нодира Фурқат” фермер хўжалиги ерларида сурув ишлари бўлаётган далага яқинлашдик. Фермер хўжалик раҳбари Турсунбой Файзуллаевнинг ишлари билан танишишда давом этарканмиз, унинг ўлка шамолларида тобланган чехрасида бугунги ишларидан қониқиш, кенг феъллилик бир қарашда сезилади.



Суратда: Турсунбой Файзуллаев ўғли Фурқат билан.

“Эрта баҳордан кеч кузгача бўлган бу даврда ҳам далаларидан чиқмаган деҳқон ҳаётининг мазмуни не?”, деган саволга жавоб излаймиз.

Деҳқон даласи билан тирик, унинг умргузаронлиги, хатто, ўйлари ҳам шу даласи билан.

— Ҳар кунги ишларни ўзим назорат қилиб чиқсам, кўнглим тинч..., — дейди Турсунбой Файзуллаев.

У 1973 йилда Хўжайли туманидаги “Мустақиллик” ҚФЙ да ишчи оиласида туғилди. Отаси Шукурулло Файзуллаев “Тахиятош дон маҳсулотлари” комбинатида кран ҳайдовчиси бўлиб ишлар эди. 6 нафар фарзанднинг каттаси бўлган Турсунбой мактаб таҳсилдан кейин 1990 йилда отаси ишлаётган комбинатга ишчи бўлиб ишга кириди. Унинг орзулари мўл эди. Шунинг учун у 1992 йилда “Тахиятош савдо экономика” техникумига ўқишга кирди. 1994 йилда иқтисодчи ихтисосига эга бўлди ва оила томорқасида чорвачилик билан шуғуллана бошлади. Маълумки, Қорақалпоғистон кенг майдонликлари ташкил қилган ўлка. Хонадон атрофида бу ишларга имкон бор эди. 35 бош қорамолни ўзи парварилар экан, у энди фермерлик ҳаракатига қўшилмоқчи режа қилди. Оиладан бошланган бу кичик тадбиркорлик катта ишларга йўл очди.

2003 йил туман ҳокимлиги ва қишлоқхўжалиги мутасаддилари билан мулоқотлари бекор кетмади. 49 гектар ерга илк бор пахта ва ғалла экинлари экиди. Яна қисман полиз экинларига ҳам эътибор қаратди. Техника етишмаслиги муаммо эди. Ахир “Эскини ямагунча эсинг кетади”, деган сўзни халқ бекорга айтмаган. Бу кунлар ҳам бугун тарихга айланди. Хўжалик аста-секин ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ривожланиш йўлига қадам ташлади. Бугун фермернинг дала майдонлари 293 гектарни ташкил этади. Шундан 167 гектари экин ерлари ҳисобланади. Бу кузда йилгиллик босган ёввойи ерлардан 10 гектари янгидан ўзлаштирилмоқда.

Хўжаликнинг умумий фойдаси ўтган йилда 830 млн.сўмдан ошди, соф фойда 320 млн.дан юқори. Бу фойда келажакда яхши ишларни қилишда ярайдиган. Албатта, ҳар бир ишнинг ва барокатнинг борар жойи тайин. Ҳаммаси хўжалик ривожига ва келажакдаги ишлар учун сарфланади.

Шартномага кўра, ўтган йилда “MID ASIYA KLUSTER” ташкилотига 131 тонна пахта хомашёси етказиб берилди. Бу йил етиштирилган ғалла маҳсулоти “Тахиятош дон маҳсулотлари” комбинатининг Хўжайли филиалига ўз вақтида соф ва тоза ҳолда етказиш келишиб олинди.

Йил йилдан яхши бўла бориб, эски техника ўрнига тушган соф фойдага замонавий ва юқори унумли техника сотиб олган хўжалик бугун ҳеч кимга маҳтал эмас. Тракторчи Холбай Файзуллаевнинг айтишича, “МТЗ-80”, “ТТЗ-80”, “Арион-630” каби қатор тракторлар, двигател, сеялка, культиватор каби керакли техникаларни қўллаб ва бошқараётган механизаторлар ишда қийинчилик сезмайдилар.

Сувчилар ҳам ўз ишларига пухта. Бу йил улар ёмғирлатиб суғоришни йўлга қўйиш учун 25 гектар ер майдонини тайёрладилар. Ҳамро Ўрозақов, Ортиқ Ўтанязов сингари сувчилар қишининг ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб келмоқдалар.

Хўжаликдаги асосий 8 нафар, мавсумий 80 дан зиёд ишчи-ҳодимларнинг бари хўжалик раҳбарининг эътиборидан, рағбатидан мамнун. У керакли пайтда ҳеч кимдан ёрдами аямайди, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам элга қарашмоқни вазифаси деб билади.

Ўтган 2021 йилда 55 гектар ерга пахта, 74 гектар ер майдонларига ғалла экинлари экилди. Яна шולי, мош, полиз экинларидан ҳам яхшигина ҳосил олинди. У ҳозирда ҳам чорва боқишни қўймади, хўжаликда 47 бош қорамол боқилмоқда. Бундан ташқари, парранда, қўй-қўзилар ҳам бор, албатта.

Оилада Адолат Избосканова уй ишларидан ортса, таъмом, у ҳам пахта теримида ва бошқа қатор ишларда турмуш ўртоғига ёрдам беради. Дала иши кўпнинг қўли билан баракали бўлишини оила аъзолари яхши билдилар. Бу бахтли деҳқон оиласининг бугун уч нафар фарзанди камол топмоқда. Фурқат - Қорақалпоғистон давлат Университетининг энергетика бўлимида таҳсил олмоқда. Нодира - ўқитувчиликни касб қилмоқ арафасида. Бобиржон эса мактаб ўқувчиси. Оилада катталарнинг дуосини олиб камолотга етаётган фарзандлар ўз йўллари танламоқдалар.

Хулоса шуки, деҳқон ҳаётининг мазмуни — далаларида мўл-ҳосил ундириш, халққа, оиласига тўйимли маҳсулот етказиб бериш, Ўзбекистон озиқ-овқат саноатига ўз ҳиссасини қўиши илинжидаги холис ниятлар учун тиним билмай, заҳмат чекиб меҳнат қилмоқдан иборат. Буни “Нодира Фурқат” фермер хўжалиги тимсолида аниқ кўрдик. Даласида ҳаёт кечирган деҳқоним менинг, эзгуликлар ҳамроҳинг бўлсин! Ҳар кунинг тароватли, саодатли ва улуғвор қадамларга уланаверсин!

Шукуржон ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.

РАҚАМЛАР СЎЗЛАЙДИ

Пахтачиликда олиб борилаётган ислохотлар натижасида 2021 йилда олдинги йилга нисбатан 422 минг тонна кўп пахта хом ашёси етиштирилди. Ҳосилдорлик эса ўртача 6,3 центнерга ошди.

ВЕТЕРИНАРЛАР – ЧОРВА РИВОЖИДА КАМАРБАСТА

Мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлигию дастурхонимиз файзу баракаси барча соҳалар қатори қишлоқ ҳўжалиги истиқболига ҳам боғлиқ. Шу боис, сўнгги йилларда иқтисодиётимизнинг мазкур муҳим тармоғини, айниқса, соҳада муҳим бўлган ҳисобланган чорвачилик йўналишини кенгайтиришга, наслчилик ишларини яхшилашга қаратилган изчил чора-тадбирлар ўзининг самараларини бермоқда.

Бу борада Бухоро вилоятининг Ромитан туманида ҳам озиқ-овқат программасининг муҳим тармоғи ҳисобланган гўшт, сут маҳсулотлари етиштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими томонидан тақдим этилган маълумотга кўра, 2021 йил ҳозирги ҳолатига кўра туманда 130 минг 56 бош йирик шохли моллар мавжуд бўлиб, шундан сигирлар 45 минг 520 бошни ташкил этади.

– Туманимизда қорамоллар наслини яхшилаш, аҳоли ва фермер ҳўжаликлари ҳисобидаги сигирларни сунъий уруғлантиришга мулжалланган, барча махсус воситалар билан жиҳозланган 13 та участкамиз фаолият олиб бормоқда, – дейди туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи У. Ходиев. – Йилдан-йилга ишга тушаётган лойиҳалардан кўзланган асосий мақсад авваламбор чорва наслини яхшилаш. Буни амалга оширишда хорижий давлатлардан келтирилаётган насли қорамоллар билан бир қаторда, ветеринария пунктларида сунъий уруғлантириш фаолияти орқали фермер ҳўжаликлари ва аҳоли қўлидаги қорамоллар наслини яхшилашга эришишни мақсад қилганмиз.

Тумандаги “Урганжи чорва чашмаси” фермер ҳўжалигида ҳам ана шундай 300 бош насли чорва парваришланмоқда.

– Хориждан насли қорамол олиб келувчиларга тақдим этилаётган субсидия маблағлари бизга анча енгилликлар яратмоқда. Ушбу имтиёزلардан фойдаланиб, келгусида хориждан яна қорамол олиб келишни режалаштириб турибмиз, – дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Завқидин Асадов.

Тумандаги яна бир “Ғани бобо” фермер ҳўжалиги аъзолари ҳам яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, йилдан-йилга насли молларни кўпайтирмоқда. Бугунги кунга келиб, фермадаги насли сигирлар 90 бошни ташкил этмоқда.

– Президентимизнинг 2021 йил 3 мартдаги «Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида тақдим этилган имтиёزلар бизга куч бағишламоқда. Ушбу қарорга асосан, ҳўжаликларда етиштирилган гўштининг бир килограмми учун 2000 сўм ҳамда сутнинг ҳар бир литри учун 200 сўмдан тўланиши ва бошқа имтиёزلар биз фермерларга катта имкон яратди, – дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Мурод Ғаниев.

Вилоятнинг Вобкент туманида ҳам қорамол наслини яхшилаш бўйича, туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимига қарашли 12 та ветеринария шохобчаси ҳамда сунъий уруғлантириш пунктларида ветеринария мутахассислари ва техник оссеминаторлари хизмат кўрсатиб келмоқда.

– Туманимиздаги мавжуд қорамоллар наслини яхшилаш мақсадида, туман ветеринария бўлимимиз томонидан 2021 йилда 27 минг 945 бош сигирлар ветеринария мутахассислари ҳамда “Чорванасл” маркази техник оссеминаторлари томонидан сунъий уруғлантирилиб, соғлом сермахсул бузоқлар олиниб келинмоқда, – дейди туман ветеринария бўлими бошлиғи Б.Олимов.

Албатта, вилоятда чорва наслини яхшилаш мақсадида олиб борилаётган бу каби ишлар самарасида, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошиши билан бир қаторда, озиқ-овқат нархи арзонлашиши ва ҳудуд иқтисоди юксалишига эришиш мақсад қилинган.

Ўз мухбиримиз.



Вобкент туман ветеринария бўлими бошлиғи Б.Олимов, ветеринар С.Файзуллоев билан.



Туман ветеринария бўлими ходимлари “Урганжи чорва чашмаси” фермер ҳўжалигида.



Ветеринар Мурод Жўраев, фермер Мурод Ғаниев билан иш жараёнида.

РАҚАМЛАР СЎЗЛАЙДИ

2021 йил якуни бўйича гўшт ишлаб чиқариш тирик вазнда 2,6 млн. тоннани, сут ишлаб чиқариш 11,6 млн. тоннани ва тўхум ишлаб чиқариш 8,1 млрд. донани ташкил этади.

“BAHOR CHANCE TEXTILE” — РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА



Бухоро вилояти Когон туманидаги “Bahor Chance textile” масъулияти чекланган жамияти пахта-тўқимачилик кластерида, соҳада механизация даражасини ошириш, етиштирилган ҳосилни чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш ва шу орқали саноат ҳамда хизмат кўрсатиш

тармоқларида янги иш ўринлари яратиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур пахта-тўқимачилик кластерида экин майдонларининг суғорилиши қийин бўлган жойларда замонавий томчилатиб суғориш технологияларини жорий этган ҳолда суғориш ишлари амалга оширилмоқда ва гектаридан 40-50 центнердан пахта етиштиришга эришилмоқда. Мазкур тўқимачилик корхонаси Швейцариядан келтирилган ип йигирув дастгоҳлари билан жиҳозланган бўлиб, ушбу технологик линиялар ёрдамида йилига 3 минг тоннагача калава ип тайёрлаш мумкин. Корхонада айна кунларда экспортбop ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бирга, 40 дона замонавий тикув машинасига эга тикув фабрикаси ва пайпоқ ишлаб чиқариш цехи ишлаб турибди. Энг эътирофлиси, суғориш тизимида ўзига хос машаққатли меҳнат талаб этадиган Когон туманида соҳага тежамкор технологияларни қўллаш ва сув ресурсларидан

оқилona фойдаланиш йўлида пахта тўқимачилик кластери томонидан 2021 йилда 638 гектар майдонда томчилатиб суғориш тизимлари жорий этилди. Натижада, суғориш учун сув сарфи 40-50 фоизга, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари 30-35 фоизга камайиб, меҳнат унумдорлигини 20-25 фоизга оширишга эришилди.

— Бу технологиянинг устувор жиҳати кўп экан, аввало, сув иқтисод қилиниб, тупроқда намнинг сақланиш даражаси меъёрида бўларкан ва жўякда бегона ўтлар бўлмас экан. Асосийси, мавсум давомида экинга бериладиган минерал ўғитлар тежаларкан, техника харажатлари қисқарар экан. Шуларни ҳисобга олиб, келгуси йил яна 1200 гектар экин майдонларимизга томчилатиб суғориш технологиясини жорий этмоқчимиз, — дейди масъулияти чекланган жамияти раҳбари ўринбосари Рамзиддин Бекмуродов.

Албатта, бу каби корхоналарнинг тизимли фаолияти ҳудудларда экспортбop маҳсулотлар ҳажмининг ошишига, янги иш ўринлари яратилишига ва ижтимоий-иқтисодий баркамолликка сабаб бўлади.

Ўз мухбиримиз.

2022

**Барча юртдошларимизни,
аграр соҳа ҳодимларини, деҳқон
ва фермерларни пахтачилик
тармоғи селекционер олимлари
ва серғайрат пахтакорларни
2022 йил билан
самимий табриклаймиз.
Янги йилдаги хирмонлари
янада сарбаланд бўлишига
тилақдошмиз.**

**“Bahor Chance Textile”
МЧЖ жамоаси.**

БОТАНИКА ИЛМИ ДАРҒАСИ

*Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги
Комилжон Тожибоев ҳаётига чизиқлар*

Ота макон, Она юрт.

Ҳар бир виждони, ғурури, ор-номуси бор инсон қалбига “Ватан” деган муҳр босилган. Илло, — биз ундан айро кетолмаймиз. Одам боласининг қайси тупроққа киндик қони тўкилган бўлса, шу муқаддас замин – она тупроқ одам учун нақадар муқаррам ва азиз...

Шу Ватан – муқаддас бешик.

Бу дунёга йиғлаб-йиғлаб келгандаги овутган бешик...

ОҚ ФОТИҲА

— Наманган вилоятининг сўлим ғўшаси Шаҳанд қишлоғида зиёли оилада вояга етдим, — дея ҳикоя қилади Комилжон Тожибоев. — Отам Шаробиддин Тожибоев биолог олим. Наманган давлат университети профессори. Ҳаёт ва илмдаги илк устозим. У киши болалигимда “келажакда профессор бўладиган ўғлим”, деб эркататарди. Шу бир оғиз калом отамнинг оқ фотиҳаси бўлган, шекилли, профессор бўлишим керак, деган мақсадни олдимга қўйиб, мактабда нафақат ботаника, балки барча фанларда, спорт мусобақаларию тадбирларда ҳам фақат биринчи бўлишга интилдим.

Уйимизда дадам йиллар давомида тўплаган каттагина кутубхона бор. Билсам, отам шу хазина эгаси бўлишимни, биологлар сулоласини давом эттиришимни жуда қаттиқ хоҳлаган экан. Кутубхонамиздаги бор китобни ўқиб чиққанман. Мактаб кутубхонасининг ҳам энг фаол аъзоси эдим.

Китобга ошнолик оилавий муҳитдан бошланган. Дадам шанба ё якшанба оқшоми ҳаммамизни йиғиб, китоблардан қизиқ-қизиқ парча ўқиб берарди. Катта бувимдан бошлаб то тўрт фарзанд – кичкина укамгача диққат билан кулоқ солардик.

Комилжон Тожибоев саккизинчи синфдан бошлаб биологиядан фан олимпиадаларида қатнашди, доим юқори ўрин олди. Битирувчи синфда эса биология фанидан Республика олимпиадасининг ғолибларидан бири бўлди. Мактабни битиргач, Наманган Давлат Университетининг биология факултетига ўқишга кирди, дала-ўқув машғулотида табиат билан юзма-юз, яккама-якка мулоқотда бўлиш,

ўсимликлар билан танишиш, аудиторияда олган билимини амалиётда синаб кўришга ўрганди.

Инсон ўзи суйган машғулот билан шуғулланса, асло чарчамайди. Ҳар ҳолда, талаба Комилжонда шундай бўлган. У далада, ўсимликлар дунёсида ўзини ғоят бахтиёр ҳис қилар, уларнинг сирли – сехрли олами билан танишгани сари, соҳани янглиш танламаганига, ўсимликлар оламини аксарият ҳамсабоқларидан кўра яхшироқ ҳис қилишига иқрор бўларди...

Оралиқ авлоднинг заифроқ бўлгани Комилжон Тожибоевнинг илмий ишларига дастлаб тўсиқ бўлгани ҳам бор гап. Янги аср бошига келиб, Ўзбекистон флористикасида қилиниши зарур бўлган муаммолар тўпланиб қолган эди. Лекин уларни бир киши ҳал қилиши мумкин эмас эди. Бунинг учун бутун бошли сафдошлар жамоаси, устозлар ва шогирдлар муҳити лозим бўлар эди. Буни яхши тушунган Комилжон Тожибоев вилоятлардан, бошқа институтлардан ўзига ҳамфикрларни таклиф қилди. Йирик лойиҳаларда бирга ишлашни йўлга қўйди. Ёнидаги катталарнинг “сен ҳали ёшсан”, дейишларига қарамай, шогирдлар тайёрлай бошлади. Уларга жуда кўп вақтини сарфлади. Чунки бошланган ишларнинг натижаси кўп жиҳатдан ҳамфикрлар сонининг ортиши, ишонч уйғотиши, шогирдлар билан бошлаган тажрибалар натижасига боғлиқ эди.

Комилжон Тожибоевга шогирд бўлиб иш бошлаган ёш олимларнинг икки нафари фан доктори бўлди, иккитаси фалсафа доктори, бири фан номзоди. Уларнинг чоп этаётган мақолалари, ютуқлари бошқа ёшларнинг ҳам ботаникага қизиқишини ошириб, Марказий гербарийга бош-

лаб келаяпти. Комилжон Тожибоев ўзининг йигирмадан зиёд шогирдлари билан Ўзбекистон флористикасида 50 йиллик босқични оз муддатда босиб ўтишга муваффақ бўлди, маҳаллий ботаника тадқиқотлари тарихида иккинчи сифат босқичини бошлаб берди. Бу эса қўшни давлатлар орасида соҳа обрўсини кўтаришга хизмат қилди.

Комилжон Тожибоев раҳбарлик қилаётган ботаник олимлар гуруҳи охириги ўн беш йил мобайнида фан учун янги бўлган қирқдан ортиқ ўсимлик турларини кашф этди.

Олимни ўсимликларсиз бир тасаввур қилиб кўринг. Шунда уларнинг моҳиятини илғайсиз. Улар инсоннинг азалий ва абадий ёндошлари ва йўлдошларидир. Ўсимликларга меҳр қўйиш ҳаётни ҳимоя қилиш демакдир.

Қадимги ҳинд файласуфи Шакунтала “Ўсимликлар менинг сингилларимдир” деб бежиз айтмаган.

ИЛМ ЙЎЛИДАН ТОПИЛГАН БАХТ

Инсоннинг жамиятда тутадиган ўрни, ҳаёт йўлининг қай даражада равон бўлиши кўп ҳолатларда болалик даврларида оилада берилган тарбия ва мактаб йилларида олинган таълимга боғлиқ экан. Бу вақтда қўйилган тамал тоши келгусидаги ютуқ ва камчиликлар, қувончли ва қайғули лаҳзаларнинг асоси бўлиб хизмат қилиши ўтган вақт давомидаги умр дафтариани варақлаш орқали кўринади.

Мен болалик давримдан ўқиш, билим орттириш, атрофдаги воқеа ва ҳодисаларнинг туб маъносини билиш, уларга нисбатан ўз фикримни айта



олиш каби жиҳатларга эга бўлишга ҳаракат қилганман. Бунда, аввало, оиладаги тарбия, ота-онамнинг менга бўлган муносабатлари, кўпроқ китоб ўқишим, билим олишим учун яратиб берган шароитлари асосий ўрин тутган. Улғайганим сари оиламиздаги ички муҳит менда биология, хусусан, ўсимликлар тўғрисидаги фанларга қизиқишимни орттириш, секин-асталик билан олимлик касбига меҳр қўйишга ёрдам берди. Бу борада келгусида катта ютуқларга эришишимга қаратилган ва ўша даврларда мен ҳали тўла ҳис этмаган тарбия усуллари ҳозирги кунга келиб ўз аҳамиятини кўрсатиб келмоқда.

Илмда ва ҳаётда биринчи устозим падари бузрукворимиз Шаробиддин Тожибоевнинг бу ҳаракатлари менинг биология фанлари бўйича фан доктори илмий даражасини, профессор ва академик унвонларини олишимга энг асосий сабаб бўлган.

Комилжон Тожибоев биология фанлари доктори, профессор, мамлакатимизнинг энг ёш академикларидан бири. У кўплаб китоблар муаллифи. Буларнинг бари кечаюкундуз тинимсиз қилинган меҳнатлар, изланишлар самараси.

Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, тадқиқотларнинг юқори савияда олиб борилишига Институтдаги 35-40 йиллардан буён йиғила бошлаган 1,5 мингдан ортиқ гербарий намуналарига эга бўлган “Марказий гербарий” лабораториясининг мавжудлиги муҳим

аҳамият касб этаётир. Дунёнинг бирон мамлакатиди бу каби Марказий Осиё ўсимликларига бой бўлган ва ботаника илмий тараққиётига бундай хизмат қилувчи хазина йўқ, — дейди олим.

Комилжон Тожибоев 2019 йилда “Меҳнат шухрати” ордени, 2021 йилда “Мустақилликнинг кўрак нишони” билан тақдирланди. У Ботаника институтидаги Ўзбекистон флораси лабораторияси мудири.

МОНОЛОГ

Сенинг оёқларинг остида барглари шитирлайди. Гуё умринг давомидаги воқеалардан сас бераётгандай. Сониялар ўтиб бормоқда. Ҳар бир дақиқадан унумли фойдалангинг келади. Аслида инсоннинг хоҳиш-истаклари туганмасдир.

Сенинг руҳиятинг тетик. Кўнглинг жўшқинлигидан кўкка қараб ҳайқиргинг келади. Осмонга қарайсан. Қалб кечинмаларинг ичра кекса дарахлар оралаб қуёш нур сочади. Ранглар жилоси... Ўйчан олтин кузнинг ажойиб мўъжизаси. Табиат сирли...

Қуёш нурида жимирлаб, сув худди тирикдайн ҳаракатда — олға қараб интилади. Кўзлар қувнайди. Ичингда ширин хаёллар пайдо бўлади. Аста-секин қадам ташлайсан. Сен сир-синаотларга бой олам ичра жаннатмонанд ўлка бағрида — тинч осуда юртда яшаётганингдан шукрлар қиласан, шукрона келтирасан. Атроф-

га қарайсан-у, уйғоқ, ўйчан кекса чинор дарахтига қараб, ўйга толасан. Тириклик дунёси...

Ҳаётнинг доимий қонуни бор. Сен бошқалар сингари дунёга келдинг, яшаяпсан. Энг асосийси изланаяпсан, ижод қияляпсан. Кўпчилик англаб етмаган. Кўра олмайдиган неларнидир ахтарасан. Шуларнинг бари табиатда гўзал неки бор, фалсафий мушоҳадали инсонлар қалбини безайди.

Сен бугун ва келажак билан юзма-юз турибсан — ҳаракатдасан.

Сув бўйида — табиат қўйнида кезасан. Ўй-хаёллар сени чексизлик сари етаклайди. Олдинда сени нелар кутади? Улуғ алломамиз Нажмиддин Кубро шундай дейди: “Умр ва вақтдан кўра шошқинроқ, ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ, орзу-умиддан кўра олисроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарсани кўрмадим оламини кезиб”.

Умр ўтмоқда... Ҳар бир дақиқани ғанимат биласан. Сенинг қалбинг, ҳисларинг тоза. Сенинг фалсафий тафаккур оламинг кенг, фикринг, ақлинг, қалб кечинмаларинг оқаётган сувдайин ўйчан. Ҳали сен ёшсан. Илмий изланишларинг давом этади... Олтинга тенг дақиқалар ўтиб бормоқда. Олдинда сени нелар кутади. Ҳали орзуларинг бисёр. Низомиддин Мир Алишер Навоий бобомиз айтганларидай:

“Нафъинг агар халққа бешак дурур”

Билки бу нафъ ўзунга кўпроқ дурур”

Қай биримизнинг бугун ва эртанги хоҳишларимиз бир-бирига мос келади, қай биримиз оқшомда ҳам тонгги истаклар билан яшаймиз. Кун соатларга, соатлар эса дақиқаларга бўлинади. Инсоннинг хоҳиш-истаклари ана шу дақиқалардан ҳам кўпдир — туганмасдир.

Инсон табиати асли ўзгармасдир. Аммо тақдир ҳар хил янги умидлар туғдириб, янги изланишлар сари бошлайди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, давримизнинг буюк шоири Абдулла Орипов айтганларидай: **Вақт чопмоқда билмасдан тиним...**

Фарход БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон халқ артисти, олий тоифали суҳандон Фарход Бобоџонов (чапда) академик Комилжон Тожибоев





ПЕКАН ЁНҒОҒИ – СЕРДАРОМАД МЕВА

Пекан ёнғоғининг ватани Шимолий Америка бўлиб, у ҳиндулар ёнғоғи деб ҳам юритилади. Европада XVIII асрда келтирилиб экила бошлаган. Дориворлик хусусиятлари жуда юқорилиги учун ҳиндулар бу ёнғоғни жуда қадрлашган. Ёнғоқ ўзига хос ширин таъмга эга бўлиб, мағзидан шоколаднинг таъмини сезасиз. Канададаги “Карлсон” номли нави ўта совуққа чидамлидир.

Белоруссияда ҳам пеканнинг “Буссерон” нави экилади. У совуққа ўта чидамли, тез ҳосилга киради, мағзи сариқ тусда, ширин, мазали ва ёғли. Россияда яратилган пекан навлари бизнинг иқлим шароитимизга тўлиқ мослашган. Ўзбекистонда биринчи марта 1926 йилдан бошлаб пекан ёнғоғи экилган.

У экилиб ёки пайвандланиб кўпайтирилади. Пекан ёнғоғининг энг муҳим хусусияти – у инсон организмнинг иммун тизимини ошириб, қон томирлар деворларини мустаҳкамлашда катта ёрдам беради.

Шунингдек, бу ёнғоқни истеъмол қилиш кўз касалликларини даволайди ва кўриш қобилиятини оширади, организмда қонни ҳар хил зарарли моддалардан тозалайди ва турли касалликларининг олдини олишда профилактика вазифасини ўтайди. Организмда холестерин миқдорини камайтиради ва тўқ тутайди. Юрак-қон томир касалли-

клари билан оғриш хавфини камайтиради. Бу ёнғоқлар ўзида саратон касали пайдо бўлишининг олдини олувчи антиоксидантларни сақлайди.

Пекан ёнғоғи таркибида Витамин В₁, Витамин В₅, Витамин В₆, Витамин В₄, Витамин Е ва Витамин В₉ фоллий кислоталари мавжуд. Пекан ёнғоғи таркибида инсон организми учун зарур бўлган барча минерал моддалар мавжуд бўлиб, унда марганец миқдори 4,5 мг, мис 1,2, рух 4,5 мг, фосфор 277 мг, магний 121 мг, темир 2,5 мг, кальций 70 мг ва, ҳатто, коронавирус учун кўп қўлланиланиладиган селен моддаси 3,8 мг миқдорда мавжуд. Бу ёнғоқни инсон соғлиги учун зарур бўлган хазиналар манбаи деб, аташ мумкин.

Аммо, меъеридан (100 г) кўпроқ истеъмол қилинса, бошни оғритади. Меъёрдан ортиқ истеъмол қилиш баъзан айрим кишиларда аллергия белгилари тошишига сабаб бўлиши мумкин.

Пекан ёнғоғи Сурхондарё шароитида кўпдан бери экилиб келинишига қарамасдан, у аҳолига кам таниш бўлган ўсимликлардан бириди. Вилоятда 1936 йилларда Дендрология парки ташкил қилинган бўлиб, унга 1000 дан ортиқ турдаги дарахтлар тури келтирилиб экилган. Бу ўсимликларнинг кўплари вилоят тупроқ-иқлим шароитига мослашади, айримлари ҳар хил сабабларга кўра йўқолиб кетади. Аммо мана шу ўсимликлар ичида пекан ёнғоғи бизнинг шароитга тўлиқ мослашиб, бугунги кунда ушбу дендропаркда унинг бир неча хил турлари ва навлари яхши ҳосил бермоқда. Бу ёнғоқ биологик хусусиятига кўра, дастлабки икки йилда жуда секин ўсади, аммо учинчи йили ривожланиши тезлашади, шу йили илдизлари энг чуқурга кириб боради ва кейин ер устки пояларининг ўсишига зўр беради.





Ушбу мева тупроқ намлигига талабчан, лекин доимий намликни ёқтирмайди. Иссиққа ва сояга бардошли. Ўзимизда экиладиган оддий ёнғоқларга қараганда у совуққа чидамли бўлиб, -32-36°C совуққа чидайди. Масалан, вилоятда 2007 йилдан 2008 йилга ўтар қишида -28 даража совуқ бўлди ва барча субтропик дарахтларни совуқ уриб кетди, аммо пекан дарахтларига совуқ таъсир қилмади. Об-ҳаво шароитларига қараб май ойида ёки июнь бошларида гуллайди. Меваси сохта данак, ёнғоғининг узунлиги навларига қараб 3,5-8 см.ни ташкил қилади. Кўчатларидан катта бўлган дарахти бизнинг шароитида 5-6-йили ҳосил қилади. Вояга етган битта дарахт (20 ёшлиси) 250 кг. гача ҳосил қилади. Олиб борган кузатишларга кўра, пекан ёнғоғи оддий ёнғоқдан вегетация даврининг узунлиги билан ажралиб туради. Грек ёнғоғининг вегетация даври 150-160 кунни ташкил этиб, сентябр ойларида пишиб етилса, пекан ёнғоғининг ўсув даври узунроқ бўлиб, 190-200 кунга чўзилади.

Пекан ёнғоғининг бўйи қулай шароитда 50 метргача, 40-45 ёшли катта дарахтининг шохланиш диаметри 35-40 м. гача боради, 300-400 йил яшайди, 300 йилгача мўл ҳосил олиш мумкин. Четдан чанглангани учун камида иккита пекан ёнғоғи ниҳолини бирданига, қуёш тушиб турадиган очик жойга экиш лозим, аммо у шамолни унчалик хоҳламайди.

Унинг илдиз қисми яхши ривожлангани учун қурғоқчилик йиллари ҳам вегетатив органлари ва мевалари сувсизликдан қийналмайди. Илдизлари тупроқнинг пастки қатламларидаги сувни ўзлаштириб, ўзини таъминлайди ва 10-15 метр чуқурликка кириб боради. Пекан ҳашаротларга жуда чидамлидир, унинг қаттиқ қобиғи ҳашаротларнинг мағзигача кириб боришига йўл қўймайди.

Пекан кўчатларини ўтқозиш ва парвариш қилиш усуллари грек ёнғоғиникига ўхшаш. Кўчат ўтқозиш учун сизот сувлари чуқур жойлашган унумдор тупроқли ерларни танлаш керак. Экиладиган майдон худди мевали экинларга тайёрлангандек ишланади. Ҳосилга кирган пекан ёнғоғи дарахтлари жуда баланд ўсиши туфайли, кўчатлар бири-бирдан тупроқ шароитига қараб 10×10 м, 10×14 м, унумдор ерларда 12×16 м узоқликда схемаларида экилади.

Кўчатлар кузда ўтқазилгани маъқул, баҳорда эса эртaroқ экиш тавсия этилади. Ҳосилга кирган боғларга 3 йилда бир маротаба ҳар гектарига 30-40 тонна гўнг ва ҳар йили 90-120 кг дан азот, 60-90 кг дан фосфор соф ҳолда солинади. Йилига 5-6 маротаба сўғорилади. Дастлабки ёш пайтида шакл беришда дарахт танаси ердан 1,5-2 м баландликда қолдирилади. Умуман, яхши парваришланса, ҳосилдорлиги ошиб боради.

Бизда эса, ёнғоқларга умуман агротехник тадбирлар ишлатилмайди, аммо пекан ёнғоғи парваришни талаб қилади ва шунга яраша ҳосил беради. Қанча парвариш қилинса, шунча ҳосилдорлиги ошади. Пекан ёнғоғи тез ҳосилга кириши учун аввал питомникда кўплаб кўчатлари ўстирилиб тайёрланади ва уч йиллик ниҳолларга пайвандланади, чунки пайвандланган кўчатларда ўсиш ва ривожланиш тезроқ боради. Бу дарахтнинг агротехникаси деярли ўрганилмаган, бу борада қилинадиган изланишлар энди бошланмоқда.

Пекан ёнғоғининг самарадорлигини ҳисоблаб кўрсак, қуйидагича маълумотлар оламиз: бир туп дарахтдан

ўртача 100 кг ҳосил олиниб, бир килограмми 30 минг сўмдан сотилса, бир туп пекан ёнғоқ дарахтидан 3 млн. сўм даромад қилиш мумкин. Агарда сизда 100 туп пекан ёнғоғи бўлса, унда сизнинг қиладиган даромадингиз электрон ҳисоблаш машиналари рақамларига сиғмайди.



Академик Махмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Сурхондарё илмий-тажриба станциясининг илмий ходимлари томонидан пеканнинг иккита: “Ҳосилдор” ва “Ўзбекистон” номли навлари яратилган. Аммо ушбу пекан ёнғоғи навлари бугунги кунда фақатгина Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлим шароитида юқори ҳосил бериб турибди.

Ҳозирги бозор ислохотлари шароитида ички ва ташқи бозорда харидорбоп ҳамда экспортга мўлжалланган экологик тоза маҳсулот бўлган пекан ёнғоғи майдонлари кўпайтирилса ва аҳоли томорқаларида камида иккитадан туп пекан ёнғоғини экиш йўлга қўйилса, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан катта натижа беради. Чунки пекан ҳам аҳолининг соғлигига ёрдам бўлади, ҳам у бозорга олиб чиқиб сотилса, мўл даромад келади.

Халқимиз генофондининг соғлом ва бақувват бўлиши учун аҳолига экологик жиҳатдан тоза ва таркиби турли минерал ва витаминли моддаларга бой бўлган маҳсулотларни етказиб беришга ўргатиш лозим.

Эндиликда шунчалик даромад берадиган серҳосил пекан ёнғоғи кўчатчилиги билан ҳам шуғулланиш даркор. Аммо бу ишларни бошида ким туради? Балки мутасадди ташкилотлар ўйлаб кўришар.

Пекан ёнғоғидан экологик тоза ва юқори сифатли мўл ҳосил олишнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари ишлаб чиқилиб, тавсиялар тайёрлаб берилиши керак.

Бу ўсимликни ўрганиш бўйича докторантлар ва илмий изланувчиларни тайёрлаш керак бўлади. Эндиликда Ўзбекистон тупроғига мослашган ва юқори ҳосил берадиган, ҳали деярли нотаниш бўлган қимматбаҳо пекан ёнғоғи агротехникаси билан жиддий шуғулланиш лозим. Чунки бу ёнғоқнинг маҳсулоти экспортбоп, сердаромад ва камхаражат ҳисобланади.

Дилором ЁРМАТОВА,
ЎзДЖТУ профессори,
Абдужаббор МИРЗАЕВ,
М.Мирзаев номидаги БУВаВИТИ,
Сурхондарё илмий-тажриба станцияси
директори ўринбосари.



ЛАЗЕРМИ ЁКИ ЛАЗУРНЫЙ?

Зойир Зиётов асли қишлоқ хўжалиги ходими. Лекин у тарихий мавзуларда жуда кўп изланишлар олиб борган. Кўп йиллик меҳнати самараси ўлароқ, тадқиқотчи-иждоқор сифатида республикамизга танилган.

Муаллифнинг “Турон қавмлари”, “Инсоният ва биосфера”, “Шумерлар ва турон қавмлари”, “Оталар йўли”, “Наврўз — мозийдан садо”, “Қуёш боласи” каби тарихий, илмий, бадий китоблари нашр этилган.

Турон Фанлар академиясининг аъзоси.



Истеъмол қилинган таомга “мазали бўпти”, деб баҳо бериш ўзбекда урф. Катта тўю маъракаларда ошга ҳам, худди шунингдек, уни тайёрлаганлар ҳақида дуо қилинади. Ош ҳаддан зиёд мазали бўлганда, “лазер” ўзи зўр гуруч чиқди-да”, деб кўяди даврада ўтирганлардан кимдир. “Лазер” мақталади-ю, лекин уни кашф қилган кишини ҳеч ким эсламайди. Чунки у инсоннинг кимлигини ҳеч ким билмайди...

“Лазурный” нави муаллифининг ватанидан узоқдаги машаққатли меҳнати натижасидир. Унинг яратилиши, ҳатто, Фидел Кастрони тўлқинлантирган. Шуларни ўйларканман, навининг тақдирида тўғридан-тўғри дахлдор киши сифатида унинг тарихини ёзмаслигим мумкин эмаслигини ҳис қилдим. Бу тарих сизни ҳам бефарқ қолдирмайди ва зериктирмайди, ҳурматли ўқувчи.

1974 йилнинг декабр ойи бошларида Жаҳон ёшлари фестивалида Кубада бўлганмиз. СССР делегациясининг раҳбари биринчи аёл космонавт Валентина Терешкова эди. Ўзбекистондан беш-олти нафар ёшлар делегация таркибидамиз. Кубадаги фестивал тафсилотларига тўхталиб ўтирмайман.

Қишлоқ хўжалиги ходими бўлганим учун бўлса керак, дам олиш кунларининг бирида элчихона ходими “Юртдошингиз билан таништираман”, деб мени Гавана шаҳри яқинидаги “Ниния бонита” (“чиройли қиз”) илмий-тажриба станциясига олиб келиб Турсунбой ака билан таништирди. У киши оиласи билан шу ерда, шолининг янги навини яратиш устида ишлаётган экан. Селекция ишларида йирик мутахассис бўлмасам-да, селекционернинг таваккалчилиги мени ҳайратга солди.

Турсунбой акадан “Қандай нав яратмоқчисиз?”, деб сўрадим. У киши “Шолининг турини биласизми?”, деб қайта савол берди.

Мен “Селекция соҳасида ишламасам ҳам, шолининг лотинча номи “ORUZA SATIVA”лигини биламан, институтда буни ёдлаганмиз” дедим. Турсунбой ака “Ана шу “Оруза Сатива”ни кичик тур “индика” билан чаштирмоқчиман”, деди қатъий.

Ватандошингни узоқ юртларда кўриш жуда мароқли, лекин соҳа менга нотаниш бўлгани учун у кишининг селекция ишларидаги эҳтиросли суҳбатларига тенгма-тенг фикрлар айтолмасдим. Кўп йиллар ўтиб, Турсунбой аканинг яратувчилик ишларига ўзим ҳам дахлдор бўлиб қолишимни ҳали билмасдим.

1983 йил, декабр. Москвада СССР навларни синаш давлат комиссиясининг тегишли расмийтаъкидотларидан сўнг шу ташкилотнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича тармоғига раҳбар этиб тайинландим.

Тасодифни қарангки, мен раҳбарликка тасдиқланган республика ташкилотининг бўлим бошлиқлари ҳам Москвада экан. Улар йиллик ҳисобот бериш баробарида янги навларни районлаштириш комиссияси ишида қатнашар эканлар. Улар мени кўргазма залига бошлаб боришди. Шолининг (гуручга айланттирилган) олтмишдан зиёд нави бор эди кўргазмада. Улар орасидан “Лазурный” деб ёзилган нав тепасига келиб: “Мана бу ўзбек селекционерларининг ютуғи, у СССРда ягона узун донли нав”, деб мақтанишди мутахассислар. Ҳақиқатдан, у бошқа гуручлардан кескин фарқ қилиб, ялтираб турарди.

Тошкентга қайтгач, шу навга алоқадор ҳужжатларни ўргандим. 10-12 варақли “дело”нинг биринчи бетидеги “Олимпиада” деган ёзувга кўзим тушди. У ўчирилиб, устидан ручка билан “Лазурный” деб тузатилибди. Буни Москвадаги мутахассислар тузатган экан. Сабаби, Москвада ўтган олимпиада (1980 йил) шарафига шолининг Ставрополь ўлкасида яратилган навига олдинроқ “Олимпиада” номи берилган. “Лазурный” номи эса – гуручнинг ниҳоятда шаффофлиги учун шундай аталган. Унинг овқатдаги мазаси ҳам, эстетик гўзаллиги ҳам тенги йўқ бўлиб, ягона шу навга “5” балл қўйилган. Ҳатто, “Девзира” гуручи ҳам 4,5 балл олган. “Нечун? Ахир девзирага тенг келадиган гуруч йўқ-ку”, деб қизикдим. Гуручга баҳо фақат ош (палов) бўйича берилмас экан, жаҳон андозалари бўйича бошқа овқатларда ҳам “лазурный” гуручининг шаффоф ва донадор (эзилиб кетмаслиги)лиги эътироф этилибди.

Москвадаёқ кўргазмада “лазурный”ни кўрганимда Кубага сафаримда танишганим селекционер олим кўнглимдан ўтган эди, лекин у кишининг исми ёдимдан кўтарилган экан, ахир, орадан 9 йил вақт ўтганди-да. “Дело”ни кўриб, унинг биринчи бетидеги муаллиф деган жойида Исахов Турсунбой Эргашевич, Пулина Полина Абрамовна деган исм-фамилияларга кўзим тушди. Кубада фақат Турсунбой ака билан танишгандим, Пулинанинг бу навга нима алоқаси бор экан?

Ўзбекистон шолчилик илмий-текшириш институти раҳбариятидан Турсунбой акани суриштирдим. Маълум бўлишича, Турсунбой ака Кубада 1 йилда 3 йиллик ишни қилиб (ҳар 4 ойда бир мавсум), янги навини яратади ва



ватанга қайтади. Бироқ кўп ўтмасдан у кишини Фидел Кастронинг шахсан илтимоси билан яна Кубага олиб кетишади ва олим ҳамон Кубада ишлар экан. Селекционер ишлаган тажриба станциясини илмий-текшириш институтига айлантирадилар. Янги нав устидаги ишларни эса Ўзбекистонда институтнинг олимаси Пулина давом эттириб, стационар синовдан ўтказишди. Шолчилик институти унга “Олимпиада” номи беради ва 1980 йилда давлат синовида топширади. Шунинг учун у “Лазурный”га ҳаммуаллиф экан. Нав фавқуллоҳда антиқа, чунки у турлараро селекция йўли билан яратилган.

Турсунбой аканинг тўққиз йил олдинги қатъиятли сўзларини эслаймиз. Селекционернинг интилиши, ғоялари илғор бўлганини тушунаман, лекин агар маҳаллий ва хорижий навлар чапишмаса, шу бир йиллик меҳнати бекор кетиши ҳам мумкин эди. Турсунбой ака нафақат довурак, таваккалчи авантюрист, балки омадли инсон ҳам экан. Бу

ютуқ бутун жаҳон селекциясининг ютуғи. Унинг муаллифи эса ўзимизнинг олимимиз Турсунбой ака Исҳоқов.

Минглаб маҳаллий ва хорижий навлар давлат синовидан ўтадиган ташкилотни бошқарар эканман, мана шу “Лазурный”ни йўқотиб қўймасликка ўзимни масъул ҳисоблардим. 1994 йилда уни Тошкент, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари бўйича, 1996 йилда эса Хоразм вилояти бўйича районлаштирдик.

Йиллар ўтиб, шолча давлат буюртмаси бекор қилиниши биланоқ “Лазурный” “Лазер” номи билан бозорга чиқиб кетди ва эндиликда халқнинг севимли гуручига айланди.

Танишларим машҳур гуручининг муаллифи билан шахсан танишишни истадилар. Бир кун таниқли ёзувчи ва файласуф устозим Маҳкам Маҳмудов ва физик олим дўстим Ғуломжон Аҳмеджонов билан биргаликда Тўйтепага – Турсунбой аканинг хонадонига ташриф буюрдик. Ҳамроҳларим машҳур селекционернинг қошона ҳовлиси ва қўша-қўша машиналарини кўрамиз, деб ўйлаган эдилар. Ўтган асрнинг эллагинчи йилларида қурилган пастаккина кичкина уй ва эски бир “жигули” машинани кўриб, улар ҳайратга тушдилар. Тўғри-да, салкам 12 йил хорижда ишлаб, шолчининг машҳур навини яратган ва унинг бу нави нафақат Ўзбекистонда, балки Лотин Америкаси мамлакатларида ҳам 3 миллион гектарда экилаётган бўлса-ю, селекционер юпун яшаса. Агар, капиталистик давлатда бўлганида Турсунбой ака тенги йўқ, довуракли селекционер миллионер бўларди.

Маҳкам Маҳмудов билан Турсунбой ака тенгдош чиқиб қолди. Мураккаб комбинациялардан иборат селекцион жараёни ҳикоя қилиб бераётган олимнинг сўзларидан Маҳкам ака ҳайратда эди. Селекция ишини нейрохирургия билан қиймасла бўлади, айниқса, шолчи селекциясини. Сув-

нинг ичида ўтириб олиб, селекционер шолчининг гулидан оддий кўзга кўринмас “оталик”ларини лупада кўриб, пинцет билан авайлаб “бўйни”ни узиб олиши ва шу оталик ўрнига бошқа ўсимликнинг “оталик” чанги билан бунисини чанглаш керак. Кун бўйи шу жараён давом этади. Мавсумда бир неча юз ўсимлик. Оддий одам учун ўта зерикарли бўлган бу машаққатли иш Фидель Кастрони ҳам ҳайратга солган ва у кишининг олимга эътибори тушишига сабаб ҳам шу. “Нинита бонита” тажриба станциясини (бу станция Фидел Кастро қароргоҳи ҳудудига туташ жойлашган экан) Турсунбой

Исҳоқовга суяниб, илмий текшириш институтига айлантирганида хато қилмаган экан. Кубада шолчининг ҳосилдорлиги 15-17 центнердан 50 центнерга кўтарилишида Турсунбой аканинг хизмати чексиз бўлган.

Селекционер ватанга қайтгач, анча йиллар ўтиб, у киши Куба республикасининг олий мукофотига лозим қўрилган, лекин олим ўша вақтда бетоб бўлиб



Суратда: (чапдан) физик олим Ғуломжон Аҳмедов, ёзувчи Маҳкам Маҳмудов, шолчининг машҳур “Лазурный” нави муаллифи Турсунбой Исҳоқов ва унинг ўғли Шухрат Исҳоқов. (Суръат муаллиф томонидан 15 йил муқаддам олинган.)

ётиб қолган бўлади ва мукофотни олишга бора олмади.

Маҳкам ака олимдан “Лазер” навингиз йиллар ўтиб айнамайдими, уни қандай қилиб сара уруғ қилиб сақлаш мумкин”, деб сўрайди. Турсунбой ака “Ҳар қандай шолчи нави умрбоқий, Худонинг амри билан шу экин айнамайдиган қилиб яратилган, оддийроқ қилиб тушунтирсам, шолчи гулидаги “оталик”нинг атрофи “ота”лар билан ўраб олинган ва бу “ота”лар ҳаддан зиёд “рашк”чи. Бошқа ўсимликлардан келиб қолган “спора”ларни “она”га яқинлаштирмайдилар, уларнинг “бўйини” узиб ташлайдилар, шунинг учун ҳам шолчи нави минг йилларда ҳам айнамайди”, дейди олим.

Ўша ташрифимизга ҳам ўн йилдан ошиб кетди. Бу орада Турсунбой ака вафот этди, жойлари жаннатда бўлсин. “Лазер” (“лазурный”)нинг қисқача тарихи шу.

Биз оиламизда бозордан фақат “лазер” билан “аланга” гуручи харид қиламиз. “Аланга”нинг мазаси “Лазер”дан қолишмайди, лекин унинг яратилиш тарихида мавҳумлик бор. Шунга аниқлик киритиш учун Шолчилик илмий-текшириш институти директори Масъуджон Сатторовга кўнгироқ қилдим. У киши: “Зойир ака, бозорда сиз харид қилаётган “аланга” нави – аслида ҳозирги “Искандар” нави. Унинг “дело”сини кўтардим, муаллифи Исҳоқов Турсунбой ва бошқалар....”. “Нав “аланга”дан танлаб олинган”.

“Аланга”нинг мазаси юқори эканлигининг сабабини энди тушундим: Турсунбой ака ҳеч қачон чала иш қилмаган, олимнинг ишлари натижаси ҳам умрбоқийдир.

Ҳурматли ўқувчи, ош истеъмол қилиб, оминга қўл очганингизда Турсунбой акани ҳам бир ёдга олиб дуо қилиб қўйинг, токи руҳлари шод бўлсин.

Зойир ЗИЁТОВ.



**Зарбдор туманидаги
“Ютуқ майдони”
фермер хўжалиги
жамоаси**

барча ватандошларимиз,
жумладан, аграр соҳа
заҳматкашларини
Янги йил билан
муборакбод этади.



ИЛҒОР АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ СУДЛАР ФАОЛИЯТИГА ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

Барчамизга маълумки, сўнгги йилларда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, давлат органларининг жисмоний ҳамда юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологиялари воситасида давлат хизматлари кўрсатишга оид фаолиятини, шунингдек, идоралар ўртасида электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган бир қатор ташкилий-хуқуқий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Электрон ҳукумат тизимининг жорий этилиши, ҳамда бу борада ҳукумат ва бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши соҳаларга илғор ахборот технологияларини жорий этишда ва уларни татбиқ этишда муҳим роль ўйнамоқда.

Хусусан, судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар турини кенгайтириш бўйича ишларни жадаллаштириш, суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш, судлар ва бошқа идоралар ўртасида маълумот алмашинувини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги ПҚ-4818-сонли “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарорга мувофиқ, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш, судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтириш, махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш, суднинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш, хизмат ахборотлари ва маълумотларини комплекс ғимоя қилиш бўйича чораларни кучайтириш - суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг келгилги босқичдаги вазифалари этиб белгиланди.

Шунингдек, Қарор билан 2020 — 2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури тасдиқланиб, унга мувофиқ, 2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш, 2021 йил 1 июлдан бошлаб апелляция ва



кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида «SMS» хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш, 2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш, 2022 йил 1 июлга қадар суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш, 2023 йил 1 январдан бошлаб суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш, судлар, Судьялар олий кенгаши ҳамда Судьялар олий мактабида ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини янада яхшилаш каби вазифалар ижроси белгилаб қўйилди.

Қарор билан тасдиқланган дастурда белгиланган вазифаларнинг ижроси ўз вақтида таъминланиб, бугунги кунда барча судларда, суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш, апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш, барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида «SMS» хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш тизимлари яратилиб, амалиётга татбиқ этилган.

Жумладан, суд муҳокамаси иштирокчиларини суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида «SMS» хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш тизимининг амалиётга татбиқ этилиши, фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатилаётган интерактив хизмат турларининг кенгайтирилиши билан биргаликда, суд ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда, судга келиб тушган мурожаатларни оператив ҳал этиш орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ғимоя қилишда беқиёс аҳамиятга эга бўлмоқда.

Чунки, мазкур тизим ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисларининг вақти ва жойи тўғрисида тезкорлик билан хабардор этилишини таъминлаш билан биргаликда, турли овозгарчиликларнинг олдини олган ҳолда одил судловнинг самарали амалга ошишига кўмаклашади.

Суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида «SMS» хабар орқали бепул асосда хабардор бўлиш учун эса мурожаатчининг даъво ариза (ариза)да ўзининг иш фаолиятида бўлган уяли алоқа телефон рақамини тўғри кўрсатишининг ўзи кифоя қилади.

Акмал РАХИМОВ,

Сирдарё вилоят суди раиси ўринбосари.

КУЗГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙ НАВЛАРИ УРУҒЛАРИНИНГ УНУВЧАНЛИГИГА ҲАМДА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ МУДДАТИ, МЕЪЁРЛАРИ ВА ЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

When sown winter soft wheat at the optimum time (20.10) for Asr, Krasnodarskaya-99, Pervitsa and Davr varieties, 5 mln. (60.0; 65.8; 67.0 and 68.7 s / ha), in the early period (1.10) 4.0 million (53.5; 54.8; 58.5 and 63.5 s / ha) and in the late period (10.11) 6.0 mln. The application of mineral fertilizers at the rate of N200 P140 K100 kg / ha at the time of sowing seeds (49.0; 54.2; 55.1 and 56.5 s / ha) and at all sowing periods ensured high grain yields. Under the specified conditions, early (1.10) or late (10.11) sowing of winter soft wheat varieties at an optimal time will lead to a decrease in grain yield.

Дунёда буғдой етиштирувчи давлатларда тупроқ шароити, нав хусусиятлари ва етиштириш агротехнологияларининг илғор усулларини қўллаш ҳисобига юқори натижаларга эришилмоқда. Кузги юмшоқ буғдой навлари ҳосилдорлиги ва дон сифатини ошириш, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга чидамли истиқболли кузги буғдой навларини танлаш муҳим аҳамиятга эга. Тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, кузги буғдойни экиш муддати, меъёрлари ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш тартибларини ишлаб чиқиш ғаллачилик соҳасининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Навоий вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида кузги юмшоқ буғдойнинг ҳосилдорлиги ва дон сифатини ошириш мақсадида суғориладиган бўз тупроқлар шароитида кузги юмшоқ буғдой етиштиришнинг агротехникасини такомиллаштириш масалалари ўрганилмаган ҳамда кейинги йилларда яратилган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилган янги кузги юмшоқ буғдой навларини экиш муддати, меъёри ва ўғитлаш тизимлари, мақбул ва юқори иқтисодий самарадорликни таъминлайдиган, такомиллашган агротехниканинг дон ҳосили ва сифатига таъсири борасида етарлича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Дала тажрибалари 2018-2020 йилларда Қизилтепа тумани ДДЭИТИ Навоий ИТСининг суғориладиган бўз тупроқлар шароитида турли экиш муддати, меъёри ва ўғитларни кузги юмшоқ буғдой навлари уруғларининг дала унвчанлигига таъсирини аниқлаш ўрганилган.

Тажрибаларда кузги юмшоқ буғдой навлари ("Аср", "Первица", "Краснодарская-99" ва "Давр") уруғларининг дала унвчанлигини юқори кўрсаткичлари ўрта (20.10) муддатда экилган кузги юмшоқ буғдой навларида кузатилган ёки уруғларнинг дала унвчанлиги эрта муддатда (1.10) экилгандагига нисбатан турли экиш меъёрларида (4,0; 5,0; 6,0 млн. дона/га уруғ) "Аср", "Первица", "Краснодарская-99", ва "Давр" навларида мос равишда 7,0 дан 7,5 фоизгача, 6,8 дан 7,4 фоизгача, 5,2 дан 5,7 фоизгача, 3,7 дан 7,3 фоизгача юқори бўлганлиги кўрсатиб ўтилган. Кузги юмшоқ буғдой навларининг уруғларини экиш муддатларини кечикиши билан, барча экиш меъёрларида ҳам уруғларнинг унвчанлигини камайтиши ҳисобга олинган. Бунда, ушбу кўрсаткич кеч (10.11) муддатда экилган кузги буғдой навлари уруғларининг унвчанлигини мақбул муддатда (20.10) ва меъёрда (5 млн. дона уруғ/га) экилганларига нисбатан Краснодарская-99 навида 12,9; Аср навида 13,6; Давр навида 12,9, Первица навида эса, 12,1 фоизга камайганлиги аниқланган.

Навоий вилоятининг бўз тупроқлари шароитида ўтказилган тажрибаларда кузги юмшоқ буғдой навларининг уруғларини тўлиқ ва қисқа муддатларда ундириб олиш учун экишни мақбул муддатларда (20 октябрь) ва меъёрида (5 млн. дона

уруғ/га), минерал ўғитларни $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрларда қўллаш, "Аср" ва "Давр" навлари уруғларини энг юқори (87,4 ва 85,7 фоиз) унвчанлигини таъминлаган. Кузги буғдой уруғлари мақбул экиш муддатидан эрта (1 октябрь) ёки кеч (10 ноябр), экиш меъёридан кам (4 млн. дона уруғ) ёки кўп (6 млн. дона/га уруғ) экилганда уруғларнинг дала унвчанлигини камайтилиши исботланган.

Навларнинг кейинги ривожланиш даврлари, яъни униб чиқиш- тупланиш ва униб чиқиш-найчалаш даврларида экиш меъёрлари ва навлар ўртасида ишончли фарқлар кузатилмаган. Тажрибада кузги юмшоқ буғдой навларининг униб чиқиш-бошоқлаш, униб чиқиш-тўлиқ пишиш даврларига келиб, экиш меъёрларига боғлиқ ҳолда ўсимликнинг ривожланиш ва ўсиш даврларининг давомийлигида бироз (1-3 кунлик) фарқлар мавжудлиги аниқланган.

Ушбу қонуният буғдой навларининг униб чиқиш-бошоқлаш ва пишиш даврларида ҳам кузатилган. Кузги юмшоқ буғдой навлари эрта (1.10) муддатда гектарига 4,0 млн. дона унвчан уруғ меъёрида экилганда "Краснодарская-99" нави 250 кунда, "Аср" нави 246 кун, "Давр" нави 242 кун ва "Первица" нави 244 кунда пишиб етилган бўлса, ўрта муддатда (20.10) "Краснодарская-99" нави 226 кунда, "Аср" нави 221 кун, "Первица" нави 219 кун ва "Давр" нави 197 кунда ва кеч муддатда (10.11) "Краснодарская-99" нави 204 кунда, "Аср" нави 197 кун, "Давр" нави 195 кун ва "Первица" нави 196 кунда пишиб етилган.

Навоий вилоятининг бўз тупроқлари шароитида кузги юмшоқ буғдой навлари уруғларини мақбул муддатда (20 октябрь) ва меъёрда (5,0 млн. дона/га уруғ), экиб, $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрда ўғитланганда, "Давр" ва "Аср" навлари уруғлари энг юқори (87,4 ва 85,7%) дала унвчанликни таъминлайди. Кузги юмшоқ буғдой навлари уруғлари мақбул экиш муддатидан эрта (1.10) ёки кеч (10.11), экиш меъёридан кам (4,0 млн. дона/га уруғ) ёки кўп (6,0 млн. дона/га уруғ) экилганда уруғларнинг унвчанлиги сезиларли камаяди.

Суғориладиган бўз тупроқлари шароитида кузги юмшоқ буғдойнинг "Аср" ва "Давр" навлари ўрта (20.10) муддатда, 5,0 млн. дона/га унвчан уруғ меъёрида экилиб, минерал ўғитлар $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилиб парваришланганда, майсаларнинг қишлаб чиқиши навларга мувофиқ ҳолда 95,6 ва 96,8 фоиз, ўсимликларнинг энг кам миқдорда нобуд бўлиши (4,4 ва 3,2 фоиз) ҳамда амал даврининг охирида туп сони энг юқори миқдорда (88,5 ва 91,6 фоиз) сақланишини таъминлайди. Уруғлар кам (4,0 млн. уруғ) ёки кўп (6,0 млн. уруғ) меъёрда экилганда, ўсимликларнинг қишга чидамлилиги пасайиб боради ва ўсув даври охирида 77,2-80,3 фоиз ўсимликлар сақланиб қолади. Тадқиқотларда кузги буғдой навлари эрта муддатларда (1.10) экилганда, ўғитсиз назорат вариантыда дон ҳосили экиш меъёрларига боғлиқ ҳолда (4,0; 5,0 ва 6,0 млн. дона)



“Краснодарская-99” навида ўртача 3-йилда 18,4; 20,8 ва 21,6 ц/га, “Аср” навида 19,0; 21,7 ва 22,0; “Первица” навида 18,9; 22,1 ва 23,6 ҳамда “Давр” навида 19,9; 22,2 ва 24,3 ц/га минерал ўғитлар $N_{180}P_{126}K_{90}$ кг/га қўлланилганда 44,2-46,7; 46,8-50,5; 48,7-50,0 ва 51,4-53,6 ц/га, ўғит меъёри оширилиб $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га ҳисобида ишлатилганда эса тегишлича 56,8-54,9; 54,9-61,5; 58,5-61,8 ва 63,5-63,8 ц/га юқори бўлишини таъминлаган.

Кузги буғдойнинг “Краснодарская-99”, “Первица”, “Аср” ва “Давр” навлари уруғлари ўрта муддатда (20.10) экилганда, дон ҳосили эрта муддатда (1.10.) экилганига қараганда, навлар бўйича назорат вариантларига нисбатан тегишлича 3,5-3,4; 2,6-3,4; 3,5-2,7 ва 3,2-2,8 ц/га юқори, ўғитлар $N_{180}P_{126}K_{90}$ кг/га қўлланилганда пайкалчаларда экиш муддатлари ва навларга мос равишда 5,8-5,7; 6,1-5,5; 6,0-6,0 ва 6,5-5,7 ц/га, ўғитлар меъёри $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га қўлланилганда етиштирилган қўшимча ҳосил миқдори ўртача 5,5-6,0; 5,9-5,2; 5,3-6,1 ва 4,8-6,1 ц/га ни ташкил этган.

Тадқиқотларда ўрганилган “Аср”, “Краснодарская-99” ва “Давр” навларида энг юқори дон ҳосили навларга мос равишда (68,7; 67,0 ва 65,8 ц/га) 20 октябрда экилганда олинган. Экиш 20 октябрдаги муддатдан 20 кунга кечиктирилиб, 10 ноябрда ўтказилганда дон ҳосили Аср, Краснодарская-99 ва Давр навларида тегишлича 13,2; 11,7 ва 11,6 ц/га кам бўлганлиги аниқланган.

Изланиш натижаларидан, Навоий вилоятининг бўз тупроқлари шароитида кузги юмшоқ буғдойнинг “Аср”, “Краснодарская-99” ва “Давр” навлари учун энг мақбул экиш муддати, октябрь ойининг иккинчи ўн кунлиги (20.10) ҳисобланиши қайд этилган. Ушбу шароитда, кузги юмшоқ буғдой навларини экишни мақбул муддатлардан эрта (1.10) ёки кеч (10.11) ўтказиш дон ҳосилини кескин пасайишига олиб келганлиги таъкидлаб ўтилган.

Кузги юмшоқ буғдойнинг “Аср”, “Краснодарская-99”, “Первица”, ва “Давр” навлари учун мақбул экиш муддати (20.10) да экилганда, 5 млн. (60,0; 65,8; 67,0 ва 68,7 ц/га), эрта муддатда (1.10) 4,0 млн. (53,5; 54,8; 58,5 ва 63,5 ц/га) ва кеч муддатда (10.11) эса 6,0 млн. унвчан уруғ ҳисобида экилганда (49,0; 54,2; 55,1 ва 56,5 ц/га) ҳамда барча экиш муддатларида минерал ўғитларни $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га ҳисобида қўллаш юқори дон ҳосили етиштиришни таъминлаган. Кўрсатиб ўтилган шароитда кузги юмшоқ буғдой навларини экишни мақбул муддатдан эрта (1.10) ёки кеч (10.11) ўтказиш дон ҳосилини камайишга олиб келган.

Ҳабиб ЗАРИПОВ,

ҚХБИММ Навоий вилояти агрохизматлар

маркази директори:

Абубакир ТОҒАЕВ,

ДДЭИТИ Навоий ИТС директори.

АДАБИЁТЛАР

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва. Колос, 1985
2. Орипов Р., Ҳалилов Н. “Ўсимликшунослик”. Тошкент, 2007 йил. 51-90 бет.
3. Сиддиқов Р. Суғориладиган ерларда кузги буғдой навлари ва уларни етиштириш технологияси. Тошкент. Тафаккур қаноти, 2011 йил. 106 бет.

ЎЎТ: 633.11.631.521.5

ТАДҚИҚОТ

БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ УРУҒЧИЛИГИДА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТ ВА КЕЛГУСИ ИСТИҚБОЛЛАР

В статье описаны недостатки и достижения современного состояния семенной системы зерновых, возможности семеноводства на основе новой, которая совершенствуется, и ее преимущества.

The article describes the shortcomings and achievements of the current state of the grain seed system, the possibilities of seed production on the basis of the new system, which is being improved, and its advantages.

Қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилик тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уруғчилик талабларини ўрганиш, самарали, тез ва сифатли уруғлик етиштириш усуларидан фойдаланиш давр талаби ҳисобланади.

Бугунги кунда бошоқли дон экинларидан буғдой 1 млн. 100 минг гектар сувли ерларга экилмоқда. Бу жуда катта майдон. Бундан ташқари 250-300 минг гектар лалми ерларга ҳам ғалла экилади.

Бу ерлардан самарали фойдаланиш, тезкор қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилигини йўлга қўйиш, четдан импорт қилиш эмас, аксинча уруғчиликда экспорт масалаларига алоҳида эътибор қаратиш жуда муҳимдир. Серқуёш Ўзбекистон иқлими ва суғориладиган деҳқончилик шароити энг сифатли қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини етиштириш имконини беради.

Бироқ, бугунги кундаги қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилиги, жумладан, ғалла уруғчилиги унинг турли босқичларидаги ҳақиқий ҳолат шуки, танланган нав асосида етиштирилаётган уруғлик фермерларни, деҳқонларни ва

ташқил этилган кластерларни қаноатлантирмайди.

Бугунги кунда қандай уруғчилик тизимларидан фойдаланилмоқда? Уруғчиликнинг турли босқичларини тўғри йўлга қўя оладиган, айниқса, бошланғич уруғчилик тизимини ва кейинги босқичларини илмий асосда бевосита бошқара оладиган, такомиллаштира оладиган юқори малакали ва маҳоратли мутахассислар етарли эмас.

Фермерлар ва деҳқонларга етказиб берилаётган уруғликнинг сифатини қандай ошириш мумкин?

Ҳар йили қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун сифатли уруғлик керак бўлади. Республикаимизнинг сувли ерларига ҳар йили экиш учун буғдойнинг 2 минг тонна супер элита, 22 минг тонна элита ва 288 минг тонна 1-авлодли уруғликлари талаб этилади.

Ғаллачиликда нав яратиш учун камида 8-10 йил, элита уруғларини етказиб беришга эса 6 йил вақт талаб этилади. Янги яратилган ва экишга тавсия этилаётган навларнинг занг касалликларига тез чалиниши оқибатида олимлар томонидан ҳар 5-6 йилда нав янгиланган бориш бўйича тавсиялар берила-



ётган бир пайтда, амалдаги анъанавий уруғчилик тизими билан талаб этиладиган янги навларнинг авлодли уруғликлари деҳқонларга ўз муддатида етказиб берилмаяпти.

Шу боис, тезкор қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилигини йўлга қўйиш, уруғликка бўлган талабни тўла қондириш, соҳада юзага келган бир қатор муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтида кейинги 4-5 йил давомида уруғчилик тизимида илмий ва амалий тажрибалар ўтказилди.

Институт олимлари томонидан ривожланган мамлакатлар, халқаро илмий марказлар, Россиянинг бир қатор илмий-тадқиқот институтлари, жумладан, Краснодар, Донской уруғчилик марказларида олиб борилаётган уруғчилик тизимлари таҳлил қилинди.

Институтнинг марказий тажриба даласида, мойли экинлар бўлими, Андижон илмий-тажриба станциясида қишлоқ хўжалик экинлари, жумладан, ғалла уруғчилик тизими бўйича илмий ва амалий тажрибалар олиб борилди.

Тадқиқотлар 2017-2020 йилларда маҳаллий шароитда яратилган ва интенсив типдаги Краснодар селекциясига мансуб навларнинг анъанавий ҳамда интенсив бошланғич уруғчилик тизимлари таққослаб ўрганилиб, қуйидагиларни аниқлашга эришилди.

Амалдаги уруғчилик тизими – Танланган янги навнинг элита уруғлари фермерларга 6 йилда етказиб берилади.

Оилаларни биринчи йил синаш кўчатзори, оилаларни иккинчи йил синаш кўчатзори, биринчи йил кўпайтириш кўчатзори, иккинчи йил кўпайтириш кўчатзори, супер элита етиштириш, элита етиштириш жами 6 йил талаб этилади. Бу тизимда оилаларни биринчи ва иккинчи йил синаш кўчатзорларида барча ишлар, экиш, хосилни йиғиштириш, саралаш, дорилаш қўл кучи ёрдамида амалга оширилади. Бу эса кўп харажат ва узоқ муддат талаб қилади.

Интенсив уруғчилик тизими – Талаб қилинган янги навнинг етарлича элита уруғлари 3 йилда етказиб берилади.

Оилаларни биринчи йил синаш кўчатзори, 1-йил кўпайтириш ва супер элита етиштириш кўчатзори, элита етиштириш жами 3 йил муддат талаб этади. Кузатув ва танлаш ишларидан ташқари барча ишлар механизмлар ёрдамида амалга оширилади. Ер ресурслари ва харажатлар камида 1-2 баробарга қисқаради.

Оилаларни 1-йил синаш кўчатзори учун талаб этилаётган навнинг супер элита ёки элита майдонидан селекционер олимлар томонидан нав хусусиятларини тўла мужассам қилган 10 мингдан ортиқ типик бошоқлар танлаб олинади. Танлаб олинган бошоқлар (кейинги босқичда оила деб юритилади) лаборатория шароитида бошоқнинг учки ва

таг қисмида тўла етилмаган бошоқчалар олиб ташланади, янчилади ва алоҳида пакетчаларга жойланади.

Ҳар бир оилалар сифатли тайёрланган ерларга қатор ораси 60 см делянкаларга бир қатор қилиб, 1.2 метр узунликка экилади. Ҳар оиладан сўнг 40 см ҳимоя қолдирилади. Битта навдан танлаб олинган 10000 та оилалар учун 1.6 гектар ер майдони талаб этилади. Белгиланган кузатув ва танлаш ишлари анъанавий усулга нисбатан икки баравар кўп ўтказилади. Бу танлов муҳим ҳисобланиб, фақат селекционер ва уруғчи олимлар томонидан амалга оширилади. Кузатув ва танлаш жараёнида талабга жавоб бермаган оилалар чиқитга чиқарилади ва тўлалигича олиниб ташланиб, дала четига чиқариб ташланади. Танлаб олинган оилалар механизмлар ёрдамида йиғиштириб олинади. Биринчи йил оилаларни синаш кўчатзоридан ўртача 2700 кг миқдорида уруғлик олинади, олинган уруғлар сараланиб, дориланиб, суперэлита олиш учун гектарига 100 кг дан 25 гектар майдонга экилади.

Барча кузатув ва нав тозаллигини сақлаш бўйича белгиланган тадбирлар амалга оширилади. Ҳар бир гектар майдондан 4 тоннадан сара уруғлик ҳосили етиштирилади, танланган битта навдан 100 тонна суперэлита уруғи тайёрланади.

1-жадвал.

Интенсив уруғчилик тизими.

Илмий-тадқиқот институтларида	Кластер ва элита хўжаликларида	
1-йил	2-йил	3-йил
Оилаларни 1-йил синаш (10000 оила)	Суперэлита (25 гектар)	Элита (500 га)
2700 кг	100 т	2500 т

Тизимнинг тезкорлиги ҳисобига талаб этилаётган янги навнинг уруғи қисқа муддатда етказилади, навдорлик юқори бўлади, гектарига 100 кг дан экиш ҳисобига навнинг потенциал имконияти юзага чиқади, нав хусусиятларига мос равишда 1000 донга уруғ вазни 48-55 гр. ни ташкил этади. Унвчанлик ва униш энергияси ортади.

Юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, анъанавий тизимда янги навнинг сара уруғлиги учинчи йили 1-йил кўпайтириш кўчатзорида 2 тонна миқдорида тайёрланса, интенсив тизимда учинчи йили талаб этилаётган янги навнинг 2500 тонна сара элита уруғлиги тайёрланади.

Саиджон ТЕШАБОВЕВ,
Ўсимликлар генетик ресурслари ИТИ
Андижон ИТС директори.

2-жадвал.

Анъанавий амалдаги уруғчилик тизими.

Илмий-тадқиқот институтларида				Фермер хўжаликларида	
1 йил	2 йил	3 йил	4 йил	5 йил	6 йил
Оилаларни 1-йил синаш (300-500 оила)	Оилаларни 2-йил синаш (200 оила)	1-йил кўпайтириш (0.5-1.0 га)	2-йил кўпайтириш (10 га)	Супер элита (200 га)	Элита (3100 га)
30 кг	150 кг	2.0 т	40.0 т	800 т	10850 т

АДАБИЁТЛАР

1. Вавилов.П.П. «Ўсимликшунослик». Тошкент, 1980 й.
2. Узоқов.Й.Ф., Қурбонов, Ғ.Қ. Уруғчилик ва уруғшунослик. Тошкент, 2000 й, 42 бет.
3. Гуляев В.Г., Дубинин Н.П. 1969. Селекция и семеноводство полевых культур. Москва. «Колос», 1969 г.

ОҚБОШ КАРАМНИНГ ЭРТАПИШАР ИСТИҚБОЛЛИ НАВ ВА ДУРАГАЙЛАРИНИ ТАНЛАШ

Проведено сортоиспытание 42 сортов и гибридов белокочанной капусты при высадке рассады 20 февраля под временным укрытием полиэтиленовой пленкой. Установлены различия по накоплению урожая между сортообразцами. Выделены перспективные гибриды белокочанной капусты Саннонг F₁ и БАН-8398 F₁ из Китая с урожайностью 58.3 - 57.1 т/га и массой кочана 1620 - 1650 г, которые рекомендуется выращивать для получения ранней продукции белокочанной капусты.

A variety testing of 42 varieties and hybrids of white headed cabbage was carried out when planting seedlings on February 20 under a temporary cover with polyethylene film. Differences in yield accumulation between cultivars have been established. Promising hybrids of white headed cabbage Sannong F₁ and BAN-8398 F₁ from China with a yield of 58.3 - 57.1 t / ha and a head weight of 1620-1650 g were identified. These hybrids are recommended for growing to obtain early production of white headed cabbage.

Оқбош карам инсон саломатлиги учун жуда фойдали ҳисобланиб, таркибида қандлар, органик кислоталар, витаминлар (С, Р, В, В₂, РР, К, Е) ва каротин, пантотен ва фолат кислоталар, ёғлар, ферментлар, фитонцидлар, калий, кальций, йод, марганец, темир ва бошқа элементларнинг тузлари мавжуд. Карамдан халқ табobatiда турли касалликларни олдини олиш ва даволашда кенг фойдаланилади, овқат ҳазм бўлишида ёрдам беради, иштаҳани оқади ва организмда холестеринни парчалаб чиқиш кетишини тезлаштиради, ичакдаги фойдали микрофлорани шакллантиради.

Оқбош карамдан олинган шарбатни истеъмол қилиб панкреатиндан, ошқозон ярасидан, холециститдан, гастритдан, меъеридан баланд юрувчи ошқозон ширасидан, циститдан ва сурункали пилинефритдан фориғ бўлиш мумкин. Карам шарбати калорияли овқатлардан ҳосил бўлган қон томилардаги холестеринни парчалайди, ортиқча вазндан халос этади. Гепатит касали билан оғриганда ҳам карам шарбатидан ичиш тавсия этилади.

Бугунги кунда ушбу сабзавотни дунёнинг барча мамлакатларида етиштирилиб, аҳоли томонидан севиб истеъмол қилинади. Оқбош карамни бевосита овқатга ишлатилади, тузланади, сиркаланади ва турли хилдаги салатлар тайёрлашда фойдаланилади.

Республикаимизда сўнгги йилларда аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида эртанги, ўртанги ва кечки муддатларда маҳсулотлар етиштириш, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, ер-сув ресурсларидан оқилана фойдаланиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш деҳқон - фермер хўжаликларининг

даромадини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу боис сабзавот экинларининг сифати ва ҳосилдорлигини тубдан оширишга қаратилган инновацион агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг жорий қилиш талаб этилади.

Охирги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ҳукуватимиз томонидан кўплаб қонунлар, қарорлар ишлаб чиқилмоқда, айниқса экин майдонларидан унумли фойдаланиш, яъни бир йилда икки-уч мартагача ҳосил олиш, эртанги муддатда сабзавотчиликни янада ривожлантириш, эртапишар, экспортбоп ва юқори ҳосилли навларини танлаш, агротехнологияларини такомиллаштириш бугунги кунда долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Оқбош карам дунёнинг кўпгина мўътадил минтақаларида асосий экин сифатида етиштириб келинади. Шу боис, унинг юқори ҳосилдор, турли муддатларда экишга яроқли навларини танлаш ва яратиш устида кўплаб олимлар йиллар давомида изланишлар олиб бормоқда. Ҳосилдорлик ва унинг сифати кўпроқ навага боғлиқ бўлганлиги боис, энг истиқболли навларни, дурагайларни танлаш ва яратиш бўйича МДХ мамлакатларида бир қанча тадқиқотчилар томонидан изланишлар олиб борилган [1; 2; 3;].

Республикаимиз тупроқ-иқлим шароитида оқбош карамни эртанги муддатда вақтинчалик плёнка остида етиштириб, ундан барвақт ҳосил олиш мумкин. Бироқ маҳаллий навлар яхши самара ҳосил бермайди. Шу муносабат билан Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий тадқиқот институти тажриба майдонида 2021 йил оқбош карам коллекциясини ўрганиш ҳамда истиқболли, эртапишар нав ва

дурагайларини танлаш мақсадида маҳаллий ва турли давлатларда яратилган 40 дан ортиқ нав намуналарини эртанги муддатда вақтинча плёнка остига экиб тадқиқотлар олиб бордик.

Тадқиқот услублари. Оқбош карамнинг Тошкент вилояти шароитида эртанги муддатда вақтинча плёнка остида етиштириш учун истиқболли, ҳосилдор нав ва дурагайларини танлаш мақсадида тажрибалар ўтказилди. Тадқиқотлар услубнома бўйича олиб борилди [4]. Тажрибада ҳар бир нав намуналари 70х30 см схемада эгатлар узунлиги 12 метр. Экиш муддати 20 феврал. Нав намуналарини таққослаш учун 1-стандарт Грегориан F₁ дурагайи ва 2-стандарт сифатида маҳаллий Наврўз нави хизмат қилди. Стандарт навлар ҳар 10 та нав намуналардан сўнг жойлаштирилди.

Тадқиқотлар натижалари: Ўрганилган нав намуналар биологик хусусиятлари, морфологик, хўжалик белгилари билан ўзаро фарқ қилган. Нав намуналар орасида ҳосилдорлиги 17,1 дан 58,9 т/га гача ўзгарган. Баъзи намуналар кечпишарлиги ёки бошқа омиллар сабаб карамбош ҳосил қилмай, фақат барг ҳосил қилган ва эртанги муддатда экиш учун яроқсиз деб топилган (1-жадвал).

Ҳосилни йиғиш даврида нав намуналари карамбошлари ўртача вазни ҳисобланганда 1-стандарт Грегориан F₁ дурагайининг карамбошлари ўртача вазни 1100 грамм, 2-стандарт Наврўз навиники 950 грамм, барча нав намуналарининг ўртача кўрсаткичи 992 граммни ташкил этди. Нав намуналари карамбошларининг ўртача вазини стандарт навлар билан таққосланганда, Emily F₁ дурагайида 1400 грамм, Магнус F₁ дурагайида 1290 граммни ташкил қилиб, 1-стандартга нисбатан 17.3-27.3 фоизга,

2-стандартга нисбатан 35.8-47.4 фоизга юқори бўлди.

Хитой давлатида яратилган БАН-8398 F₁ ва Саннонг F₁ дурагайлари-нинг карамбошлари ўртача вазни ҳисобланганда тегишли равишда: 1650; 1620 граммни ташкил қилди. Ушбу дурагайлари-нинг карамбошлари вазини стандарт навлар билан таққосланганда: 1-стандарт Грегориан F₁ дурагайига нисбатан 50.0-47.2 фоизга, 2-стандарт Наврўз нави-га нисбатан 74.5-70.5 фоизга, барча нав намуналар ўртача (992 грамм) кўрсаткичига нисбатан 66.3-63.3 фоизга юқори бўлган.

Нав намуналарининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳисобланганда, ҳосилдорликнинг юқори ёки паст бўлиши карамбошлари ўртача вазни ва нотовар ҳосил миқдори-га боғлиқ бўлди. Нав намуналар ичда Emily F₁ ва Магнус F₁ дурагайлари умумий ҳосили тегишли равишда: 49.9-46.1 т/га оралиғида бўлиб, нотовар ҳосили миқдори умумий ҳосилидан 2.0-0.5 фоизни ташкил этди. Ушбу дурагайлари-нинг товар ҳосили гектаридан 45.1-49.6 тоннани ташкил қилиб, 1-стандарт Грегориан F₁ дурагайига нисбатан 15.3-26.8 фоизга, 2-стандарт Наврўз нави-га нисбатан 35.4- 48.9 фоизга юқори бўлди (2-жадвал).

Ўрганилган нав намуналар ичида, Саннонг F₁ ва БАН-8398 F₁ дурагайлари-нинг умумий ҳосили тегишли равишда: 58.9-57.8 т/га ни ташкил этиб, нотовар ҳосили Саннонг F₁ 1.0 %, БАН-8398 F₁ 1.2 % ни ташкил қилиб, товар ҳосили гектаридан 58.3-57.1 тоннани ташкил этди. Ушбу дурагайлари-нинг ҳосилдорлиги 1-стандарт Грегориан F₁ дурагайига нисбатан 49.1-46.0 фоизга, 2-стандарт Наврўз нави-га нисбатан 72.5-71.4 фоизга юқори бўлди. Саннонг F₁ ва БАН-8398 F₁ дурагайлари ҳосилдорлиги барча нав намуналарининг ўртача (33.1т/га) ҳосилдорлик кўрсаткичига нисбатан 72.5-76.1 фоизга юқори бўлди.

Хитой давлатида яратилган Саннонг F₁ ва БАН-8398 F₁ дурагайлари-нинг карамбошлари вазни 1620 -1650 граммни ташкил қилиб, гектаридан олинган ҳосилдорлик стандарт нав-

Оқбош карам нав намуналарининг карамбош вазн кўрсаткичлари, грамм. (2021 й.)

Нав намуналар	Карамбош ўртача вазни, грамм	Ст. 1 га нисбатан, %	Ст. 2 га нисбатан, %	Ўртача ҳосилга нисбатан, %
Грегориан F ₁ , 1-стандарт	1100	100.0	116.0	110.8
Наврўз, 2-стандарт	950	86.4	100.0	95.7
Магнус F ₁	1290	117.3	135.8	130.0
Emily F ₁	1400	127.3	147.4	141.1
Саннонг F ₁	1650	150.0	174.5	166.3
БАН-8398 F ₁	1620	147.2	170.5	163.3

2-жадвал.

Оқбош карам нав намуналарининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари, т/га. (2021 й.).

Нав намуналар	Умумий ҳосил, т/га	Нотовар ҳосил, %	Товар ҳосил, т/га	Ст.1 га нисбатан, %	Ст.2 га нисбатан, %	Ўртача ҳосилга нисбатан, %
Грегориан F ₁ , 1-стандарт	39.3	0.5	39.1	100	117.4	118.1
Наврўз, 2-стандарт	33.9	1.7	33.3	85.1	100	100.6
Магнус F ₁	46.1	2.0	45.1	115.3	135.4	136.2
Emily F ₁	49.9	0.5	49.6	126.8	148.9	149.8
Саннонг F ₁	58.9	1.0	58.3	149.1	175.1	176.1
БАН-8398 F ₁	57.8	1.2	57.1	146.0	171.4	172.5

лар ва барча нав намуналарининг ўртача кўрсаткичларига нисбатан 49-71 фоизга энг юқори бўлиб, эртанги муддатда етиштириш учун истиқболли деб топилди.

Хулосалар. Тадқиқотларимиз натижаларига асосланиб қуйидаги хулосалар чиқарилди: оқбош карам кўчатларини эртанги муддатда вақтинча плёнка остида етиштиришда, 2 -стандарт (маҳаллий Наврўз нави) карамбошининг вазни ва ҳосилдорлиги жиҳатидан 1- стандартга (Грегориан F₁ дурагайи) га нисбатан анча паст бўлди. 1-стандартга нисбатан 6 та дурагайлар

ҳосилдорлиги юқори бўлди. Улардан Хитойдан келтирилган Саннонг F₁ ва БАН-8398 F₁ дурагайлар умумий ва товарбop ҳосилдорлиги ҳамда карамбош ўртача вазни бўйича энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган. Ушбу дурагайлар эрта баҳорда вақтинча плёнка остида экиш учун тавсия этилади.

Нилуфар ИБРАГИМОВА,
таянч докторант,
Ровза МАВЛЯНОВА,
қ.х.ф. д., профессор.
Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Езепчук Л.Н. Продуктивность гибридов капусты белокочанной в условиях сухостепной зоны Республики Бурятия / Аграрный вестник Урала.-2009.-№11 (65).-С.44-47.
2. Ярушин А.М. Капуста в Приамурье. Хабаровск, 2000. - 86 с.
3. Выращивание капусты в открытом грунте http://superogorod.7910.org/article_info.php?articles_id=1154
4. Изучение и поддержание мировой коллекции капусты: Метод указания. / Под ред. Бооса Г.В. Л., 1988.- 117 с.

ТОПИНАМБУР МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

Использование топинамбура в питании расширит ассортимент блюд, кулинарных и кондитерских изделий, способствует использованию местных и нетрадиционных видов сырья, позволяющих снижать в сладких блюдах и кондитерских изделиях массовую долю сахара и жира, и создать новых видов продуктов питания пониженной энергетической ценности

The use of Jerusalem artichoke in food will expand the range of dishes, culinary and confectionery products, promotes the use of local and non-traditional types of raw materials, which make it possible to reduce the mass fraction of sugar and fat in sweet dishes and confectionery products, and create new types of food products with low energy value

Кейинги 20 йил давомида жаҳон миқёсида эълон қилинган манбалардан маълумки, топинамбур универсал экин бўлиб, жаҳон бўйича экин майдони кескин ошмоқда, ички ва ташқи жаҳон бозорида топинамбур маҳсулотларига бўлган талаб ортмоқда. Топинамбур инулин ишлаб чиқаришда, фруктоза-ли шакар, глюкоза-фруктоза сиропи, этанол, ем-хашак ачитқиси ишлаб чиқаришда асосий хомашё ҳисобланади. Бундан ташқари, юқори биологик қийматга эга парҳез таомлар тайёрлашда, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, лак-бўёқ саноати, целлюлоза-картон-қоғоз саноати, кимё ва қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти кескин ошди.

Аҳолини экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда, айниқса, экологик муҳити оғир бўлган ҳудудларда яшаётган аҳоли учун топинамбур маҳсулотларини истеъмол қилиш организмдаги оғир металллар, тузлар, токсин моддалар ва холестерин йиғилишининг олдини олади. Бу туганак таркибидаги инулин ва клетчатканинг биргаликдаги антиоксин фаоллиги туфайли кузатилади.

Республикада катта ёшдаги аҳолининг 8% парҳез маҳсулотлар истеъмол қилишга мойил, улар учун алоҳида экологик тоза ва инулин сақловчи хомашёдан маҳсулот тайёрлаш зарурати мавжуд. Бу борада топинамбур туганакдан кундалик истеъмолда озиқ-овқат сифатида фойдаланиш кенгаймоқда. Топинамбурнинг қайта ишлаш қамрови жуда кенг ва юқори рентабелли ҳисобланади.

Топинамбурнинг гектаридан олинadиган 40 тонна туганакдан 5 тонна топинамбур қукуни ёки 4680 кг инулин олинади, поя ва баргларида целлюлоза, қоғоз, этанол олинмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда топинамбур қукунидан қандли диабет билан оғирган беморлар учун парҳез нон ва нон маҳсулотлари, салатлар, таомлар тайёрлашда қўшилади. Топинамбур инулинини истеъмол қилган беморлар қони ва сийдигида 16-17 фоизгача қанд миқдори камайганлиги, топинамбур туганаклари ва ўсимталаридан тайёрланган турли салқин парҳез ичимликлари истеъмол қилинганда организмда углеводлар алмашинувини мақбуллашиши аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февраль куни Сирдарё вилоятига ташрифи давомида берган

топшириқлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги “Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги экин ерларидан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 690-сон қарорига кўра вилоятда фойдаланишга киритилаётган ер майдонларига топинамбур экини майдонини кенгайтириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 10 ноябрдаги 411-сонли буйруғи билан топинамбур туганакдан парҳез таомлар тайёрлаб, қўшимча даволаш воситаси сифатида фойдаланиш ва касалларнинг кундалик истеъмолига, шунингдек, махсус ва санатория типидagi мактаб-интернатлардаги 12 ёшдан юқори бўлган тарбияланувчиларнинг истеъмол рационига топинамбур киритилди.

Бизлар топинамбур маҳсулотларини қайта ишлаш борасида Самарқанд АгроМИР қўшма корхонасида 2018 йилдан буён туганакларни қайта ишлаб экологик тоза консервалар тайёрлаш борасида тадқиқотлар олиб бормоқдамиз.

Топинамбур маҳсулотлари вилоят санитария эпидемиология ва жамоат саломатлигини сақлаш бўлими назоратида, вилоят стандартлаштириш ва метеорология бўлимидан сифат таҳлилларидан ижобий хулоса билан баҳоланди.

Тадқиқотларда топинамбурнинг “Эътироф” нави туганакларидан кундалик истеъмол учун қовурма, димлама, шўрва, ҳар хил пишириқ ва салатлар тайёрланди. Уларнинг таркиби, истеъмол қиймати юқори ва парҳезбopлиги билан изоҳланади. Топинамбур қўшиб тайёрланган “Қовурма” таоми шу соҳа мутахассислари томонидан органолептик жиҳатдан тўлиқ баҳоланди ва дегустация натижасида тайёрланган таом таъми ва бошқа кўрсаткичлари билан юқори баҳоланади.

Тайёрланган маҳсулотларнинг сифатини баҳолаш учун унинг озиқавий қийматини ҳам аниқлаш керак.

Картошка ўрнига топинамбур туганак қўшиб тайёрланган таомнинг озиқавий қийматини тўлиқ аниқлаш учун унинг органолептик кўрсаткичлари билан бирга кимёвий таркибини ҳам аниқладик.

Кўрсаткичларни (1-жадвал) таққослаб кўрганда, картошка-ни топинамбур билан алмаштириб таом тайёрлаганда, унинг таркибида оқсиллар, углеводлар, айниқса, фруктоза озиқавий тоалар (клетчатка) миқдори кўпайганлиги аниқланди.

1-жадвал.

“Қовурма” таомининг кимёвий таркиби, г

Намуна	Қуруқ моддалар	оқсил	ёғ	Углеводлар		Клетчатка	Органик моддалар	кул	Энергетик қиймати, ккал
				Моно-сахарид	Крахмал				
1. Топинамбур билан	89	25,6	31,2	44,4	0,15	10,4	0,23	13,9	522
2. Картошка билан	100	22,9	29,8	8,4	36,2	3,13	0,48	3,33	543

Қовурма таоми таркибидаги минерал моддалар ва витаминлар миқдори, мг

Намуна	Минерал моддалар						Витаминлар				
	Na	K	Ca	Mg	P	Fe	β-каротин	B ₁	B ₂	PP	C
1. Топинамбур билан	157	3636	217	123	217	25,6	48,9	2,8	0,45	5,6	20,5
2. Картошка билан	181	1804	63,4	103,3	348	4,4	3,95	0,4	0,38	8,33	56,5

Илмий адабиётларда қайд этилганидек топинамбур туганакларида инсон организмда синтез бўлмайдиган валин, изолейцин, лейцин, лизин, метионин, триптофан, фенилаланин, аргинин, гистидин каби алмашинмайдиган аминокислоталар ҳам мавжуд.

Топинамбур туганакдан тайёрланган қовурманинг кимёвий таркиби қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

Туганак таркибидаги темир моддаси миқдори бўйича сабзи, лавлаги, картошка ва турпдан юқори туради. Бундан ташқари, туганак таркибида калий, кальций, кремний, магний, натрий, фтор, хром ва бошқа минераллар мавжуд (2-жадвал).

Лекин, шуни ҳам қайд этиш лозимки, топинамбур таркибидаги 16 дан 20% гача инулин, 4,2% гача клетчатка, фруктоза ҳолатидаги углеводлар истеъмолга тайёр маҳсулотлар таркибини бойитиш билан бирга қандли диабетга чалинган беморларни ва бошқа цивилизация касалликларни даволашда профилактик озиқ-овқат маҳсулоти сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Юқорида қайд этилганларга асосан хулоса этиш мумкинки, топинамбурни озиқ-овқат маҳсулотларни сифатида ишлатиш, таомлар, пазандалик маҳсулотлари ва унли қандолат маҳсулотлари асортиментини кўпайтириш билан бирга унли маҳаллий ноанъанавий хомашё сифатида ишлатиш, унли қандолат маҳсулотлари таркибидаги шакар ва ёғ миқдорини тежаш асосида паст калорияли маҳсулотлар тайёрлаш имконини яратди.

Тадқиқот натижалари асосида маҳаллий навлар асосида қандли диабет билан оғриган беморлар учун кундалик парҳез маҳсулотлар асортиментини импорт ўрнини босувчи маҳаллий хомашё ҳисобига кўпайтириш асосида экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлар етиштириш имконини беради.

Вилоят ЖАМОЛИДДИНОВА,
Нажмиддин МУМИНОВ,
Абдуғани ЭЛМУРОДОВ,
СамВМИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Abdug'ani Elmurodov. Elyor Berdimuratov. Improving of Agricultural Technologies for Growing Jerusalem Artichoke (Helianthus Tuberosus L.) in Uzbekistan. International Journal of Advanced Science and Technology. IJAST. Vol. 29, No. 9s, (2020), pp. 4132-4141
2. Дергачева Н. В., Казыдуб Н. Г. Клубненоносные культуры (картофель, топинамбур, батат, маниок, таро, ямс): Учебное пособие. – Омск: ОмГАУ, 2011. – 208 с. - ISBN 978-5-89764-332-5.
3. Зеленков В.Н., Романова Н.Г. Топинамбур: агробиологический портрет и перспективы инновационного применения. М.: РГАУ-МСХА, 2012. 161 с.
4. Королева Ю.С. Удобрение топинамбура при многолетнем использовании плантаций: Дис... к.с.-х.н. Тверь, 2009. 294 с.

УЎТ: 631:633:853:54

ТАДҚИҚОТ

СОЯНИНГ “ТОШКЕНТ” НАВИДА ТУГАНАК БАКТЕРИЯЛАР ТЎПЛАНИШИГА ЭКИШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

In this article, it was found that the optimal sowing rate of the Tashkent variety compared to the Uzbek-2 shade control variety was 50 kg, and that the highest rate of bacterial accumulation was higher in terms of number and weight.

Соя ўсимлигининг ҳосилдорлиги ва тупроқ унумдорлигининг баландлигига фотосинтез жараёни асосий фактор бўлиб ҳисобланади. Соянинг илдиз тизими яхши ривожланган бўлиб, у тупроқнинг физик хоссаларини яхшилади ва чуқур қатламлардаги озиқа элементларининг юқорида чиқишига ёрдам бериб, тупроқдаги азот миқдорини оширади. Ўзбекистон деҳқончилигида тупроқ

унумдорлигини сақлаш ва ошириш, баҳорда ва ёзда экиб суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш, чорвачиликни тўйимли ем ва озуқа билан таъминлаш, аҳолига оқсилга бой маҳсулотлар етиштириб бериш, енгил саноатни хомашё билан таъминлашда соя ўсимлигининг аҳамияти каттадир. Тупроқ структурасини яхшиловчи ва оширувчи дуккакли-дон экинларидан

Соянинг “Тошкент” нави экиш меъёрлари бўйича туганак тўплаши.

Нав номи	Экиш меъёри	1 дона ўсимликдаги туганак сони	Нам ҳолатдаги оғирлиги (г)	Қуруқ ҳолатдаги оғирлиги (г)
Ўзбек-2 (назорат)	40 кг	308.0	6,2	1,4
	50 кг	348.0	8,8	1,9
	60 кг	306.0	5,8	1,2
Тошкент	40 кг	344.0	8,5	1,7
	50 кг	404.0	14,5	2,7
	60 кг	401.0	13,0	2,1

бири бу соя ҳисобланади. Кўпгина адабиётларда соя тупроқнинг агрохимик ва агрофизикавий хусусиятларини юқори даражада яхшиловчи дуккакли-дон экинни деб таъриф берилади. Дуккакли дон экинлари илдизида азот тўплаши сабабли минерал ўғитларга бўлган талаби кескин камаяди [1]. Экиш усули ва экиш меъёрини ҳар бир ҳўжалик, жойнинг тупроқ-иқлим шароитига эътибор бериб белгилаш юқори ҳосил олишни таъминлайди. [2]. Соя илдизларида барча дуккакли ўсимликларнинг илдизларидаги каби ҳаводаги азотдан фойдалана оладиган туганакли нитроген бактериялар ривожланади. Масалан, адабиётларда маълум қилинишича, соя гектарига 70-100 кг азот тўплаш хусусиятига эга. Ўзлаштирилган азотнинг ярмига яқини дон яратилишига, ярмидан кўпроғи эса ўсимликнинг баргларида, танасида ва илдизларида қолади [3]. Соя ўсимлигининг ҳосилдорлиги ва тупроқ унумдорлигининг баландлигига фотосинтез жараёни асосий фактор бўлиб ҳисобланади.[4]. Соянинг илдиз тизими яхши ривожланган бўлиб, у тупроқнинг физик хоссаларини яхшилайди ва чуқур қатламлардаги озика элементларининг юқорига чиқишига ёрдам бериб, тупроқдаги азот миқдорини оширади.[5]. Соянинг ҳосилдорлиги ҳам ўғит билан таъминланишига боғлиқдир. Ўғит меъёрларини аниқлашда соянинг биологик хусусияти ҳаво азотини ўзлаштириши, албатта, ҳисобга олиниши зарур. Соя ўсимлигига талаб қилинадиган азотнинг 40-70% биологик азотни ўзлаштириши эвазига қондирилади.

Шоличилик илмий-тадқиот институтида ҳам соя ўсимлигининг “Тошкент” навини экиш меъёрларининг ҳосилдорлигига таъсири юзасидан тажриба олиб борилди. Тажриба 3 та вариант (40 кг, 50 кг 60 кг меъёрларда) ва 4 қайтариқда ўтказилди. Тажриба давомида соянинг гуллаш фазаси тугаб, дуккаклаш бошланиши даврида ҳар бир вариантларда илдиз туганаклари сони ва қуруқ



Соянинг “Тошкент” нави ўсимлик илдизида туганак тўпланиши.

вазни аниқланди Соянинг “Ўзбек-2” нави назорат сифатида таққослаб ўрганилди ва натижалар 1-жадвалда келтирилди.

Жадвалда кўриниб турганидек, соянинг “Тошкент” навини назорат қилиб олинган “Ўзбек-2” навида таққослаб экиш меъёрини 40 кг, 50 кг, 60 кг, тарзда экиб ўрганганимизда шу нарса маълум бўлдики, энг кўп туганак бактериялар тўплаши 50 кг экилганда юқори бўлди. Назорат “Ўзбек-2” навида 348 донанинг вазни 1,9 г ни, “Тошкент” навида эса 404 донани, вазни эса 2,7 г ни ташкил қилди. Назорат “Ўзбек-2” навида нисбатан “Тошкент” нави 56 донига, вазни эса 0,8 г. га юқори бўлганлиги аниқланди. Хулоса қилиб айтганда, соя ўсимлигига кейинги йилларда катта эътибор қаратилаётганлигига сабаб, ўсимлик экологик тоза маҳсулот бера олиш имкониятига эга, тупроқда ўзидан кейин 55-60 кг атрофида соф азот қолдиради. Қолаверса, соя тупроқ микрофлорасини яхшилайди, ундан кейин азотли ўғитларнинг кам қўлланилишига олиб келади.

Ирода МИРЗАЕВА,
мустақил изланувчи.

АДАБИЁТЛАР

1. Д.Ёрматова. “Мойли экинлар”. Самарқанд ш., “Зарафшон” нашриёти, 2004 йил.
2. Алимбетов К.А., и др. “Повышение эффективности рисовых комплексов в Казахстане”. ВАСХНИЛ, 1891 й, 156 б.
3. Тончев Г. “Резервы увеличения производства растительных белков. Международный сельскохозяйственный журнал, 1964. №3
4. Д.Т.Абдукаримов “Дала экинларининг хусусий селекцияси.” Тошкент-2007 й.
5. Ҳ.Атабоева “Ўсимликшунослик” Тошкент, “Меҳнат” нашриёти 2000 й.

ДИНАМИКА ИЗМЕНЕНИЯ АДВЕНТИВНОСТИ ТУТОВОЙ ОГНЕВКИ

The adventive degree changing dynamics of dangerous quarantine pests of agricultural crops to new areas has been studied. As example of the mulberry pyralid the damaging degree of mulberry trees in three stages entering to fields of our republic: in periods of 1995-2000, 2010-2011 and 2018-2020 years has been analyzed.

Территория Узбекистана не является исключением в плане вторжения сравнительно опасных вредных насекомых несмотря на принимаемые карантинные меры предосторожности. Одним из таких вредителей была тутовая огневка (*Glyphodes pyralis*, Walker), зарегистрированная в нашей республике в 1994 г.

Следует отметить проявление опасности тутовой огневки высыханием полностью порядка 5 миллионов шелковиц по Узбекистану в период 1995-2000 гг. Принятые в последующие годы меры борьбы с использованием биологических методов не дали значимые результаты и это можно объяснить ощутимым адвентивным на тот момент характером данного вредителя. В связи с этим, особенно, в начальный период пришлось вести борьбу, в основном, с применением химических препаратов.

тутовой огневке.

В исследованиях использовали данные исследований, проведенных с применением вышеуказанных энтомофагов за 1995-2000 гг. и 2018-2020 гг. в борьбе с тутовой огневкой. При этом в качестве результатов борьбы использовали наилучшие показатели по биологической эффективности, полученные с применением вышеуказанных энтомофагов.

Собранная информация по динамике изменения степени адвентивности тутовой огневки по отмеченным периодам вторжения представлена в таблице 1.

Из таблицы, в частности, видно, что степень повреждения шелковиц от тутовой огневки имеет тенденцию уменьшения. А точнее, если в годы вторжения (1995-2000 гг.) высохла при-

мерно 60 % деревьев, то к 2018-

2020 гг. этот показатель опустился до 40-45 %. Кроме этого, если в 1995-2000 гг. энтомофагами был устранен 27-55 % вредителей, то 2018-2020 гг. это количество достигло до 50-51 %.

Однако, нельзя, конечно, сделать здесь вывод в том, что нет никакой необходимости ведения борьбы в будущем с данным видом вредителя. В случае прекращения борьбы может вспыхнуть новые очаги тутовой огневки и в таком случае станет практически невозможным ведения борьбы без привлечения особо опасных пестицидов. Именно поэтому и в целях контролирования количества тутовой огневки в безопасном для шелковиц и шелководства уровне необходимо ведения непрерывной и запланированной борьбы с применением комплексных методов, где доминирующими являются агротехнические и биологические методы защиты растений.

Зарифахон НОСИРОВА,
д.ф.с.х.н., (PhD),
Шахноза МАХМУДОВА,
д.ф.с.х.н., (PhD),
ТашГАУ.

Динамика изменения степени адвентивности тутовой огневки по годам

№	Примененные средства борьбы с вредителем	Степень повреждения деревьев от тутовой огневки, %		Степень адвентивности, %
		контроль	После проведения мероприятий	
1995-2000-гг.				
1	Златоглазка	60-62	21-28	55-65
2	Бракон		30-39	37-50
3	Трихограмма		42-45	27-30
2010-годы				
1	Златоглазка	50-55	20-24	56-60
2	Бракон		28-37	15-44
3	Трихограмма		41-44	18-20
2018-2020 гг.				
1	Златоглазка	40-45	20-22	50-51
2	Бракон		26-36	20-35
3	Трихограмма		35-38	13-15

Объект и методика исследований. В настоящей работе исследована динамика изменения степени адвентивности тутовой огневки в разные периоды вторжения в Республику Узбекистан. При этом использовали данные мониторинга охваченности листьев шелковицы тутовой огневкой и исследований, проведенных в разные периоды примерно с десятилетним периодом приспособливания таких энтомофагов как златоглазка (*Lacewing*), бракон (*Bracon hebetor* Say) и трихограмма (*Trichogramma evanescens* Westwood) к

шелководства уровне необходимо ведения непрерывной и запланированной борьбы с применением комплексных методов, где доминирующими являются агротехнические и биологические методы защиты растений.

ЛИТЕРАТУРА

1. Владимиров Д.Л., Вэйго Ту. Некоторые теоретические вопросы адвентивной флоры и ее инвазивного субэлемента // Вестник ВГУ, серия: география. Геоэкология. 2016. № 3. — С. 73-78.
2. Нотов А.А., Нотов В.А. Основные направления изучения генезиса адвентивного компонента флор // Вестник ТвГУ. Серия «Биология и экология». 2009. Вып. 14. — С. 127-141.
3. Иванова Н.В. Синантропные растения как показатель экологического состояния города Самары // Самарский научный вестник. 2016. № 1 (14). — С. 31-34.
4. Носирова З.Ф., Хаитов С. Применение инновационных технологий в ведении мониторинга тутовой огневки // Agroilm. 2021. № 5(75). — Б. 49-50.

“KONDUKTOMETR” YORDAMIDA SHO‘RLANGAN TUPROQLARNING TARKIBINI O‘RGANISH

Laboratory experiments on soil columns show the results of testing saline soils using a device «Conductometer».

Tuproqning sho‘rlanishi yer degradatsiyasining jiddiy belgilaridan biridir. Xalqaro atrof-muhit va rivojlanish instituti va Jahon resurslari instituti ma’lumotlariga ko‘ra, materik yuzasining taxminan 10% sho‘rlangan tuproqlar bilan qoplangan [1]. Yerning sho‘rlanishi muammosi dunyoning ko‘plab mamlakatlarida mavjud. Sho‘rlangan tuproqlarda o‘simliklarning, ayniqsa, texnik ekinlarning mahsuldorligi keskin pasayadi va bu tuproqqa tegishli meliorativ ta’sirlarni talab qiladi [2].

Tuproqni tuzsizlantirishning eng keng tarqalgan usuli uni drenaj tarmog‘i fonida yuvishdir. O‘zbekistonning suv resurslari cheklanganligi sababli yerlarni yuvish samaradorligini oshirish va tuproqni sho‘rsizlantirishning yuqori texnologiyali, fanni talab qiluvchi, resurs tejovchi texnologiyalarini izlash, tuproq unumdorligini saqlash va qishloq xo‘jaligi ekinlari hosildorligini oshirishga qaratilgan. Yuvish samaradorligini oshirish masalasini hal qilishda sirt faol xossaga ega va o‘simlik uchun kam eriydigan va zaharli kationlar (kaltsiy, magniy, natriy va boshqalar) va anionlarni (xlor, sulfat, karbonat) kimyoviy bog‘lash qobiliyatiga ega kimyoviy preparatlar. va boshqalar) yordam berishi mumkin. Sho‘rlangan yerlardan foydalanishni yaxshilash va sho‘rsizlantirish bo‘yicha yuqoridagi muammolarni hal qilish uchun biz sho‘rlangan tuproqlarni yuvish uchun ionli polimer va sirt faol modda asosidagi polimer tarkibi – “Biosolvent” mahalliy preparatini ishlab chiqdik [1].

Tadqiqot maqsadi sho‘rlangan tuproqlarni sho‘rsizlantirish samaradorligiga “Konduktometr” preparatining ta’sirini aniqlashdan iborat.

Polimer tarkibi sirt faol xususiyatlarga ega ionli polimerdan iborat bo‘lib, u polianion oligomerlarni (PAO), anion sirt faol moddalarni (ASAS) va ularning uchinchi darajali aminli efilarni (ETA) o‘z ichiga oladi.

Tarkibi aSurfaktant, anion sirt faol moddasini o‘z ichiga oladi, u sinergik ta’sirga ega va ishlatilganda kutilmagan natijalar beradi. Sirt faol moddasi suvli eritmalarning sirt tarangligini pasaytirish qobiliyatiga ega, u tuzning tarqalishiga yordam beradi va suv bilan birgalikda mikroelementlar va ozuqa moddalarining o‘simliklar tomonidan so‘rilishini yaxshilaydi, bu esa tezroq ildiz o‘tishi va o‘simlik unumdorligini oshirishga olib keladi.

Tajribalar tuproqning ommaviy ustunlarida o‘tkazildi, ya’ni - yuvish jarayonini jismoniy modellashtirish orqali. Hammasi bo‘lib 16 ta kolonkada 2 ta tajriba o‘tkazildi (1-tajriba va 2-tajriba), yuvish uchun beriladigan suv hajmi (suvlanish darajasi) va tuproq sho‘rlanish darajasi (1-tajriba - o‘rtacha sho‘rlangan, 2-tajriba). - juda sho‘rlangan tuproqlar).

Tadqiqot jarayonlari. “Konduktometr” preparatidan foydalangan holda laboratoriya tajribalari sho‘rlangan tuproq bilan

to‘ldirilgan ustunlarda o‘tkazildi. Ustunlarni to‘ldirish uchun tuproq quritilgan, maydalangan, 2 mm elakdan o‘tkazilgan va yaxshilab aralashtiriladi. Ustunlar filtrat yig‘ish uchun idishlarga o‘rnatiladi. Ustunning pastki qismi maxsus mash bilan qoplangan, uning ustiga filtr 10 sm qatlamda (katta ustunlarda - ikki qatlamli shag‘al filtri) joylashtiriladi. Tajriba-1: - 1000 m³/ga tezlikda sho‘rlangan tuproqni yuvish; - quyma tuproq ustunlarining diametri 15 sm; tuproq qatlamining qalinligi 15 sm. Tajriba uch marta takrorlandi.

Tajriba variantlari -1:

K1 - tuproqni distillangan suv bilan yuvish (Nazorat);

R-1 - 2% konsentratsiyada “Biosolvent” qo‘shib distillangan suv bilan chayish (500 ml suvga 10 ml preparat);

R-2 - 10% konsentratsiyada (500 ml suv uchun 50 ml) “Biosolvent” qo‘shilgan holda distillangan suv bilan yuvish.

Tajriba-2:

- 500 m³ / ga tezlikda yuvish; - katta tuproq ustunlarining diametri 25 sm, tuproq qatlamining qalinligi 25 sm. Tajriba ikki marta takrorlanadi.

Tajriba-3:

K2 - tuproqni distillangan suv bilan yuvish (Nazorat);

P21 varianti - 0,5% konsentratsiyada “Biosolvent” qo‘shib distillangan suv bilan yuvish (500 ml distillangan suv uchun 2,5 ml preparat);

P22 varianti - 1% konsentratsiyada (500 ml suvga 5 ml preparat) “Biosolvent” qo‘shilgan holda distillangan suv bilan yuvish;

P23 varianti - 2% konsentratsiyada (500 ml suv uchun 10 ml preparat) “Biosolvent” qo‘shilishi bilan distillangan suv bilan yuvish.

Tajribalar jarayonida suvning hajmi aniqlandi va kimyoviy tarkibi o‘rganildi, tuproq namligi nazorat qilindi. Tuproqni yuvishdan oldin va keyin kimyoviy hamda agrokimyoviy tahlillar o‘tkazildi.

Barcha tahlillar umumiy qabul qilingan usulga muvofiq amalga oshirildi [3].

Tuproqdagi sho‘rlanish ko‘rsatkichlarini aniqlash va eruvchan ionlarning tarkibini tahlil qilish 1: 5 suv ekstraktida amalga oshirildi. Bundan tashqari, tuproq sho‘rlanishini aniqlash uchun tuproqdagi tuproq suspenziyalarining elektr o‘tkazuvchanligi o‘lchovlari o‘tkazildi: suv hajmi nisbati 1: 1 (EC 1: 1). O‘lchovlar harorat kompensatori bo‘lgan elektrodga ega bo‘lgan elektroo‘tkazgich bilan dS / m (metrga decisiemens) da amalga oshirildi [3].

Asl BAXROMOV, talaba,
Bekzod KAMANOV, katta o‘qituvchi,
TIQXMMI MTU.

ADABIYOTLAR

1. Prediction of strength of recrystallized silicon carbide from pore size measurement. Part I. The bimodality of the distribution. / Orlovskaja N. [et al.] // Journal of Materials Science. 2000. V. 35. I. 3. P. 699–705.
2. A new design for preparation of high performance recrystallized silicon carbide / Guo W. [et al.] // Ceramics International. 2012. V. 38. I. 3. P. 2475–2481.
3. Corman G. S., Luthra K. L. Silicon Melt Infiltrated Ceramic Composites (HiPerComp™) // Handbook of Ceramic Composites. Springer US, 2005. P. 99–115.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ИЖТИМОЙ-ГЕОГРАФИК ШАРОИТЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

One of the current scientific and technical problems is to conduct research aimed at improving the economic mechanisms for the introduction of water-saving technologies in the cultivation of agricultural crops in the Fergana Valley and to develop criteria for analyzing and evaluating the effectiveness of water-saving technologies in cotton irrigation.

Фарғона водийсининг умумий географик ва иқтисодий шароитлари. Ўзбекистон Республикасининг Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари Фарғона водийсининг марказий қисмида жойлашган. Водий вилоятларининг ер майдони 19,2 минг км² ни ташкил этиб, шундан Фарғона вилоятининг ер майдони 7,1 минг км², Наманган вилояти 7,8 минг км² ва Андижон вилояти 4,3 минг км² ни ташкил этади. Фарғона вилояти — шимолдан Наманган вилояти, шарқда Андижон вилояти, жануби — ғарбда Тожикистон Республикаси ва жанубда эса Қирғизистон Республикаси билан чегарадош. Наманган вилояти — шимол ва шарқ томондан Қирғизистон Республикаси, шимолий-ғарбда Тошкент вилояти ва ғарбдан Тожикистон Республикаси билан чегарадош.

Рельефи. Фарғона водийсининг марказий қисми ғарбдан шарққа томон 300 км га яқин, шимолдан жанубга томон 120 км.ни ташкил этади. Водийнинг марказий қисми текислик кўринишида бўлиб, Сирдарё дарёси террасалари билан шакллланган. Сирдарё террасаси тош, қум ва қумоқ тупроқлардан ташкил топган. Сирдарёнинг поймаси ва биринчи террасаси кўпгина қўллар ва ботқоқликлар билан қопланган. Иккинчи ва учинчи террасаларида қумлар ва тақир тупроқлар учрайди.

Тупроқлари. Фарғона водийсида турли тупроқлар учрайди. Водийнинг марказида Ёзёвон чўли мавжуд бўлиб, тупроқлари асосан қум ва тақир тупроқлардан иборат.

Марказий Фарғонанинг перифериясининг асосий қисмини суғориладиган унумдор тупроқлар ташкил этади.

Сизот сувлари. Фарғона водийси сизот сувларига бой ҳудуд ҳисобланади. Сизот ва ерости сувлари асосан йирик сув артериялари: Сирдарё, Қорадарё ва Норин дарёсидан филтрацияланадиган сувлар ҳисобига шаклланади ва тўйинади. Фарғона водийсининг кўпгина туманларида ичимлик ва суғориш суви сифатида дарё ва сойлардан филтра-

цияланадиган артезиан сувлари асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Сизот сувлари сатҳи 1 метрдан 2,5 метрга қадар чуқурликда жойлашган бўлиб, қиш-баҳор ойларида кўпгина ҳудудларда сизот сувлари сатҳи 0,5-0,6 метрни ташкил этади. Тоғолди ҳудудларда сизот сувлари сатҳи ер сатҳига нисбатан 15-20 метрни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги. Фарғона водийси вилоятлари иқтисодиётининг асосий тармоғини қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги экинлари майдони Андижон вилоятида 60 фоизни, Наманган вилоятида 52 фоизни ва Фарғона вилоятида 45 фоизни ташкил этади.

Фарғона водийси қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғини пахтачилик ташкил этади.

Андижон ва Фарғона вилоятлари қишлоқ хўжалигида ипакчилик асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Жумладан:

Андижон вилояти: Пахтачилик, ипак толаси етиштириш, бошоқли дон экинларини етиштириш, боғдорчилик ва узумчилик қишлоқ хўжалиги соҳасининг етакчи тармоқларини ташкил этади. Вилоятнинг қишлоқ хўжалиги ер фонди ресурсларининг аксарият қисми ҳайдаладиган ерларни ташкил этиб, техник экинлар ушбу майдонларнинг асосий қисмини эгаллайди. Андижон вилояти республикада ипак толаси етиштирувчи вилоятлар орасида биринчи ўринни эгаллаб, мамлакатда ишлаб чиқиладиган 15 фоиз ипак толасини ишлаб чиқаради.

Наманган вилояти: Пахтачилик, ипак толаси етиштириш, бошоқли дон экинларини етиштириш, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик қишлоқ хўжалиги соҳасининг етакчи тармоқларини ташкил этади. Вилоятнинг мўътадил иқлим шароити пахта ва бошқа иссиқсевар экинларни етиштириш имкониятини яратади. Вилоятда ўрик, анжир, узум, хурма, олма, нок каби меваларнинг турли навларидан яхши ҳосил олинади.

Вилоятнинг аксарият қисмида атмосфера ёғингарчиликлари нисбатан кам бўлади. Шу сабабли ўлкада суғорма деҳқончилига асосланган. Наманганнинг асосий қишлоқ хўжалиги тармоғини пахтачилик ташкил этади.

Фарғона вилояти. Пахтачилик, боғдорчилик, узумчилик, сабзавот, поллиз, картошка, тухум, сут маҳсулотлари чорвачилик ва ипак толаси етиштириш қишлоқ хўжалиги соҳасининг етакчи тармоқларини ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида пахтачилик етакчи ўринни эгаллайди. Пахтачиликдан кейинги ўринларни узумчилик, сабзавот-поллиз экинлари ва асаларичилик асосий ўринларда туради.

Фарғона водийси дарёлари гидрологик режимининг қисқача таснифи. Гидрологик режим бўйича Фарғона водийси 3 та агроклиматик ҳудудга бўлинади: I Наманган ҳудуди, II Андижон ҳудуди ва III Фарғона ҳудуди.

I Наманган ҳудуди. Ушбу ҳудуд ғарбдан Тожикистон Республикаси, шимоли-ғарбдан Тошкент вилояти билан чегарадош бўлиб, ушбу участкада Кўрмана тоғ тизмаси ҳудуд чегарасини ҳосил қилади. Шимолий ва шарқий чегаралар Чотқол тизмаси бўйлаб ўтади. Жанубий чегаралар Учқўрғондан Норин ва Қорадарёлар қўшилишигача бўлган ҳудудга қадар чўзилган.


Наманган ҳудудида иссиқ ҳаво ҳарорат йиғиндиси шимолда 4100° дан жанубга томон 4900° ни ташкил этади. Ҳаво ҳароратининг абсолют максимуми 42-44° ни ташкил этади. Термик кўрсаткичлар бўйича ушбу ҳудуд иссиқ ва жазирама соҳаларга киради. Ушбу ҳудудда қиш юмшоқ мўътадил. Ҳаво ҳароратининг абсолют минимуми -28° дан -31° гача ўзгаради.

Йиллик ёғин миқдори ҳудуд бўйича нотекис тақсимланган. Ҳудуднинг шимолий қисмларида 250-315 мм, жанубий қисмларида 160-200 мм ни ташкил этади. Намланиш режими бўйича ҳудуд қуруқ ҳудуд ҳисобланади. Селяниновнинг гидрометрик коэффициенти


Термик ресурслар бўйича Андижон
ҳудуди жазирама ҳудудга киради. Иссиқ

ҳаво ҳарорат йиғиндиси шимолда 4000⁰ дан жанубга томон 4600⁰ ни ташкил этади. Ушбу ҳудудда киш юмшоқ мўътадил. Ҳаво ҳароратининг абсолют минимума -29⁰ дан -32⁰ гача ўзгаради. Қор қопламали кунлар 39-42 кунни ташкил этади. Иссиқ ҳароратли кунлар 208-230 кунни ташкил этади. Ушбу ҳудуд, жумладан, ҳудуднинг шарқий қисми атмосфера ёғинлари билан етарлича намланади. Намланиш режими бўйича ҳудуд қуруқ ҳудуд ҳисобланади. Селяновнинг гидрометрик коэффициенти [0,2;0,44] интервалда ўзгаради (2-расм).

Яйлов ерлари Андижон ва Фарғона вилоятлари қишлоқ хўжалиги ерларининг 40 фоизини, Наманган вилоятида эса 50 фоиздан ортиқ қисмини ташкил этади.



2-расм. Ҳудудларнинг термик ресурслари харитаси.



3-расм. Фарғона водийсининг гидрографик харитаси.



Фарғона водийси қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғини пахтачилик ташкил этади. Андижон ва Фарғона вилоятлари қишлоқ хўжалигида ипакчилик асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш қишлоқ хўжалиги эканлигидан юқори ҳосил олиш бўйича илғор инновациялардан

фойдаланиш, соҳада рақамлаштириш технологияларини кенг жорий Водий вилоятларида макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнозининг бажарилишига юқори туртки бўлди.

Акмал МИРЗАЕВ,

тадқиқотчи,

*Ирригация ва сув муаммолари
илмий-тадқиқот институти.*

АДАБИЁТЛАР

1. Махмудов И.Э., Chen Xi, Jilili Abuduwalli, Хамраев Ш.Р., Махмудов Э.Ж., Кузиев Р.К., Садиев У.А., Муродов Н.К., Эрназаров А.И., Долидудко А.И. «Исследование агрометеорологических параметров территорий бассейна реки Амударья в условиях изменения климата в Центральной Азии». Монография. Тошкент. 320 ст., 2019 г.

УЎТ: 332.33.556.18:33012.23.

ТАДҚИҚОТ

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

В статье анализированы экономические аспекты повышения эффективности использования водно-земельных ресурсов в условиях рыночной экономики.

This article analyzes the economic aspects of improving the efficiency of land and water use in a market economy.

Қишлоқ хўжалигида суғорма сувдан фойдаланиш муаммоси ер ва сув ресурсларидан ўзаро келишилган ҳолда фойдаланишни назарда тутати. Уларнинг бир-бирдан ажратиб бўлмайдиган жипслиги ер ва сув ресурсларидан уйғун равишда фойдаланишни тақозо этади. Улардан ҳар бирининг тадқиқот объекти ва предмети сифатида глобал муаммоларни ҳал қилишда ўз ўрни бор [3].

Суғориладиган ердан фойдаланишда иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришдан мақсад, барча моддий ишлаб чиқариш тармоқларида ҳудудий бошқаришнинг янги механизмини яратиш ва тижорат муносабатлари тамойилларини тўлиқ амалга оширишнинг зарурий шароитларини яратишдан иборат [4].

Мустақиллик йилларида мамлакатда сув хўжалиги фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш учун бир қанча чоратadbирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418 Фармонида [1] кўра, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги негизида алоҳида Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги вазирликлари ташкил этилди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги №320 “Сув хўжалигида бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорига кўра сувдан фойдаланишнинг барча даражаларида бозор муносабатларини жорий қилиш мақсадида ирригация тизимларини бошқаришнинг кучли марказлашган маъмурий-ҳудудий усулидан сув хўжалигини бошқарувининг егилувчан тизими ҳудудий ҳавза бошқарув тамойили (ХХБТ) га ўтилди. Ирригация тизимларини бошқаришнинг ҳавза тамойили (ИТБХТ) ва сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУ) ни ташкил қилиш орқали мамлакатда сув хўжалигини бошқаришнинг икки даражали тизимининг яратилиши қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади [2].

Мазкур ислохот сув таъминоти бўйича эксплуатацион фаолиятни ташкил этишнинг янги шаклларини уюшма,

акционерлик жамиятларини ташкил этиш билан мустаҳкам боғланган. Лекин уларни сув хўжалиги фаолиятида жорий қилиш қуйидаги сабаблар бўйича қийин кечмоқда:

биринчидан, сув хўжалиги тармоғи жуда катта ишлаб чиқариш базасига эга бўлишига қарамай, у халқ хўжалигининг мустақил тармоғи сифатида етарли даражада расмийлашмаган;

иккинчидан, корхоналар бугунги кунда иқтисодий мустақилликка эришмаган ва хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатиш учун етарли шароитга эга эмас;

учинчидан, сув хўжалиги фаолияти бугунги кунда мулкчилик масаласи на қонуний, на иқтисодий томондан тўлиқ ҳал қилинмаган ер ва сув табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ;

тўртинчидан, бу тармоқ фаолияти хусусияти бир томондан унинг монопол характерини англатса, иккинчи томондан фаолиятнинг ижтимоий йўналтирилганлигини англатади. Бу эса сув хўжалиги фаолиятида давлатнинг иштирокини зарур қилиб қўяди.

бешинчидан, сув хўжалиги корхоналарининг хўжалик фаолияти доираси сув хўжалиги фондлари идоралари бўйича тарқалиб (сочилиб) кетган, сувдан фойдаланиш учун тўловлар тизими ва хўжалик ҳисобидаги сув хўжалиги корхоналарининг иқтисодиёт бўйича аниқ статистик ҳисоботлар йўқ, мамлакатдаги барча сув истеъмолчилари ичида фақат саноат ва коммунал хизмат корхоналари сув учун тўловни амалга оширмоқда.

Шу боис, суғориладиган ерларда ер ресурсларининг юқори унумдорлигини таъминлашнинг энг муҳим иқтисодий жиҳатлари хўжалик ҳисобининг таркибий қисми сифатида энг яхши такомиллашган хўжалик юритиш усулларини кенг жорий этиш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг мавжуд ресурсларидан оқилона фойдаланишдан иборатдир.

Давлатнинг молиявий кўмаги қисқариб бораётган бозор шароитида мустақил қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ир-



ригация ва дренаж тизимлари фаолияти учун зарур бўлган йирик сарф-харажатларни қоплашга имконияти етмай қолиш туфайли, қишлоқ хўжалигида юзага келган сувдан тартибсиз истеъмол қилиш оқибатида фойдасиз йўқотиладиган сувлар хажми кўпайди

Сув хўжалигида иқтисодий муносабатларни ривожлантириш стратегияси сув хўжалиги асосий фондлари фаолияти учун зарур бўлган сарф харажатларни, аҳоли ва сув истеъмолчилари хўжалик субъектларининг тўлов қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда тариф ва солиқ сиёсатини оптимallashtириш орқали республика бюджети юкланишини аста-секин камайтиришни назарда тутди. Сув хўжалиги асосий фондлари техник ҳолатининг энг паст даража эканлиги, ускуналар, сарфланадиган материал ва ресурслар нархларининг ҳозирги даражаси, шунингдек, сув истеъмолчиларининг реал тўлов қобилияти, тармоққа давлат томонидан молиявий кўмагининг пасайиши унинг тиклаб бўлмайдиган даражада бузилиши (деградация) га олиб келиши мумкин.

Эндиликда жаҳон амалиётида сув ресурсларини бошқаришнинг интеграллашуви, яъни гидрогеографик ҳавза ёндашуви ва бир вақтнинг ўзида бу жараёнга сув истеъмолчиларини кенг жалб этишга ўтиш йўналишида ривожланиб бормоқда. Интеграллашган сув ресурсларини бошқаришга

ўтиш қуйидаги натижаларга эришишни назарда тутди:

биринчидан, сув ресурсларини комплекс ва самарали бошқариш, сув йўқотишларнинг камайитириш; иккинчидан, тармоқни бошқариш тузилмасини соддалаштиришга олиб келади;

Хулоса ўрнида: бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатда сув хўжалиги ташкилотларини самарали бошқариш бўйича олиб борилган чора-тадбирларга қарамай, бугунги кунда сув хўжалиги тизимида қуйидаги ўткир муаммолар сақланиб қолганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим:

сув хўжалиги инфратузилмалари объектларининг жисмоний ва маънавий эскирганлигини;

сув истеъмолчиларида сувни тежаш учун рағбатлантиришнинг етарли эмаслигини.

сув хўжалиги асосий фондларини хусусийлаштириш сув ва хизмат бозорининг ташкил этилмаганлигини;

бозор элементларининг жорий этилишига қарамай, сув ресурсларини бошқариш, собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган тамойилларга асосланиб амалга оширишнинг сақланиб қолганлигини.

Абдулла МИРЗАЕВ,

Термиз давлат университети доценти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПФ -5418 Фармони, WWW.Lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги “Сув хўжалигида бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида” - №-320 Қарори. WWW.Lex.uz.
3. Мирзаев А.К. Экономические аспекты совершенствования использования земельных и водных ресурсов. Монография. Т.: Навруз, 2020. 162 с.
4. Умурзаков Ў.П., Абдурахманов И.Л. Сув хўжалиги менежменти, Т.: Iqtisodiyot-Moliya, 2008, 11-жилд. 469 б.



**Халқимизни, сув хўжалигида
фидокорона меҳнат
қилаётган касбдошларимизни**

Янги – 2022 йил

**билан чин дилдан
муборакбод этамиз.**

**Улкан режаларни
кўнглига тўғиб олган барча
юртдошларимизнинг ишларига
омад ва зафарлар тилаймиз!**

ЗАРДАРЁ ИТБ жамоаси



ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ УЗБЕКСКОГО САДОВОДСТВА НА ОСНОВЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНТЕНСИВНЫХ ТИПОВ САДОВ И МАШИННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ИХ ВОЗДЕЛЫВАНИЯ

The main problems of the gardening industry in Uzbekistan are shown. The directions of intensification of industrial gardening in Uzbekistan with the use of intensive types of gardens and machine technologies for their cultivation are proposed.

Велением времени является переход садоводства и виноградарства от экстенсивного к интенсивному пути развития. Однако до недавнего времени создание интенсивных садов и виноградников в Узбекистане часто осуществлялось только за счет техногенных факторов: повышения потребления минеральных удобрений и ядохимикатов. В настоящее время стоит задача перехода не просто к интенсивному, но обязательно к адаптивному хозяйствованию, при этом должна учитываться не только экономика, но и экология производства продукции, т.е. должен производиться учет закономерностей среды, развития культур и обрабатывающей их техники.

В целях увеличения объемов производства и улучшения качества плодов, насыщения потребительского рынка качественной садовой продукцией и продуктами ее переработки, снижения импорта и наращивания экспортного потенциала необходимо решить некоторые задачи, стоящие перед садоводством, для его устойчивого развития:

- укрепить материально-техническую базу, провести техническое переоснащение научных, учебных учреждений системы государственного сортоиспытания и патентной экспертизы садовых культур;

- обеспечить улучшение оросительных систем в научно-исследовательских организациях и питомниководческих хозяйствах;

- заложить плантации нетрадиционных плодовых культур;

- расширить объемы производства отечественных сельскохозяйственных машин и орудий для механизации работ в садоводстве на предприятиях Узбекистане (специальная трактор для садоводство);

- обновить машинно-тракторный парк садоводческих и питомниководческих организаций за счет поставки тракторов и специализированной садоводческой техники по лизингу;

- создать сырьевые зоны и обеспечить потребности перерабатывающих организаций в садовом сырье;

- продлить сроки потребления плодов в свежем виде за счет строительства и реконструкции плодохранилищ.

Среди основных проблем Узбекского садоводства можно назвать следующие:

- неблагоприятные природно-климатические условия на некоторые части территории, увеличивающие риски в отрасли;

- низкий уровень интенсификации садоводства и плохое состояние имеющихся многолетних насаждений;

- проблемы в сфере организационно-экономических и правовых отношений.

Территория Узбекистана обширна и плодовые и ягодные культуры выращивают на значительной ее части. Однако зона промышленного плододовства располагается в основном

Кашкадарья, Сурхандарья, Бухара, Самарканд, Джиззак, Сырдарья, Ташкент, Наманган, Андижан и Ферганской области, где в промышленной культуре выращивают, прежде всего, яблоню, абрикос, алыча, персик, черешня, хурма, инжир, айва, гранат а также землянику, грушу, вишню и сливу.

Для серьезного прорыва в Узбекском садоводстве требуется создание садов другого типа: интенсивных, с быстрой окупаемостью капитальных вложений, скороплодных, дающих продукцию высокого качества, конкурентоспособную на мировом рынке.

Перспективность такого направления доказана практическим опытом передовых хозяйств России и уровнем развития садоводства в других странах мира. Благодаря использованию садов на слабо и средне рослых подвоях – одному из основных факторов интенсификации – урожайность яблоневых насаждений возрастает до 20...40 т/га и более.

Интенсивный сад – это «комбинат» по гарантированному производству запланированного количества высококачественных плодов на основе максимальной реализации биологического потенциала растений и агроклиматического потенциала региона, что в совокупности с современными базами хранения должно обеспечить население свежими плодами в течение всего года.

В данном моменте лучшие агрофирмы в Узбекистане обеспечивают свежими плодами населению и экспортируют из них; Baxmal golden apple, Sam agro star, O'zagroeksport, Дуслик, Олтин водий ПКФ, Aziya agrofrukt, Bliss agromir food, Agro-Нектар, Сырдарья агроэкспорт, Goodveen, Sam greyp, East agro international, Osiyo agro savdo servis ДП, Quva agro invest.

Высокий технический уровень новых машин для садоводства можно обеспечить с помощью средств автоматизации и элементов «точного земледелия», индивидуальных гидро или электроприводов исполнительных рабочих органов; максимальной степенью совмещения технологических операций; освоением зонально-адаптированных ресурсосберегающих и энергосберегающих технологии. Ученые Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства доц. И. Марупов и науч. исслед. З.Умурзаков занимаются вопросами механизации работ в интенсивных насаждениях совместно с сотрудниками других организации по садоводству, виноградарству и виноделию имени М.Мирзаева и заводам ТТЗ. Разработаны интенсивная технология специальная садоводческого трактора с ресурсосберегающая технологиями.

Зуфар УМУРЗАКОВ, научный исследователь,
Исажон МАРУПОВ, т.к.н., доцент,
ТИИИМС.

ЛИТЕРАТУРА

1. Аманатов Г. Д. Разработка, производственная проверка и внедрение средств механизации в садоводстве и их результативность /Г. Д. Аманатов /содружестве с наукой. – 1996. – № 5. – С. 7–12.
2. Утков Ю. А. Перспективы создания технических средств для садоводства / Садоводство и виноградарство. – 2001. – № 1.
3. Трунов Ю.В., Каширская Н.Я., Цуканова Е.М. Состояние насаждений яблони в ЦЧР после воздействия стрессоров 2010 года / Садоводство и виноградарство.
4. Плодоводство: учебник для вузов/Под ред. Ю.В. Трунова, Е.Г. Самощенко. – М.: Колос, 2012. – 415 с.

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrar-iqtisodiy,
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV
XO'JALIGI VAZIRLIK LARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Shuhrat G'ANIYEV
Jamshid XO'JAYEV
Shavkat XAMRAYEV
Shuhrat TESHAYEV
Azimjon NAZAROV
Bahodir TOJIYEV
Ravshan MAMUTOV
Abrol VAXOBOV
Bahrom NORQOBILOV
Nizomiddin BAKIROV
Botirjon SULAYMONOV
Ravshanbek SIDDIQOV
Mirziyod MIRSAIDOV
Baxtiyor KARIMOV
Ibrohim ERGASHEV

2022-yil,
Yanvar №1.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq va
suv xo'jaligi" jurnalidan olindi",
deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

Ўзбекистон халқига Янги йил табриги	1
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Иқтисодий тармоқлари учун муҳандис кадрларни тайёрлаш тизимини инновация ва рақамлаштириш асосида тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация tizimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	5
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Томоркадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	7
Ш.ХАМРАЕВ. Натижалар салмоқли, режалар улкан	10
Ш.ТЕШАЕВ. Халқимиз фаровонлигини таъминлаш – устувор вазифа	12
Б.НОРҚОБИЛОВ. Истикболли ислохотларнинг дастлабки босқичи	14
Ш.СУЮНОВ. Сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси II босқичи — амалий натижалар	16
М.ТОШБОЛТАЕВ. Қиш – механизатор учун иш	17
К.ЭРГАШЕВ. Юрт фаровонлиги йўлида	19
Ш.НОРМУРОДОВ. Чимқўрғон – ислохотлар бўй кўрсатмоқда	20
Бугунги амал – келгуси ҳосилга тамал	21
Ш.ЖАББАРОВА. Ҳаётим мазмуни — кенг далалар	22
Ветеринарлар – чорва ривожда камарбаста	23
“Bahor Chance Textile” — ривожланиш йўлида	24
Ф.БОБОЖОНОВ. Ботаника илми дарғаси	25
Д.ЁРМАТОВА, А.МИРЗАЕВ. Пекан ёнғоғи – сердаромад мева	27
З.ЗИЁТОВ. Лазерми ёки лазурный?	29
А.РАХИМОВ. Илғор ахборот технологияларининг судлар фаолиятига жорий этилиши	32
Ҳ.ЗАРИПОВ, А.ТОҒАЕВ. Кузги юмшоқ бугдой навлари уруғларининг унвчанлигига хамда ҳосилдорлигига экиш муддати, меъёрлари ва ўғитларнинг таъсири	33
С.ТЕШАБОВЕВ. Бошқоқ дон экинлари уруғчилигида ҳозирги ҳолат ва келгуси истиқболлар	34
Н.ИБРАГИМОВА, Р.МАВЛЯНОВА. Окбош қарамнинг эртапишар истиқболли нав ва дурағайларини танлаш	36
В.ЖАМОЛИДДИНОВА, Н.МУМИНОВ, А.ЭЛМУРОДОВ. Топинамбур махсулотларининг кимёвий таркиби	38
И.МИРЗАЕВА. Соянинг “Тошкент” навида туганак бактериялар тўпланишига экиш меъёрларининг таъсири	39
З.НОСИРОВА, Ш.МАҲМУДОВА. Динамика изменения адвентивности тутовой огневки	41
А.ВАХРОМОВ, В.КАМАНОВ. “Konduktometr” yordamida sho‘rlangan tuproqlarning tarkibini o‘rganish	42
А.МИРЗАЕВ. Фарғона водийси ижтимоий-географик шароитлари ва ижтимоий-иқтисодий ўсиши ҳолатининг таҳлили	43
А.МИРЗАЕВ. Суғориладиган ерларда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг иқтисодий асослари	45
З.УМУРЗАКОВ, И.МАРУПОВ. Повышение эффективности узбекского садоводства на основе использования интенсивных типов садов и машинных технологий их возделывания	47

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 2019-yil 10-yanvarda 0158-raqam
bilan qayta ro'yxatga olingan.

Manzilimiz: 100004, Toshkent sh.,
Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

www.qxjurnal.uz
E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru,
Telegram: qxjurnal_uz
Facebook: uzqxjurnal

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Bosmaxonaga topshirildi: 2022-yil 3-yanvar.
Bosishga ruxsat etildi: 2022-yil 5-yanvar. Qog'oz
bichimi 60x84 1/8. Ofset usulida ofset qog'oziga
chop etildi. Shartli bosma tabog'i – 4,2. Nashr bosma
tabog'i – 5,0. Buyurtma №1. Nusxasi ... dona.

«HILOL MEDIA» MCHJ matbaa
bo'limida chop etildi.

Korxona manzili: Toshkent shahri, Uchtepa
tumani, Sharaf va To'qimachi ko'chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrir – B.ESANOV
Dizayner – U.MAMAJONOV



Қашқадарё вилояти мироблари
номидан республикамиз аҳлини

Янги – 2022 йил

билан муборакбод этамиз.

Янги йилда барча эзгу ниятларимиз
рўёбга чиқиб, халқимиз турмуши
янада фаровон, дастурхони файзли,
шаҳару қишлоқларимиз
обод бўлишини тилаймиз.

Байрамона қувонч йил бўйи
ҳамроҳингиз бўлсин!

**Қарши магистрал
канали жамоаси**





Ўзининг баракали меҳнат ютуқлари билан
истиқболи порлоқ юртимизнинг гуллаб-яшнашига
ҳисса қўшаётган ирригатор ва мелиораторларни,
қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини,
юртдошларимизни Янги – 2022 йил
билан самимий табриклаймиз.
Озод ва ҳур мамлакатимизнинг ҳар бир кунини
бунданда гўзал, пурвиқор, деҳқонларимизнинг
хирмонлари сарбаланд бўлсин!

"МИНГБУЛОҚ МАХСУССУВПУДРАТ"
МЧЖ жамоаси

2022

